БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ВА БИЗНЕС АСОСЛАРИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИШМУҲАМЕДОВ А.Э., Л.А.СИТДИКОВА,
Л.ИШМУҲАМЕДОВ А.А, М.Н.СУННАТОВ

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ВА БИЗНЕС АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан
олий ўқув юртларининг иқтисодий таълим йўналишлари талабалари учун ўқув қўлланма
сифатида тавсия этилган

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти,
Тошкент 2004.

5-80

THE MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

TASHKENT STATE ECONOMIC UNIVERSITY

ISHMUHAMMEDOV A.E., SITDIKOVA L.A.,
ISHMUHAMMEDOVA L.A., SUNNATOV M.N.

BASIS OF MARKET ECONOMY AND BUSINESS

This manual is recommended by the group of "regulating the activities of scientific organizations of higher education" of the Ministry of higher and secondary special education, for the students of higher education establishments majoring in economy



©Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти,
Тошкент 2004.

Ишмуҳамедов А.Э., Ситдиқова Л.А., Ишмуҳамедова Д.А., Суннатов М.Н. Бозор иқтисодиёти ва бизнес асослари (Ўқув қўлланма) -Т.: ТДИУ, 2004 – 160 бет.

Ушбу ўқув қўлланмада бозор иқтисодиёти ва бизнес асослари, тадбиркорлик тамойиллари ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш каби масалалар республикасимиз ҳамда ривожланган мамлакатлар, мисолида баён этилган; Ўзбекистоннинг бошқа мамлакатлар, хусусан, бозор иқтисодиётига ўтиш йўлини танлаган давлатлар билан иқтисодий муносабатлари ҳақида фикр юритилган.

Қўлланмани тайёрлашда сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган чуқур иқтисодий ислоҳотларнинг натижалари, жаҳон иқтисодиётига собитқадамлик билан кириб бораётган мустақил давлатларнинг тажрибалари, ривожланган мамлакатларнинг илмий ёндашувлари, шунингдек, муаллифлар томонидан ўқилган маърузалар асос қилиб олинган.

Талабалар курсни ўрганиш натижасида олган билим ва тажрибаларини келгусидаги иқтисодий тартибга солиш амалиётларида қўллай олишлари лозим.

Қўлланма «Иқтисодий» таълим йўналишларининг тлабалари учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: и.ф.д., проф.
Ҳолмўминов Ш.Р.
Тақризчилар: и.ф.н., проф.
Маҳмудов Э.Х.;
и.ф.н., доц.
Ашурова Д.С.

Ishmuhammedov A.E., Sitdikova L.A., Ishmuhammedova L.A., Sunnatov M.H. Basis of market economy and business (Manual) – T.: TSEU, 2004 – 160 pages

The manual covers the problems of market economy and business, principles of entrepreneurship and social protection of population. These aspects are studied on the example of Uzbekistan and other developing countries.

In the present manual, economic activities of Uzbekistan with other countries, especially with those of market economy are also studied.

In the process of preparation of the manual, the results of deep economic reforms carried out in our republic as well as the experience of independent countries entering the world economy were studied, as well as scientific views of the developed countries and authors opinions are considered.

Students should be able to use the knowledge and practical skills obtained at the course in the future economic settlement. The manual is designed for the students studying in the sphere of economy.

Responsible editor: doctor of economic science,
prof. Holmuminov Sh.R.
References: doctor of economic science,
prof. Mahmudov E.H.;
candidate of economic science
Ashurova D.S.

КИРИШ

Ўзбекистонни иқтисодий жиҳатдан қудратли давлатга айлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар бозор иқтисодиёти тизимини барпо этиш вазифаси билан олиб борилмоқда. Эътибории тортадиган жиҳати шундаки, бир-бири билан узвий боғлиқ улуғвор икки оғир муаммони бир тарихий даврда уддалашга тўғри келмоқда. Бозор иқтисодиётига ўтиш, бир томондан эски иқтисодий тафаккурдан воз кечиш, янги иқтисодий тизимга ўтишни, иккинчи томондан мамлакатни оғир иқтисодий аҳволдан олиб чиқиш, иқтисодиётга янги сифат жиҳатидан янгича йўналиш бериш, барқарор ўсиш суръатлари ва бизиес асосларини яратишни тақозо этади.

Бозор иқтисодиётининг асл маъноси — иқтисодиётни ташқаридан тартибга солиш тажрибасидан воз кечиб, ўзини - ўзи тартибга солиш, йўналтиришдир. Унинг марказида бозорга барқарор ўсиш суръатлари бахш этиб турадиган янги бозор механизми — тадбиркор инсон туради, инсон омили ёки иш куни ётади. Бошқача айтганда, шундай сифатдаги бизнес асослари тайёрланиши керакки, у бунда ишчи кучи фан-техникаининг энг сўнгги ютуқларини эгаллаш, айни вақтда юксак миллийлик, ўз ватани имкониятларидан унумли фойдалана билиш хислатларини эгаллаган бўлиши даркор.

Демак, янги иқтисодий тизимга ўтиш, мустақил давлат қуриш ҳар биримиздан, биринчи навбатда, Ўзбекистон тақдири ва келажаги бўлган ёшлардан, уларда замонавий иқтисодий тафаккур, бизнес асослари ва иқтисодий тафаккур заминида ўзи ва ўз халқи, Ватани тақдири учун масъулият ҳиссини сезишни талаб этади. Бунга бизнес асосларини эгаллаш, иқтисодий қонунлар ва тушунчалар мазмунини чуқур идрок этиш, билиб олиш орқали эришиш мумкин.

Бозор иқтисодиёти ва бизнес асослари бутун бир иқтисодий тизимдир, мураккаб муносабатлар мажмуидир. Бунинг маъиоси шуки, бозор муносабатларини доимо ўрганиб бориш асосидагина муваффақиятли хўжалик юритиш, юксак натижаларга эришиш, ўз мулк ва маблағларимиздан энг унумли фойдаланиш натижасида фаровон ва тўқ ҳаёт кечириш мумкин, одамларда яхши яшаш кўникмаларини ҳосил қилиш эса бизнес асосларини эгаллаш орқалигина таъминланади. Буни бозор муносабатлари асосида яшаётган, ривожлаиив бораётган ўнлаб мамлакатлар ва халқлар ҳаётидан кўриб турибмиз.

Тўғри, ҳозирги вақтда бозор муносабатларини ўрганиш бўйича анча-мунча ишлар қилинмоқда, турли мавзуларда маъ-

рузалар ўқилаяпти, курслар, хилма-хил бизнес мактаблар, семинарлар ташкил этилмоқда, иқтисодий лицейлар, коллежлар ва синфлар очилмоқда. Бироқ, бундай услубий ишларнинг ўзи кутилган самарани бера олмайди. Чунки, юртдошларимиз ҳам базавий иқтисодиёт ва бизиес асослари бўйича чуқур билимга эга эмас. Ҳанузгача, ўрта мактабларимизда, касб-ҳунар билим юртларимизда иқтисодиёт ва бизиес асослари бўйича пухта таълим бера оладиган, уларни ўзи чуқур тушунадиган иқтисодчи педагоглар жуда кам.

Яна бир оддий ҳақиқат шуки, ҳар қандай тафаккур асосларини шакллантириш каби иқтисодий таълим ҳам ёшликдан, мактабдан бошлансагина, ижтимоий ҳаётда сифат ўзгаришлари, ўсиш суръатлари бўлиши мумкин. Бу ҳар бир давр учун, айниқса, тузим ўзгариб, буюк давлат қуриш, бозор иқтисодиётига ўтиш йўлидан бораётган бугунги Ўзбекистон учун айниқса муҳим.

Президент Каримов И. кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, унинг самарали фаолият кўрсатиши учун қулай иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, айни вақтда унинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда нафақат ҳал қилувчи мавқе эгаллаши, балки шу билан бирга, аҳолининг фаровонлиги ва даромадлари ортишида муҳим омилга айланишига эришиш, давлат бошқарув органлари, ижтимоий тузилмалар диққат марказидаги асосий вазифа, эканлигини донмо таъкидлаб келмоқда.

Ушбу вазифаларни ўз вақтида ҳал этиш ва самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг фаолият кўрсатиши ва ривожланиш қонуниятларини таҳлил қилиш ҳамда истиқболдаги ўзгариши ҳақида илмий асосланган иқтисодий ахборотлар мавжуд бўлишини талаб этади.

Ҳозирги вақтда республикада кичик ва ўрта бизнес корхоналарини ташкил этиш ва уларнинг моддий-техника таъминоти ҳамда кредитлар ажратиш йўналишлари бўйича мониторинг жорий этилган, улар ҳақидаги маълумотлар мунтазам умумлаштириб борилмоқда. Аммо кичик ва ўрта корхоналар фаолияти самарадорлигини ўрганиш ва уларнинг истиқболдаги ривожланишини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда математик моделлаштириш асосида тадқиқ қилиш йўналишида илмий ишлар етарли эмас. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, корхоналарнинг бозор муҳитида фаолият кўрсатиши ва ривожланиш қонуниятларини ифодаловчи эконометрик моделлаштириш усулларини ва шу асосида эконометрик моделлар туркумини ишлаб чиқиш муҳим ва долзарб муаммолар қаторига киради.

«Бозор иқтисодиёти ва бизнес асослари» ўқув қўлланмасиини айнан шу йўналишдаги билим асосларини ўрганишга кўмаклашади. Уни тайёрлашда ижтимоий фанларни ўрганишда татбиқ этиладиган услублар, шунингдек, «Иқтисодиёт назарияси», «Макроиқтисодиёт» ва бошқа фанларни ўрганишнинг илмий-таҳлилий услубларига таянилади, республикада кўзда кўринган иқтисодчи олимларнинг асарларидан фойдаланилади.

Ушбу фан олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари ва лицейларнинг ўқувчиларига мўлжалланган.

I боб

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ТАРИХИ

1.1. Шарқ бозорлари тарихи

Шарқ мамлакатларида тараққиёт ғарбдагига нисбатан анча олдин бошланган. Иқтисодиёт соҳасидаги фаолият, бозор, савдо кабилар Осиё халқлари орасида жуда қадимги даврлардаёқ шаклланиб, сўнгра ғарбга, Оврўпага тарқалган.

Шарқ бозори, шу жумладан, Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистон бозорларининг қадимийлиги, ўзига хос хусусиятларга эгалиги бу ҳудудларда инсон иқтисодий фаолияти қадим даврларданоқ анча юқори бўлганини кўрсатади. Аввало шуни таъкидлаш зарурки, шарқ бозорида махсус савдо расталари, дўконлар, омборлар, карвонсаройлар бўлган. Савдогарлар ўз ватанларига қўшни ҳудудлар бозорларидагина эмас, ҳатто узоқ мамлакатларнинг бозорларида ҳам савдо-сотиқ билан шуғулланишган.

Қадимги давр, қулчилик даврлардаёқ ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидаги бозорларда Миср, Месопотамия, Ҳиндистон, Хитой ва Юнон савдогарлари ўз молларини сотишган, шу билан бирга бу ерлардан ҳунармандлар, деҳқонларнинг маҳсулотларини харид қилишган.

Турон бозорида Ипак йўлиниинг таъсири катта бўлган. Хитойдан Жанубий Оврўпагача чўзилган бу йўл бўйидаги шаҳар бозорлари Турон бозори молларига, айни пайтда Турон бозорининг ўзи ҳам «Ипак йўли» даги бозорларнинг молларига тўла бўлган. Турон бозори Хитой моллари ва Жанубий Оврўпа моллари билан чегараланмай, йўл-йўлакай барча халқларнинг моллари савдосини ҳам таъминлар эди. Албатта, бунда Хитойнинг ипак моллари ва чинниси катта ўрин эгаллар, лекин Турон ҳунармандлари ва деҳқонларнинг молларн салмоғи ҳам паст эмас эди. Бу моллар Узоқ Шарқ ва Оврўпагача олиб борилиб сотиларди. Шу билан бирга, ўзи ўтган ҳудудлар учун номаълум бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши ўзлаштирилишида «Ипак йўлн»нинг таъсири катта бўлган.

Ўзбекистон ҳудуди бозорларининг кейинги тақдири Мовароуннаҳр билан боғлиқ бўлган. Бунда Амир Темур даври алоҳида аҳамиятга эгалиги билан фарқланиб туради. Йирик марказлашган давлат барпо этган Амир Темур ҳам бозорлар учун жуда қулай шароит яратган эди. Ўзбекистон асосидаги давлат ғарбда Оврўпагача, Шарқда Хитой, Ҳиндистонгача чўзилган бу ҳудудда ички бозорга нисбатан ташқи бозор кенгроқ ривожланган эди.

Бу даврда шаҳарлар кўпайиб, йирик-йирик савдо марказлари пайдо бўлди. Натижада ҳунармандчилик ва харидоргир моллар ишлаб чиқариш доираси кенгайиб борди. Самарқанд, Бухоро, Андижон, Наманган, Шаҳрисабз каби жаҳон аҳамиятига молик савдо марказлари юзага келди. Мовароуннаҳр бозорлари Шарқ ва Ғарб мамлакатлари савдогарларини ўзига жалб этди.

Катта шаҳарлар бозорларида савдонинг ўзига хос хусусиятларидан бири шу эдики, уларда ҳунармандларнинг моллари алоҳида савдо дўконларида эмас, балки асосан корхоианинг ўзида сотиларди. Шунга кўра, махсус ҳунармандлар маҳалласи, ўрами, мавзелари бўлган. Улардан айримларининг номлари ҳозиргача ҳам сақланиб келмоқда. Чунончи, Ўқчи, Эгарчи, Мисгарлик, Каллахона, Чақичмон кабилар. Бундай маҳаллалар асосан шаҳарлар марказида, бозорларга яқин жойлашган эди.

Тўқувчилик ва тикувчилик маҳсулотлари ва шунга ўхшаш маҳсулотлар асосан бозорларда сотилиб, улар сотиладиган махсус бозорлар бўлган. Масалан, Самарқанднинг Регистон майдонида XV| асрда қурилган катта айланма бино дўппи бозори эди. Ҳозирги вақтда бу ерда кутубхона жойлашган.

Айрим молларни сотишга ихтисослашган савдогарлар ҳам бўлган. Айтайлик, аллопун ва буғдой, қассоб-гўшт сотувчилар, баққол кабилар.

Бу каби далиллар Шарқда савдо ва бозорнинг қадимдан анча ривожланганлигини кўрсатади.

1.2. Амир Темур давлатининг иқтисодий снёсати ва солиқлар тизими

Амир Темур Мовароуннаҳр сиёсий ҳаётига XIV асрнинг 50-йиллари охирн 60-йилларн бошларида кириб келди. Ўша даврда Мовароуннаҳр чиғатой улусига қарашли бўлиб, майда феодал давлатларга бўлинган, Кеш-Шаҳрисабз, Бухоро, Термиз, Бадахшон, Хўжанд, Шош-Тошкент ва бошқа вилоятлар ўртасида тинимсиз уруш-жанжаллар давом этарди, бундан мамлакат ва халқ чексиз азият чекарди. Амир Темур феодал урушларга бошқалардан мақсадлироқ қатнашиб, ўз қобилияти ва уддабуронлиги билан элга танилган эди.

Амир Темур мустақил, кучли, марказлашган давлат тузиш учун мўғул хонлигига қарши Мовароуннаҳрни бирлаштиришдан манфаатдор бўлган барча кучлар билан иттифоқ тузиб, ўзбошимча феодаллар ва бошқа зид кучларга қарши курашди ва феодал тарқоқликка барҳам бердн, Мовароуннаҳрни мўғуллардан озод қилди ва мустақнл, кучли, марказлашган давлат тузди.

Мамлакат чегараларидаги осойишталикни таъминлаш мақсадида Амир Темур Хоразм ва Хуросонни эгаллаб, бутун Туронни бирлаштирди ва Эрон, Ироқ, Озарбайжон, Ҳиндистоннинг шимолий қисмини ўз ичига олган буюк марказлашган давлатга асос солди ва Мовароуннаҳрда ўз салтанатини ўрнатди (1370 й.). Бу пайтда юртда нотинчлик, вайроиагарчилик, тартибсизликлар ҳукм сурар, мамлакат ўта ҳолдан тойган, фуқаролар очликка, қашшоқликка юз тутган эди.

«Пирим Зайниддин Абубакир Тойибидий менга салтанат ишларида 4 иарсага амал қилишимни маслаҳат берди, — дейди Амир Темур. — 1. Кенгаш; 2.Машварату маслаҳат; 3.Қатъий қарор, тадбиркорлик ва ҳушёрлик; 4.Эҳтиёткорлик. Булар салтанат ишларида мен учун энг тўғри йўлбошчи бўлди.

Шунга кўра, давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, маслаҳат, тадбир, ҳушёрлик билан амалга оширилишини ва бир улуши эса қилич билан бажо келтирилишини англадим. Тажрибамда кўрдимки, ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши мииг-мииглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир».

Амир Темур ўз сиёсатиии давлатни бошқаришда тартиб ўрнатиш, юрт осойишталигини таъминлаш, деҳқончилик ва чорвачиликни жонлантириш, ҳунармандчилик ва савдони ривожлантириш, ариқ ва каналлар қазиш, сув иншоотлари ва тўғоилар қуриб, сув чиқариш, кўприклар қуриш, чет давлатлар билан ташқи иқтисодий алоқалар ўрнатиш бўйича қурултойлар ўтказишдан бошлади. Қурултойлар Мовараууниахрнинг ҳамма вилоятларида ўтказилиб, уларда барча шаҳзодалар, бош амалдорлар, ҳарбий бошлиқлар ва оқ суяклар бошлиқлари иштирок этганлар. Бу кенгашларда мамлакат хўжалиги, халқнинг аҳволи, илм-фанни ривожлантириш ва ҳарбий ҳолат ҳамда бошқа масалалар муҳокама қилган.

Амир Темур қурултойларда нутқ сўзлаб, илм ва диннинг машҳур олиму фузалолари, ҳар бир соҳанинг билимли мутахассисларига мурожаат қилиб, муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди.

Амир Темурнинг ички-иқтисодий сиёсати халқ фаровонилигини ошириш, Мовараууниахрда илм ва фанни тараққий эттиришдан иборат эди. У хазинанинг катта қисмини ёдгорликлар барпо этишга, юртни ободонлаштиришга сарфлар эди. Шу даврда Самарқандда Кўксарой, Бибихоним масжиди, Шоҳизинда мақбараси, кўплаб боғлар, саройлар, йўллар, кўприклар, қишлоқларда масжидлар ва муҳтожларга озиқ-овқат берадиган жойлар қурдирди. Тошкент атрофида каналлар қаздириб, Сирдарё-

дан Оҳангаронга канал ўтказди. Бухоро, Шаҳрисабз, Фарғона, Туркистонда масжид, мадрасалар, карвонсаройлар, сув иншоотлари барпо этди.

Бу улкан ишларни бажаришга Амир Темур забт этган мамлакатларнинг моҳир усталари, ҳунармандлари, косиблари, олимларию фузалолари ҳам жалб этилди.

Амир Темур Самарқанднинг довруғини кўкларга кўтариш учун бу ерда озиқ-овқат мўл-кўлчилигини таъмин этди, ипак, атлас, сентал, шойи каби матолар кўплаб тўқиб чиқарилди; мўйна, турли хил сургичлар, бўёқлар, энг сифатли қоғозлар ишлаб чиқарилди. Турли шаҳарлардан кўплаб соҳалар бўйича усталар, ҳунармандлар олиб келинди: Дамашқдан ипак, мато тўқувчилар, найзасоз ва қуролсозлар, шишасозлар, Туркиядан мерганлар, ҳар хил ҳунармандлар, зардўзи усталар келтирилди.

Самарқандга шунча кўп касб соҳиблари олиб келиндики, шаҳарнинг аҳолиси турли миллатларга маисуб бўлиб, 150 мингга етди. Шаҳарга Русия ва Татаристондан чарм ва сурп, Хитойдан ипак матолар, лал ва гавҳарлар, мушк, Ҳиндистондан мускат ёнғоғи, қалампирмунчоқ, мустак гули, долчин, анбар ва бошқа ноёб моллар келтирилган.

Самарқанд шу даврда савдо маркази бўлиб, майдонлар кечаю-кундуз одамлар билан гавжумлиги боис доимо қизғин савдо бўлиб турган. Амир Темур ўз фаолиятида деҳқончилик, чорвачиликни ривожлантиришга, сув омборлари, тўғонлар қурдириб, ариқ ва каналлар қаздириб, янги ерларни ўзлаштиришга, кўл остида бўлган барча ерлардан фойдаланишга катта эътибор берган, экин экиш мумкин бўлган барча ерларни чорва яйловлари, экинзор боғларга айлантирган.

Абу Тоҳирхўжа Самарқандий шундай ёзади: «Самарқандда Амир Темур Кўрагон солдирган боғларким, Эрам Гулистони рашк қилар даражада 7 та экан» (кейинги маълумотларда, бу боғлар 14 та, деб кўрсатилган).

Амир Темур ўз кўл остидаги ҳудудларда илм-фанга катта эътибор бериб, катта-кичик ҳар бир шаҳар ва қишлоқда масжид, мадраса, хонақоҳлар биио этдирган ҳамда қашшоқликни бартараф этиш учун фақиру мискинларга бошпаналар, йўловчилар қўниб ўтадиган работлар, етим-есирларга овқат бериладиган уйлар, ғарибхоналар қурдирган, беморлар учун шифохоналар барпо эттирган ва уларда ишлаш учун ходимлар, табиблар тайинлаб, маош берилгаи.

Амир Темур иқтисодий сиёсатида савдони, шу жумладан, ташқи савдони ривожлантиришга катта эътибор берилган. Мовароуннаҳрга Миср, Фарангистон, Испания, Дашти қипчоқ, шар-

қий Туркистон, Хитой ва бошқа қўшни давлатлардан элчилар, савдогарлар мунтазам равишда келиб турган. Амир Темур Англия, Франгистон ва бошқа давлатлар қиролларига мурожаат қилиб, улар билан савдо алоқаларинн ўрнатган ва ривожлантирган. Марказий Осиё орқали ўтадиган Ипак йўлида савдогарларнинг аҳволини яхшилаш, сафарини енгиллаштириш, хавфсизлигини таъминлаш учун йўллар атрофига карвонсаройлар қурдириб, уларда барча қулайликларни яратган. Чунки, ҳудуд йўлнинг энг серқатнов, сердаромад, гавжум ва осойишта қисми ҳисобланган. Шу сабабли йўлга соқчилар қўйилиб, улар савдогарларни ва саёҳатчиларни қўриқлаганлар, ўғрилар, қароқчилар, одамлар жоннга қасд қилувчиларга шафқат қилинмаган.

Бозорларда тартиб ва нарх-наво устидан доимий назорат ўрнатилган. Харидор ҳақига хиёнат қилган сотувчилар қаттиқ жазоланган. Бозор нархларининг беўрин оширмасликлари учун чайқовчиларга қарши қатъий чоралар кўрилган. 1404 йилда Амир Темур шахсан ўзи қозилик қилиб, гўштнн баланд нархда сотишда айбланган қассобни ўлим жазосига ҳукм қилган. «Ҳар бир мамлакат ва диёрга савдогарлар ва карвонбошилар тайинладимки, улар қаерга бормасин, ... у юртларнинг нафис матолари ва бошқа товарларидан келтиришсин, ўша мамлакатларда яшовчи фуқароларнинг ҳол-аҳволи, туриш-турмушлари ҳақида менга хабар олиб келтирсинлар, ҳар бир мамлакат ҳукмдорининг ўз раиятига қандай муомалаю муносабатда эканликларини аниқласинлар», деб ёзади соҳибқирон[1].

Солиқ тизими Амир Темур давлати иқтисодий снёсатининг асоси ҳисобланади. Ўша даврда ерга эгаликнинг 5 та асосий кўриниши бор эди: 1.Суюрғол ерлар. Бу ерлар давлат томонидан ажратиб берилган бўлиб, солиқдан озод қилинган. 2.Ҳархои ерлар. Бу ерлар одамларга бирор бир хизмати учун хусусий мулк қилиб берилган. 3.Ушр ерлар. Саййид ва хўжаларга мансуб ерлар. 4. Вақф ерлар. 5.Сипоҳилар ва уларнинг раҳбарларига берилган ерлар.

Салтанат хазинасини тўлдириш харажатлари асосан солиқлар ҳисобига амалга оширилар эди. Амир Темур давлатининг ўзига хос солиқлар белгилаш ва уни йиғиш қоидалари бўлиб, бу ҳақда соҳибқирон шундай деган эди: Солиқ йиғишда халқни оғир аҳволга солишдан ёки ўлкани қашшоқликка тушириб қўйишдан эҳтиёт бўлиш зарур. Негаки, халқни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашишига олиб келади, хазинанинг беқувватлиги сипоҳнинг тарқалиб кетишига

[1] Темур тузуклари — Тошкент, Матбаа бирлашмаси, 1991, 61-б.

сабаб бўлади, бу эса, ўз навбатида, салтанатнинг кучсизланишига олиб боради.

Бирор ўлка менга таслим бўлганида бу ўлканинг халқи солиқ йиғиш тартибларининг сақлаб қолинишини истаса, уларнинг хоҳишига рози бўлардим, акс ҳолда солиқлар мен жорий қилган қоида асосида йиғиларди»[2]. Бу қоидага асосан, солиқлар ернинг маҳсулдорлиги ва олинган ҳосилга қараб белгиланар эди.

Масалан, доим, узлуксиз равишда канал, булоқ ва дарё суви билан суғорилган экин ерларидан олинган ҳосилдан икки ҳиссаси ер эгасига қолдирилиб ва бир ҳиссаси салтанат хазинасига солиқ тариқасида олиниар эди. Бордию раият бу қоидага рози бўлмаса, у ҳолда ҳисобга олинган экин ерларини биринчи, иккинчи ва учинчи жариб (яъни 1 гектарга) қилиб, учга ажратиб, биринчи жарибдан олинган ҳосилнинг 3 ҳарвори (1 ҳарвор- 300 кг.яқин), иккинчи жарибдан олинган ҳосилнинг 2 ҳарвори, учинчи жарибдан олинган ҳосилнинг 1 ҳарворн, яъни 1 гектар ери бор киши 900 кг., 2 гектар ери бор киши 1500 кг. ва 3 гектар ери бор киши 1800 кг. солиқ тўлаган ва ҳоказо.

Аммо халқдан олинган солиқларни ҳар хил баҳоналар билан кўпайтиришга йўл қўйилмаган. Кузги, баҳорги, қишки ва ёзги деҳқончиликдан, лалмикор ерлардан олинган ҳосилнинг учдан ва тўртдан бир қисми солиқ тариқасида олинган.

Фуқаролардан жон солиғи, касб-ҳунардан, ўтлоқ ва сувлоқдан солиқлар қадимдан ўрнатилган қоидалар бўйича йиғилган. Солиқ ҳосил пишиб етилгандан кейин олинган. Солиқ йиғишда зўравонлик, калтаклаш, банди қилиш, ҳақоратлаш ман этилган.

Кимки, бирор саҳрони обод қилса, ёки ер ости сувини олиш учун иншоот қурса, тўғонлар қуриб, боғ қилса ёхуд хароб бўлиб ётган ерларни обод қилса, биринчи йили солиқдан озод қилинган, иккинчи йили раият ўз розилиги бўйича солиқ тўлаган. Амир Темур ҳарбий юришлардан зафар билан қайтиб келганда фуқароларни уч йилгача солиқдан озод қилган.

Ташландиқ, хароб ерларни обод қилиш учун турли асбоб ва керакли нарсалар берилган. Бу ерларни обод қилиш, сув иншоотлари, кўприклар қуриш, ариқлар қазиш, кўприклар қуриш, от-улов, омоч-ҳўкизлар сотиб олиш учун хазинадан пул берилган.

«Салтанатни адолатли бошқариш мақсадида ушбу тадбирларни маъқул кўрдим».-деб ёзади Амир Темур.

«Менга бўйсунган янги давлатларда ҳурматга лойиқ одамларга ҳурмат кўрсатдим. Мен пайғамбар авлодларига, қонун тарғиботчиларига, олимлар ва кексаларга буюк ҳурмат ва эҳ-

[2] Темур тузуклари – Тошкент, Матбаа бирлашмаси, 1991, 61-б.

тиром билан муносабатда бўлдим; уларга нафақа белгиладим; етим - есирлар, камбағал-қашшоқларга ғамхўрлик қилдим; яхшиларга, улар қайси миллатдан бўлишига қарамасдан, уларга яхшилик қилдим, ғаразли кишилар ва сотқинлар, иғво-фитна юритувчилар, ёлғон гап ташувчилар давлатимдан қувилди, ўғрилик, порахўрлик, таъмагирликнинг барча йўлларини бекитиш чораларини кўрдим.

Шубҳали ва нияти бузуқ кишиларнинг туҳматлари билан фуқароларга жазо беришни ман этдим. Аммо бирор шахснинг гуноҳи 4 далил билан исботланса, унга қилмишига яраша жазо бердим»[3] деб ёзади Амир Темур.

1.3. Ўзбекистон бозорлари тарихи

Умуман, Ўзбекистоннинг кейинги даврлардаги бозорлари тарихи Туркистон бозорлари тарихи билан боғлиқ бўлган. Бунда XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, рус мустамлака даври алоҳида ўрин эгаллайди. Бу даврда бозор муносабатлари бир қадар кенгайиб, бир қатор ўзгаришлар юз берди. Бу ўзгаришлар ҳам миқдор, ҳам сифат ўзгаришларини ўз ичига олади. Ўрта Осиё иқтисодиёти Россия иқтисодиёти манфаатига бўйсундирилди. Бунда, аввало пахтачиликка ва боғдорчиликка катта аҳамият берилди. Россия мустамлакачилик сиёсатида пахтачилик асосий ўрин эгаллаб, бу тармоқ имкони борича кенгайтирилди ва Ўзбекистоннинг пахта хомашёси билан Россия тўқимачилиги саноати тўла таъминланиб, ҳатто Россия уни четга ҳам экспорт қилди. Бу борада мустамлакачилик сиёсати имкониятларидан тўла фойдаланилди. Чунки бу йўл билан табиий бойликлар ва арзон меҳнат ва ресурсларидан жуда юқори фойда олинар эди. Шу билан бирга, ҳунармандчилик маҳсулотлари ҳам арзонга олиб кетилар, бу тармоқ ҳам анча жонланган ва ўзига хос бозоргир моллар ишлаб чиқарилар эди.

Мустамлака даврида саноат юзага кела бошлади. Бу асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бирламчи ишлов бериш билан боғлиқ бўлиб, булар асосан пахта заводларини ташкил этар эди.

Давр ўтиши билан ҳудудимизга Оврўпага хос бўлган савдо ҳам кира бошлади ва Шарқ савдоси хусусиятлари янада бойиди. Бунда капиталистик муносабатларнинг кириб кела бошлаши аҳамиятлидир. Техник экинлар майдонининг кенгайиши, темир йўл қурилиши, хўжаликларнинг саноатга боғлиқлиги кучайиши кабилар товар - пул муомалаларини жонлантирди.

---

[3] Темур тузуклари – Тошкент, Матбаа бирлашмаси, 1991, 61-б.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида пахта майдонлари 1860-1915 йиллар мобайнида 36 минг гектарга, пахта етиштириш эса 25 минг тоннадан 830,9 минг тоннагача ўсган. Бундан ташқари Россияга пилла, тери-чарм, жун, мевалар етказилиб берилди. 1915 йили Россияга 80 минг тонна пилла, 1800 минг дона қоракўл тери, 11,2 млн. сўмлик мева топширилди.

Россияга олиб кетилган маҳсулот миқдори 1857 йилдаги 3838,8 минг сўмликдан 1914 йилда 269079,0 минг сўмликка ўсган. Шунингдек, Россиядан келтирилган товарлар миқдори шу вақт ичида 6047,5 минг сўмликдан 243574,0 сўмликка етган. Бунда четга чиқарилган моллар асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўлса, четдан олиб келинган моллар саноат истеъмол молларини ташкил этган.

Йирик савдо дўконлари, катта магазинлар асосан руслар турган мавзеларда, шунингдек, бозор муносабатларнни кенгайтирадиган биржа, ярмарка ва банклар очилган. Энг бирламчи ва аҳамиятли савдо биржаси 1906 йили Қўқонда очилди ва конъюнктурани кўрсатиб турувчи «Кокандский биржевой комитет» бюллетени нашр этилди.

Мустамлака даврида Тошкент ва Қўқон иқтисодий марказга айланди. Айниқса, Қўқоннинг энг аҳамиятлилигига сабаб Фарғона водийсининг пахтаси эди.

Бу даврда кооператив савдоси пайдо бўла бошлади. Булар асосан матлубот ва ссуда кооперативлари бўлиб, уларда фақат рус аҳолиси орасида тарқалган эди.

Умумий қилиб айтганда, Туркистондаги бозор савдоси мустамлака мазмунида бўлиб, улар фақат Россия манфаатига қаратилди, мавжуд бозор муносабатлари ички хўжалик муносабатларига деярли туб ўзгариш кирита олмади ва асосан ташқи таъсир, яъни Россия таъсирида бўлди. Шунинг учун ҳам у Россия ва Туркистон ҳамда Туркистон орқали Россия ва Шарқ, Жануб мамлакатлари ўртасидаги маҳсулот ҳаракатларини ўз ичига олган эди. Шунга кўра, Туркистон Россиясининг Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Араб мамлакатлари билан бўлган ташқи савдосида оралиқ вазифасинигина бажариб, ўзи ҳеч қандай мустақилликка эга эмас эди.

Мустамлакачилик, айниқса, тенгсиз-эквивалентсиз айирбошлашда ўз аксини топади. Масалан, Россияга чиқарилаётган хомашё ўз қиймати билан сотиб олинмасди. Жумладан, 1915 йили чор ҳукумати тозаланган пахтани сотиб олиш нархиии бир пуд учун 24 сўм белгилади, бу маҳаллий бозордагига нисбатан 3 баробар паст эди. Россиядан асосаи истеъмол буюмлари келтирилар, улар орасида металл буюмлар 9-10 фоизнигина

ташкил этарди ва олдиндан келишилган, мавжуд нархлардан анча юқори нархларда сотилар эди.

Пахтакорлар, пиллакорлар, қоракўлчилар асосан қарз ҳисобига тирикчилик қилганлари учун пировардида маҳсулотларини арзонга сотишга мажбур бўлар эдилар. Чунки, қарзнинг асосий қисми пул билан эмас, балки тайёр маҳсулотлар билан бериларди. Масалан, 1912 йили Туркистон деҳқонлари ҳосилни олгандан кейин ҳам фақат қарзларининг 60 фоизинигина тўлай олганлар.

Қисқача хулосалар

Шарқ бозори ўзининг қадимийлиги, Ғарб бозоридан анча олдин тараққий этганлиги билан эътиборни тортади.

Амир Темур Мовароуннаҳрда мустақил, кучли, марказлашган давлатни шакллантирди.

Ўзбекистон бозорларининг тарихи шаклланиши Мовароуннаҳр сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутди.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Бозорнинг тарихийлигини қандай тушунасиз?
2. Амир Темур давридаги иқтисодий сиёсат ва солиқ тўғрисида нималарни биласиз?
3. Ўзбекистон ҳудудида бозор мавжудлиги ва миқёсини асосий даврлар бўйича тушунтириб беринг.
4. Рус мустамлака давридаги Ўзбекистонда бозорнинг аҳволи, даражасини кенг талқин қилиб беринг.
5. Ўзбекистоннинг «капитализмсиз ривожи» бозор муносабатларига қандай таъсир кўрсатди?
6. Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти истиқболи ва бу борадаги имкониятлар нималардан иборат?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. -Т.: Ўзбекистон, 1993.
2. Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари. — Т.: Меҳнат, 1997.

II боб

«БОЗОР» ТУШУНЧАСИ ВА БОЗОР ТУРЛАРИ

2.1. «Бозор» тушунчаси ва бозориинг вазифалари

«Бозор» деганда кишилар кўз олдида кўпчилик йиғилиб, савдо-сотиқ юз берадигап жой гавдаланади. Лекин кўпчилик дўкон, биржа ёки аукционни бозор тарзида хаёлига ҳам келтирмайди. Бу табиий. Чунки, одамларда шундай кўникма ҳосил бўлган. Аслида «бозор» тушунчасига бошқачароқ қараш керак. «Бозор иқтисодиёти» ва «бозор» тушунчалари ўзаро боғлиқ бўлса-да, улар айиан бир нарса эмас. Агар бозор иқтисодиёти яхлит бир организм ҳисобланса, бозор унинг муҳим аъзосидир. Бозор фақат савдо-сотиқдан иборат фаолиятни билдиради.

Бозор сотувчилар билан харидорларнинг олди-сотди қилиш орқали юз берадиган ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларидир.

Бозорда сотувчилар ва харидорлар бир-бирини топади. Бозор уларни бир-бирига боғлаб турувчи механизм ҳисобланади. Бозор бартер эмас, балки олди-сотди қилиш, яъни товарларни пул воситасида айирбошлашдир. Пулсиз бозор бўлиши мумкии эмас. Бозор бўлиши учун олди-сотди ҳам харидорга, ҳам сотувчига манфаатли бўлиши талаб қилинадн. Сотувчи ўз товарини яхши кўлласа, харидор эса керакли товарни маъқул нархда топа билади, шунинг учун ҳам улар муҳим алоқада бўлишга интилади. Хўш, ким сотувчи-ю, ким харидор? Бозорнинг ҳар бир иштирокчиси, у ким бўлишидан қатъиназар (истеъмолчи, фуқаро, фирма, давлат), бир бозорда сотувчи бўлса, бошқа бозорда харидор вазифасини ўтайди.

Харидорда товарни маълум нархда сотиб олиш иштиёқи бор. Сотувчилар эса, товарларни бозорга чиқариб, маълум нархда харидорларга таклиф этувчилардир.

Харидорлар ва сотувчилар ҳар доим бир-бирларининг ҳожатини чиқариб, ҳамкорлик қиладилар, керакли товарнинг нархини келишиб, ўзаро иқтисодий муросага келадилар. Бу, бозордаги мурооса, дейилади.

Уй хўжаликлари, биринчидан, оддий истеъмолчилардан (масалан,оила ёки якка одамдан), иккинчидан, ресурс эгаларидан иборат. Улар харидор сифатида бозордан товарлар ва хизматларни олса, сотувчи сифатида ишчи кучи, ер ва пул маблағини бозорга чиқариб сотадилар. Ишчи кучи меҳнат бозорида, ер кўчмас мулк бозорида, пул эса молия бозорида (банк орқали) сотилади (булар биргаликда ресурслар бозори дейилади). Уй

хўжаликлари ресурс бозорига товар чиқариб, у ердан пул оладилар. Бу пулни товарлар бозорига чиқариб, у ердан истъмол буюмлари оладилар. Товар ишлаб чиқарувчилар фирмалар, фермер хўжаликлари ёки якка тартибда ишлаб чиқарувчилардан иборат. Ишлаб чиқарувчилар ҳам икки бозорда иш кўрадилар. Улар ресурс бозоридан ишчи кучи, хомашё, ер ва қарзга пул топадилар, яъни уларни сотиб оладилар. Айни пайтда улар бозорга товар чиқариб, у ердан пул оладилар.

Давлатга келсак, у ҳам уй хўжаликларидан ва товар ишлаб чиқарувчилардан товар олиб, уларга пул беради, аммо улардан яна пул ҳам олади. Бу ундирилган солиқлардир. Давлат товарларни махсус буюртма орқали олади. Бунга мисол қилиб мамлакатимизда амалда бўлган, пахтакорларга бериладиган давлат буюртмасини олиш мумкин. Унга биноан белгиланган миқдордаги пахта давлатга етказиб берилади, пахтанинг қолган қисми эркин нархларда сотилади.

Бозордан товарни сотиб олиш учун пул керак, бунинг учун эса ниманидир сотиш зарур. Демак, харидор, албатта, сотувчи вазифасини ҳам ўташи лозим. Уй бекаси бозор қилганда пул билан чиқиб, уйига товар билан қайтади. У гўё ҳеч нарса сотмади. Тўғри, у шу дамда товар сотмади, лекин унинг ҳамёнидаги пули олдин сотилган товарнинг ҳақи. Масалан, унинг оила аъзолари ўз ишчи кучини фирмага ёки давлатга сотиб, иш ҳақи олган. Шу пулни бека бозорга олиб чиқади. Мазкур оила банкка пул қўйган бўлса, унга ҳам ҳақ олади, уйини ижарага берса, ижара ҳақи олади. Уй бекаси учун сотиш операцияси олдин, харид этиш операцияси кейин бўлган, холос. Демак, бозорда олди-сотди ҳар хил вақтда кечиши мумкин.

Бозорда давлатнинг иштироки бошқачароқ. Агар давлат корхонаси бўлса, у ҳам товар сотади. Аммо аксарият давлат идоралари ва маҳкамалари бозорда ўз хизматини сотади. Бу хизматнинг ҳақи олинадиган солиқлар ҳисобланади. Тушган пулга давлат бозордан ресурслар ва товарлар сотиб олади. Бозорнинг афзаллиги ҳам шундаки, у олди-сотдидан иборат иқтисодий алоқаларни ўрнатади.

2.2. Эркин ва монополлашган бозор

Иқтисодиётнинг ўзи тарихан турли шаклларда мавжуд бўлгани каби бозорда харидор ва сотувчининг мавқеи ҳам ўзгариб боради. Ҳозирги бозор тартибланадиган бозор, унда стихияли, ноаниқ харидор учун ишлаш кам учрайдн, мижозлар ўртасида олди-сотди алоқалари муҳим ва узоқ вақт узилмай давом

этади. Бозорга товарларни таваккалчилик билан етказиш ҳам кам учрайди. Товар чиқаришдан олдин бозор пухта ўрганилади, нимани, қанча етказиб бериш белгилаб олинади. Аммо бозорда маълум даражада ноаниқлик сақланиб қолади. Чунки, харидор ва сотувчи мустақил бўлиб, нима қилишни ўзлари ҳал этишади, уларнинг мақсад ва ўй-хаёллари турлича, лекин бозор тартибланган боис унда бебошлик бўлмайди. Илгарилари бозор асоси тартибсиз бўлгани учун унда ноаниқлик ҳукм сурган, нархнавонинг қандай бўлиши, ниманинг бозори чаққон, нимани бозори касод бўлишини олдиндан пайқаб бўлмаган. Бундай бозорнинг сарқитлари ҳозир ҳам бор. Бунга мисол қилиб Ўзбекистондаги деҳқон бозорларн ва буюм бозорларини, айрим дўконларни олиш мумкин. Бу ерда иш юритувчилар аниқ мўлжалга эга бўлмасдан, бозор ўзгаришларини олдиндан билмасдан савдо қиладилар. Бундай бозор ўрнига тартибланган, маданий бозор келиши муқаррар. Энг демократик бозор — эркин бозордир.

Эркин бозор деганда харидорлар ҳам, сотувчилар ҳам кўп бўлиб, улардан ҳеч бири монополия мавқеига эга бўлмай, бир-бирини тезда топа оладиган, рақобат тўла-тўкис ҳукмрон бўлган, нархларнинг эркин савдолашув асослари шаклланадиган бозор тушунилади.

Келтирилган таърифдан кўриниб турганидек, эркин бозорда харидор ва сотувчи муносабати бирор бир тазйиқсиз, иқтисодий танлов асосида вужудга келади, улар орасида муроса мавжуд бўлади. Эркин бозорга мисол қилиб Ўзбекистондаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорини кўрсатиш мумкин. Бу бозорда миллионлаб кишилар харидор, сотувчилар эса давлат хўжалиги, жамоа хўжалиги, фермер хўжалиги, минглаб томорқа хўжалиги ва дала ҳовли соҳибларидир. Бу ерда ким нимани сотиш, кимдан нимани олиш, қандай нархда савдо қилиш юқоридан туриб белгиланмайди, буни бозорнинг ўзи ҳал қилади.

Эркин бозорда харидор ва сотувчиларнинг танлови уларнинг сараланиши ва кучлиларининг монопол бозорни ташкил этишига олиб келади.

Монопол бозор деб озчилик харидорлар ва сотувчилар: ҳукмрои бўлган, монопол нарх ўрнатилган, рақобат чекланган ёки рақобат умуман бўлмайдиган бозорга айтилади.

Монопол бозорнинг ўзи уч хил бўлади: монопол рақобатли бозор сои жиҳатдан кўп бўлмаган, бозорга бир хил, ўхшаш ёки ўринбосар товарлар чиқарадигаи фирмалар қўлида бўлади, улар ўзаро рақобат қиладилар. Бунга мисол килиб Ўзбекистондаги кийим-кечак бозорини олиш мумкин. Бу ерда асосан 8 та фирма маҳсулот чиқаради, лекин улар нафақат ўзаро, балки

товари Ўзбекистонга кириб келган хориж фирмалари билан ҳам беллашадилар.

Олиголонистик бозор – озчилик фирмалар ҳукмрон бўлган бозор. Бу ерда рақобат кўпгина сотувчилар орасида эмас, балки харидорлар ўртасида юз беради. Бунга мисол тариқасида Ўзбекистондаги цемент бозорини олиш мумкин. Бозорга 3 корхона маҳсулот чиқаради. Цемент харид қилиш учун рақобат эса харидорлар ўртасида боради.

Соф монополия бозори. Бундай бозорга товарни бутун бир тармоқда ҳукмрон бўлган айрим корхоналар етказиб беради. Масалан, Ўзбекистонда пахта териш машиналарини фақат Тошкент Қишлоқ хўжалиги машинасозлик заводи, тракторларни фақат Тошкент Трактор заводи тайёрлаб, бозорга чиқаради. Ички бозорда уларнинг рақиблари йўқ.

Ўз туридан қатъиназар ҳар қандай бозор ўзининг ихтисослашган кичик бир қисмларига, сегментларига эга.

Бозор сегментларига қуйидаги белгиларига қараб ажралади: аҳолининг харид қобилияти; яшаш шароити; ёши ва жинси; қайси товарларни афзал кўриши; кишиларнинг меҳнат фаолияти, турмуш тарзи; инфляция даражаси; бозор инфратузилмаси ҳолати.

Бозор алоқалари фаол бўлиши учун бозор инфратузилмаси яхши ишлаши лозим. Бозор инфратузилмаси бозор алоқаларини юргизиш учун хизмат қилувчи корхона, ташкилот ва муассасалар мажмуидир.

Инфратузилмани биржалар, савдо уйлари, савдо компаниялари, ҳисоб-китоб идоралари, маслаҳатчи фирмалар, брокер ва аудитор идоралари, ярмаркалар, тендер (танловга асосланган махсус савдо) уюштирувчи ташкилотлар, божхона идоралари, банклар, суғурта компаниялари кабилар ташкил этади. Уларнинг вазифаси олди-сотдига хизмат қилишдир.

2.3. Бозорнинг турлари

Бозорга ғоят хилма-хил товар ва хизматлар чиқарилади, улар бозор объектини, аниқроғи, у ердаги олди-сотди объектини ташкил этади. Ўз объекти жиҳатидан бозорни қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

1. Истеъмол товарлари бозори, яъни истеъмолчилар бозори кишиларнинг тирикчилиги учун зарур бўлган товарлар ва хизматлар бозоридир. Бу бозорда кенг истеъмол буюмлари, маданий, маиший ва коммунал хизматлари олди-сотдиси олиб борилади. Унда деярли барча фуқаролар иштирок этади. Бу бо-

зорнинг Ўзбекистонда аниқ кўринишлари бор: магазинлар, савдо уйлари, фирмалар, супермаркет, дўкон (шоп), ошхоиа, новвойхона, ҳар хил устахоналар, сартарошхоналар, салонлар, ниҳоят, деҳқон бозорлари ва буюм бозорлари.

2. Ишлаб чиқариш воситалари ва ресурслар бозори — ишлаб чиқариш учун зарур бўлган нарсалар бозори. Бу бозорда улгуржи савдо-сотиқ юз беради. Мазкур бозор савдо фирмалари, савдо уйлари, биржалар фаодиятида, ер ва бошқа кўчмас мулк савдосида намоён бўлади. Унда ресурсга талабгорлар ресурс етказувчилар билан шартномалар асосида алоқа қиладилар. Ресурс бозорининг бош бўғини товар биржаси ҳисобланади.

Товар биржаси улгуржи савдо билаи шуғулланувчи тижорат корхонасидир.

Биржадаги савдо-сотиқ операциялари қуйидаги белгиларга эга: а) биржада товарларни етказиб бериш ҳақида битим тузилиб, уларнинг пулини тўлаш биржадан ташқарида юз беради; б) биржада сотиладиган товарларнинг ўзи эмас, уларнинг намунаси ва нақдлигини тасдиқловчи ҳужжат қўйилади; в) биржада ҳали йўқ товарларни сотиш ҳақида ҳам битим тузилади, бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига тааллуқлидир. Бўлғуси ҳосил юзасидан савдо битими илгарироқ тузилиб, товарни етказиб бериш ҳосил йиғилганидан кейии юз беради; г) биржа уюшган бозор бўлиб, бу ердаги савдо-сотиқ операциялари белгиланган тартибда ўтказилади. Универсал биржалар ҳар хил моллар билан савдо қилса, ихтисослашган биржалар айрим товарларни (дон, пахта, металл ва ҳоказо) сотади.

3. Иш кучи ёки меҳнат бозори — иш кучи олди-сотди қилинадиган бозор. Иш кучи махсус товар бўлганидан унинг бозори ўз хусусиятига эга. Иш кучи — инсоннинг ишлаш қобилияти. Агар оддий товар сотилганда унинг эгаси ўзгарса, ишчи кучи неча марта сотилмасин, ўз эгаси билан бирга қолади. Чунки, уни инсои жисмидан ажратиб бўлмайди.

Меҳнат бозори меҳнат биржалари, ишчи ёлловчи воситачи фирмалардан ва ниҳоят, кишиларии бевосита ишга жалб этувчи корхоналарнинг ўзидан иборат.

Шарққа хос бўлган тартибсиз меҳнат бозори мардикор бозоридир.

4. Молия бозори ҳам бозорнинг махсус тури. Молия бозори деганда молия ресурсига (воситасига) айланган пул маблағлари ва уларга тенглаштирилган қимматбаҳо (қийматли) қоғозлар бозорини тушуниш керак. Молия бозори таркибан кредит (қарз пули) бозори, қимматбаҳо қоғозлар бозори ва валюта бозоридан иборат (бу масала кейинги бобларда батафсил ёритила-

ди). Валюта аукциони, кредит пуллари аукциони, банклар, молия компаниялари, фонд биржалари (қимматли қоғозлар биржаси) ва бошқаларнинг фаолияти оу бозорнинг яққол кўринишидир.

5. Интелектуал товарлар бозори — ақлий меҳнат маҳсули бўлган товарлар ва хизматлар бозори. Бу бозорда илмий ишланмалар, ғоялар, техникавнй лойиҳалар ва чизмалар, ахборот, санъат, адабиёт ва илмга тегишли асарлар, ижрочилик хизмати ва турли томоша хизматлари сотилади. Бу бозорнинг муҳим унсури лицензия бозори ва ҳозирги кунда шоу-бизнес ва кино бозорларидир.

6. Қурол-аслаҳа бозори бозорнинг алоҳида турини ташкил этади, бу ердаги товарлар истеъмол буюмлари ҳам эмас, ресурслар ҳам эмас. Бу ерда хавфизликни таъминловчи қуроллар сотилади. Бу бозор салонлар ва кўргазмалар шаклида бўлади. Майда қуроллар магазин орқали сотилади.

Бозор ўзининг қамров доираси жиҳатидан маҳаллий, ҳудудий, миллий ва жаҳон бозорларига бўлинади. Бозор қанча турга бўлинмасин, ихтисослашмасин, барибир, у олди-сотди орқали кишилар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ўрнатишга хизмат қилади.

Қисқача хулосалар

Сотувчилар билан харидорларнинг ўзаро манфаатли алоқаси асосида юзага келган бозор қанча турга бўлинмасин, ихтисослашмасин, барибир, у иқтисодий алоқаларни ўрнатишга хизмат қилади.

Эркин бозорда харидор ва сотувчилар танлови уларнинг сараланишига ва кучлилари монопол бозорини ташкил этишига олиб келади.

Бозорга ғоят хилма-хил товар ва хизматлар чиқарилади. Улар бозор объектига, аниқроғи, объекти жиҳатдан бозор турларга бўлинади.

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

1. Бозор деганда нима тушунилади?
2. Ким бозор иштирокчиси ҳисобланади?
3. Бозор қандай вазифаларни бажаради?
4. Эркин ва монополик бозор қандай фарқланади?
5. Бозор турлари бир-биридан нимаси билан фарқланади?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекситонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш маърузаси. «Халқ сўзи», 2002 й., 30 август.

2. Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари. -Т.: Меҳнат, 1997.

3. Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш бош йўлимиз. «Халқ сўзи», 2002 й., 13 февраль.

III боб

ЭҲТИЁЖЛАР ВА УЛАРИНГ ҚОНДИРИЛИШИ

3.1. «Эҳтиёж» тушунчаси ва унинг юксалиши

Инсон бошқа жонзодлардан ўзининг ақл-идроки билан ажралиб туради. Инсон биологик мавжудот сифатида овқат ейиш, ухлаш, дам олиб, ўз кучини тиклаш, ўзини иссиқ-совуқдан асраш эҳтиёжларига эга. Мазкур эҳтиёжлар моддий шаклда — кийимкечак, озиқ-овқат, тураржой ва бошқалар шаклида ифода этилади.

Моддий эҳтиёжни қондириш учун эса зарур ноз-неъматларни ишлаб чиқариш керак. Инсон борса-келмас оролда, афсоналарда айтилганидек, қуш учса қаноти, одам юрса, оёғи куядиган жойда, танҳоликда яшамайди. Инсон ижтимоий жонзод. У маълум мамлакат фуқароси, аниқ бир ҳудуд (шаҳар, қишлоқ, маҳалла, квартал) да кишилик жамиятида яшайди. Унинг меҳнат орқали қондириладиган жамики эҳтиёжи моддий эҳтиёжга киради.

Инсоннинг моддий эҳтиёжлари билан бирга ижтимоий эҳтиёжлари ҳам борки, буларга билим олиш, маданий савияни ошириш, малака, маҳоратга эга бўлиш ва соғлом ҳаёт кечириб, узоқ умр кўриш киради. Айтилган эҳтиёжлар моддий шаклга эга бўлмаган ҳар хил хизматлар кўрсатиш орқали қондирилади Шифокор, ўқитувчи ёки маданият ходими халққа хизмат қилиб, унинг эҳтиёжини қондиришга ҳисса қўшади, аммо уларнинг меҳнати ишчи ёки деҳқон меҳнати каби моддий маҳсулотда ифодаланмайди.

Инсоннинг меҳнат қилиш эҳтиёжи икки нарсадан келиб чиқади: биринчидан, меҳнат моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондиради; иккинчидан, меҳнатда инсон камолотга эришади, қобилиятини ўстиради, ҳаётда ўз ўрнини топади, обрў-эътиборга эришади. Шу сабабли, меҳнатнинг таги — роҳат, дейдилар. Меҳнат қилиш учун жиҳозланган иш жойи бўлиши зарур. Иш жойи учун бино қуриш, керакли ускуна-жиҳозлар, масалан, дастгоҳлар, компьютерлар, ўлчаш асбоблари, лаборатория ускуналари ўрнатиш керак. Демак, уларни ҳам ишлаб чиқариш талаб қилинади.

Эҳтиёж қатъиян табақалашган бўлади. Эҳтиёж кишиларнинг одати, диди, руҳияти, ёши, жинси, оилавий аҳволи, миллати, меҳнат ва яшаш шароитларига ҳам боғлиқ. Мактаб ўқувчиси билан олимнинг, ёш йигит билан пенсионер чолнинг, деҳқон билан шахтёрнинг эҳтиёжи бир хил бўлмайди, ҳатто кишиларнинг жисмоний тузилиши ҳам эҳтиёжларда фарқларни ҳосил қилади. Албатта, гавдаси йирик кишининг эҳтиёжи билан жуссаси кичик кишининг эҳтиёжи бир хил эмас. Энг муҳими — хилма-хил эҳтиёжни қондириш учун хилма-хил фаолият талаб қилинади.

Эҳтиёжлар тўхтовсиз равишда мос ривожланиши керак: акс ҳолда эҳтиёжлар қондирилмай қолади. Ўз навбатида, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, айниқса, техника тараққиёти янги эҳтиёжларни юзага келтиради. Масалан, тезкор ахборотлар олиш зарурати ЭҲМларни яратди. Компьютерлаш жараёни ЭҲМларни яратиш ва қўллаш билан боғлиқ эҳтиёжларни юзага чиқарди. Компьютерларнинг биринчи авлодига эҳтиёж аввал қисқариб, сўнгра йўқолди. Ҳозир тўртинчи авлод машиналарига — «АВМ-486» маркали ЭҲМга эҳтиёж бор, кейин бешинчи авлодга ортади.

Эҳтиёжларнинг юксалиши қуйидагича юз беради:— кишиларнинг эҳтиёжи миқдоран ўсиб боради. Унинг сабаби эса аҳоли сонининг кўпайиши, турмушининг юксалишида. Масалан, ҳозир жон бошига йилига 60 килограмм гўшт талаб қилинса, аҳоли сони 1,5 марта кўпайса, шунга кўра жамият миқёсида жами гўштга бўлган эҳтиёж ҳам 1,5 марта ортади, албатта;— айрим эҳтиёжлар йўқолиб, ўрнига янгиси келади, эҳтиёжлар доираси янгиланиб, кенгайиб боради. Масалан, ўтган асрнинг 70-80-йилларида қўлда кўтариб юрадиган (Весна, Вега) магнитафонга эҳтиёж катта бўлган. Магнитафони бор киши ғурурланиб юрган. Ҳозир ҳеч кимга магнитафои керак эмас. Унинг ўрнига замонавий ихчам магнитофонларга эҳтиёж пайдо бўлди. Эски радиотехника ўрнига видеотехника келди; муайян эҳтиёж сақланган ҳолда унинг аниқ турлари орасидаги нисбат ўзгарди. Масалан, шаҳар транспортига эҳтиёж доирасида унинг турлари ўртасидаги нисбатан ўзгаради. Йўловчилар ўз танловига биноан трамвай, троллейбус, автобус, такси ёки метрони афзал кўриб, унга эҳтиёж билдиради. Бир товарга бўлган эҳтиёжларни бошқа ўринбосар товар қониқтира олади. Ширинликка бўлган эҳтиёж умумий бўлса-да, асал, шакар, қанд, конфет бири-бирининг ўрнини боса олади. Ўринбосар товарлар доирасида эҳтиёж бир товардан бошқа нафлироқ товарга кўчади.

Хуллас, эҳтиёжларнинг миқдоран ўсиб, таркибан янгиланиб бориши табиий жараён бўлиб, иқтисодиётни ривожлантиришга ундайди, лекин унинг ўсиб, янгиланиб бориши ресурслар камёблиги муаммосига йўлиқади.

3.2. Ресурсларнинг камёблиги

Эҳтиёжларнинг чексизлиги билан ресурсларнинг чекланганлиги ўртасидаги номутаносиблик иқтисодиётнинг азалий муаммосидир.

Иқтисодий ресурслар иқтисодий рнвожланиш учун зарур бўлган моддий ва инсоний омилларнинг яхлитлигидир.

Иқтисодий ресурсларни уч тоифага бўлиш мумкин:

1. Моддий ресурслар. Буларга табиий бойликлар, асбоб-ускуна, машина-механизм, бино, иншоот ва ҳар хил қурилмалар киради. Улар ишлаб чиқаришнинг моддий, буюмлашган омилини ташкил қилади

2. Меҳнат ресурслари. Буларга меҳнатга лаёқатли аҳоли киради. Иқтисодиёт учун ресурс сифатида аҳолининг фақат сони эмас, балки унинг билими иш тажрибаси ва меҳнат маҳорати аҳамиятлидир.

3. Ишбилармонлик қобилияти. Бу тадбиркорларнинг ишнинг кўзини билиши, ишлаб чиқариш, тижорат, банк иши ва бошқа фаолиятни самарали бошқара олиши, таваккалчилиги, зарар кўришдан қўрқмаслигидир.

Ресурсларнинг сўнгги икки тури ишлаб чиқаришнинг шахсий инсоний омили ҳисобланади. Ресурслар сарфи техника-технология даражасига боғлиқ бўлади. Бу даража қанчалик юқори бўлса, эҳтиёжларни қондириш шу қадар кам ресурс талаб қилади ёки аксинча. Масалан, эски технология шароитида 10 сўмлик маҳсулот олиш учун 1 кВт электр энергияси сарф қилинса, илғор технология шароитида 0,5 кВт сарфланади. Демак, энерго ресурс бирлиги эвазига 2 баробар кўп маҳсулот олинади,

Ресурсларининг камёблиги умумий ҳодиса. Бу экиладиган ерларнинг, ер ости ва усти бойликларининг, меҳнатга яроқли аҳоли сонининг чекланганлигида, энергия ресурсларининг етишмаслигида ифода этилади. Масалан, кейинги 200 йил ичида ер юзасида истьемолчилар сони 5 марта кўпайди, аммо ер сатҳи, табиий бойликлар кўпайгани йўқ. Ер куррасини 72 %и океанлардан, 28 %и эса қуруқликдан иборат, аммо қуруқликнинг ҳам талай қисмида яшаб бўлмайди. Чунки, аксарият қисми қумлик, саҳро, сувсиз чўлу биёбон, осмонўпар тоғлардан иборат. Сарф этилган ер ости бойликларин умуман тиклаб бўлмайди, аммо ернинг ўсимликлар ва ҳайвонот оламини тиклаб бўлади.

Фан-техника тараққиёти шароитида малакали иш кучи ҳам камёб ресурсга айланади. Шундай шароитларда кишилар ўсаётган эҳтиёжларини фақат мавжуд ресурсларга таянган ҳолда қондиришга ҳаракат қиладилар.

3.3. Эҳтиёжларни қондиришнинг оптимал даражаси

Ресурсларни кўпроқ ишлатиш ҳисобидан эҳтиёжларни қондириш вақтинчалик, чунки, ресурслар тугаб боравергани сайин кишилар уни камроқ сарфлаш йўлини излайдилар, ресурсларни тежовчи технологиялар яратилиб, кенг қўлланилади. Натижада ресурс бирлигини ишлатишдан олинган маҳсулот кўпаяди.

Умуман олганда, чексиз эҳтиёжни камёб ресурс билан таъминлаш учун 2 нарса амалга ошиши шарт:

1. Эҳтиёжлар кўп бўлганидан уларнинг ҳаммасини бирданига қондириш мумкин эмас, шу боисдан уларниинг энг муҳими ажратиб олинади ва ишлаб чиқариш уларни қондиришга қаратилади, Масалан, ҳозир Ўзбекистон учун нефть маҳсулотлари ва донга бўлган эҳтиёж энг зарур эҳтиёжлардан ҳисобланади ва ресурслар энг аввал шуларни қондиришга қаратилган. Шу сабабли 2002 йил Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6 фоиз, саноат маҳсулотлари −2,5 фоиз, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 11,8 фоиз кўпайди ва 2003 йилда 5 миллиои 100 минг тонна дон етиштирилди.

2. Ресурслар камёб бўлганидан ишлаб чиқаришнинг энг зарур соҳаларига устуворлик берилади. Муқобил маҳсулотлардан энг мақбули танлаб олинади. Бир маҳсулот учун ресурс кўпроқ кетса, табиий равишда бошқасига камроқ қолади. Ҳадиси шарифда айтилганидек, "тежамкорлар муҳтож бўлмаслар".

Шунинг учун ресурслар сарфининг энг тежамли усули танланади, шунда шу ресурс бирлиги ҳисобига кўпроқ маҳсулот олинади, эҳтиёжни тўлароқ қондириш мумкин бўлади.

Эгри чизиқда автомашина ва трактор муқобил маҳсулот, деб олинган. Уларни ишлаб чиқариш учун иккаласига ҳам бир хил − 1 тоннадан металл сарфланади, деб олсак, металл ресурси эса жами 10 тонна бўлса, тракторни кўпроқ чиқариш учун автомашинани камроқ ишлаб чиқариш зарур бўлади. Тракторни уч дона чиқариш учун автомашинани 10 та ўрнига 7 та чиқариш керак. Буни бошқача тасвирласак ҳам бўлади. Камёб ресурслар шароитида эҳтиёжларни қондиришнинг оптимал даражаси танлаб олинади. Бунда кам ресурс билан кўпроқ эҳтиёж қондирилади.

Бу қоидага биноан маҳсулот бирлигини яратиш учун кетган ресурс сарфи қисқариши шарт, акс ҳолда эҳтиёж тўла қондирилмайди. Масалан, донга бўлган эҳтиёжни тўла қондириш учун дон ҳосилдорлигини муттасил ошириб борган ҳолда, ҳар тонна дон олиш учун кетган ресурс сарфини қисқартириб бориш талаб қилинади.

Қисқача хулосалар

Эҳтиёж кишиларнинг одати, диди, руҳияти, ёши, жинси, оилавий аҳволи, яшаш шароитига кўра шаклланиб, юксалиб боради.

Эҳтиёжларнинг чексизлиги ва ресурсларнинг чекланганлиги ўртасидаги номутаносиблик иқтисодиётнинг азалий қонуниятидир.

Ресурслар камёб бўлганидан ишлаб чиқаришнинг энг зарур соҳаларига устуворлик берилади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Нима сабабли эҳтиёжлар чексиз бўлади?
2. Ресурслар нима ва уларнинг ноёблигини қандай тушуниш керак?
3. Эҳтиёжларнинг оптимал даражасини тиклаш зарурияти нималардан иборат?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш муҳим вазифа. Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. "Халқ сўзи", 2000 йил, 24 январь.
2. Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари. -Т.: Меҳнат, 1997.
3. Ишмуҳамедов А.Э. ва бошқалар Бозор муносабатларн шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши. -Т.: Ўқитувчи, 1996.
4. Каримов И. Иқтисодни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш бош йўлимиз. "Халқ сўзи", 2002 йил, 13 февраль.

IV боб

ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

4.1. Иқтисодий фаолият турлари

Эҳтиёжлар турли-туман бўлганидан уларни қондириш ҳам турлича йўллар билан амалга оширилади, лекин барибир бу иш иқтисодий фаолиятни талаб қилади. Иқтисодий фаолият деганда, инсон тириклигини таъминлаш усуллари ва воситаларн мажмуи тушунилади.

Иқтисодий фаолият ишлаб чиқаришдан бошланади, яратилган маҳсулотларни айирбошлаш орқали истеъмол этиш билан тугалланади. Унинг асосий бўғини ишлаб чиқариш, яъни ҳар хил маҳсулот ва хизматларни яратишдир. Меҳнат яратган неъматлар иқтисодий неъматлар дейилади. Улар табиатдаги текин неъматлар (ҳаво, қуёш нури, сув) дан фарқ қилади. Маҳсулотларни айирбошлаш ва уларнинг истеъмоли (ишлатилиши) ҳам иқтисодий фаолият таркибига киради ишлаб чиқариш тижорат (савдо-сотиқ) орқали истеъмол билан боғланади. Иқтисодий фаолият турлари хилма-хил, лекин улар бир-бирини, албатта, тақозо этади.

Ишлаб чиқариш бўлмаса, кишилар яшай олмайди, бу турган гап. Аммо кишилар яратган маҳсулотларини ўзаро айирбошлаш орқали истеъмолни қондирадилар, бир-бирларига керакли маҳсулотларни егказиб берадилар.

Кишилар ўз эҳтиёжларини қондирмаса, иш қобилиятини тиклай олмайдилар. Бинобарин, истеъмолсиз ишлаб чиқариш ҳам бўлмайди. Ишлаб чиқариш турлари ғоят кўп. Ҳозир дунёда 25 миллиои хил маҳсулот ва уларнинг бутловчи қисмлари ва деталлари яратилади, аҳолига минглаб хил хизматлар кўрсатилади.

Ишлаб чиқариш бирламчи фаолият сифатида икки турга бўлинади:

1. Моддий ишлаб чиқариш аниқ моддий шаклга эга маҳсулотларни (масалан, истеъмол буюмлари, ёнилғи, хомашё, материал, машина ва ускуналарни) яратиш, шунингдек, моддий соҳага хизматлар кўрсатишни ўз ичига олади. Бунга саноат, қишлоқ хўжалиги, юк транспорти, қурилиш, омбор хўжалиги, алоқа киради.

2. Номоддий ишлаб чиқариш — моддий шаклга эга бўлмаган, қўл билан ушлаб ҳис этилмайдиган, аммо фойдали хизматлар кўрсатиш. Масалан, шифокор ёки ўқитувчи хизмати моддий кўринишда эмас, лекин у ҳаммага зарур. Номоддий ишлаб чиқаришга маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт каби соҳалар киради.

Айирбошлаш фаолиятида маҳсулотлар ва хизматлар яратилмайди, балки улар маълум миқдорий нисбатда бир-бирига алмаштирилади. Бу жараён икки хил кечади: бири — маҳсулот айирбошлаш, иккинчиси — товар айирбошлаш.

Бир маҳсулотниинг бевосита бошқасига тўғридан-тўғри, лекин маълум миқдорий нисбатда айирбошланиши бартер (муъоваза) деб юритилади.

Бартер — айирбошлашнинг қулай бўлмаган холис усули. Бу усул олди-берди алоқалари издан чиққанда, пул шиддатли қадрсизланганда қўлланилади. Меъёрдаги иқтисодиёт шароитда товар айирбошлашга амал қилинади.

Бир маҳсулотнинг бошқасига пул воситасида ва маълум нарх асосида, яъни олди-сотди йўли билан айирбошланиши товар айирбошлаш дейилади.

Товар айирбошлаш бартердан фарқлироқ, товарни олдин пулга, сўнгра пулни керакли бошқа товарга айирбошлашни билдиради. У ҳаммабоп, яъни универсал айирбошлашдир. Бу жараёнда пул иштирок этади, пулга хоҳланган товарни ҳоҳлаган жойдан сотиб олиш мумкин бўлади. Товар айирбошлаш — олди-сотди, айирбошлашнинг энг юксак ва қулай шаклидир.

Истеъмол — маҳсулотни амалда, яъни эҳтиёжни қондириш учун ишлатиш, демакдир. Маҳсулотлар, биринчидан, тирикчилик учун кишиларнинг ўзлари томонидан истеъмол этилади, иккинчидан, ишлаб чиқаришни давом эттириш учун унинг ўзида ишлатилади.

Истеъмол фаолият сифатида якка, оилавий, гуруҳий ёки умуммиллий истеъмол тарзида юз беради. Масалан, кўйлакни ҳар бир киши якка тартибда кияди, телевизор, гилам ёки мебель оиланинг биргаликдаги истеъмолида бўлади. Мактаб, касалхона ёки болалар боғчасидаги асбоб-анжом ва жиҳозлар ҳам биргаликда ишлатилади. Армия, хавфсизлик хизмати ёки бошқа маъмурий ташкилотлар хизматидан айрим кишилар ёки гуруҳлар эмас, балки бутун халқ баҳраманд бўлади. Хуллас, маҳсулотлар ва хизматлар ҳар хил бўлса-да, истеъмол этилади. Аммо бундан қатъиназар улар истеъмол этилгач, яна қайта яратилиши лозим. Демак, шундай қоида бор: чексиз эҳтиёжни қондириш узлуксиз иқтисодий фаолиятни талаб қилади.

Иқтисодий фаолият ёки иқтисодиёт кишиларнинг маълум мақсад йўлидаги хатти-ҳаракатини билдиради. Унинг иштирокчилари айрим кишилар, оила, корхона, хўжаликлар ва давлатдир. Иқтисодиёт иштирокчилари иқтисодий субъектлар деб аталади. Улар ўзаро мунтазам иқтисодий алоқада бўладилар. Бу эса, уларнинг иқтисодий муносабатларидир. Ўзаро алоқасиз на ишлаб чиқариш, на айирбошлаш, на истеъмол юз беради.

Кимсасиз оролда Робинзои Крузо каби танҳо хўжалик юритиш фақат ҳикояларда бўлади. Амалдаги иқтисодиёт йўлида эса ҳамма бир бирига боғлиқ бўлиши зарурат ҳисобланади.

4.2. Ишлаб чиқариш омиллари ва натижалари

Айтганимиздек, иқтисодий фаолият ишлаб чиқаришдан бошланади. Ҳар қандай ишлаб чиқаришда икки омил — шахсий-инсоний ва моддий-ашёвий омиллар иштирок этади. Шахсий-инсоний омил меҳнат қилиш қобилиятидан иборат бўлган ишчи кучи ва унинг фаолиятдир. Шахсий-инсоний омил меҳнатга лаёқатли аҳоли, унинг жисмоний ва ақлий қобилияти, билим ва савияси, малака ва маҳоратидир. Мазкур аҳоли Ўзбекистонда 2002 йилда 12 миллиои киши эди. Бу омил инсоний қобилият бўлгани сабабли инсон шахси билан биргаликда, ундан ажрамаган ҳолда намоён бўлади ва инсон шахсида гавдаланади.

Моддий-ашёвий омил ишлаб чиқариш учун зарур бўлган барча оддий шаклдаги воситалардир. Тадбиркорлик қобилияти оддий ишчи кучидан фарқ қилиб, ишлаб чиқаришда бошқаришдан иборат бўлган алоҳида вазифани бажаради. У табиатан ишбилармонлик бўлиб, алоҳида бир истеъдод, юксак билим, махсус тайёргарик ва масъулият мужассами, демакдир.

Тадбиркорлик қобилияти моддий омиллар билан бирикмайди, балки шу омиллар билан ишчи кучининг самарали бирикиши, иқтисодий фаолиятдан яхши натижа олинишини таъминлайди.

Омилларнинг бирикиши туфайли олинган маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг натижаси ҳисобланади. Ишлаб чиқаришда яратилган маҳсулот икки хил бўлади: биринчиси — натурал маҳсулот бўлиб, уни ишлаб чиқарувчининг ўзи истеъмол этади. Бу маҳсулот айирбошлаш учун бозорга чиқарилмайди. Масалан, фермер хўжалигида етиштирилган донниг бир қисми иатурал маҳсулот бўлиб, хўжаликнинг ўзида молга ем ёки фермер оиласига озиқ-овқат учун ишлатилади; иккинчиси — товар шаклидаги маҳсулот бўлиб, ишлаб чиқарувчининг ўз истеъмоли учун эмас, балки бозорда сотиш учун яратилади. Маҳсулотни бозорда олди-сотди қилиш учун ишлаб чиқариш товар ишлаб чиқариш деб юритилади. Мана шу товар ишлаб чиқариш бозор иқтисодиётининг асосидир.

Бозорда сотиш учун чиқарилган маҳсулот ва хизматлар товар дейиладн.

Товарнинг икки хил хусусияти бор. Биринчидан, у кишиларнинг ҳаётий эҳтиёжини қондириб, уларга фойда келтиради. Иккинчидан, у бошқа товарларга алмаша олиш хусусиятига эгаки,

бу унинг алмашув қиймати дейилади. Товарнинг яратилишидан тортиб, то у истеъмол этилгунча бўлган жамики меҳнат сарфи товарнинг қийматиии ташкил этади. Аммо қийматни асло бефойда меҳнат яратмайди. Агар меҳнат кишиларга керак бўлгаи маҳсулотни яратса ва меъёрида сарф этилган бўлса, мана шундай меҳнатни кишилар маъқул топиб, тан оладилар, яъни маҳсулотни сотиб оладилар. Шу тарзда зарур деб топилган меҳнат товар қийматини ташкил этади.

4.3. Меҳнат унумдорлиги

Инсон ҳар доим фаровон яшашга интилиб келган. Бунинг учун эса маҳсулотлар ва хизматларни кўплаб ва сифатли ишлаб чиқариш зарур. Ресурслар камёб бўлганидан уларии тежаб-тергаб ншлатиш керак. Бу эса, ўз навбатида, меҳнат унумдорлигини оширншни талаб қилади.

Меҳнат унумдорлиги инсоннинг вақт бирлигида маълум миқдорда маҳсулот ва хизматларни ярата олишидир.

Меҳнат унумдорлиги ишлаб чиқарувчи вақт бирлигида (масалан, бир соат, бир иш куни ёки бир йилда) қанча сифатли маҳсулот яратгани ёки маҳсулот бирлигини (масалан, 1 метр газлама, 1 $м^3$ газ, 1 тонна иахта) ишлаб чиқариш учун қанча вақт сарфлагани билан ўлчанади. Меҳнат ҳар хил бўлгани учун унинг натижасини кетган вақт билан ўлчаш қийин. Масалан, 1 тонна пахта, буғдой, кўмир ёки металл турлича маҳсулот бўлганидан уларни ишлаб чиқариш учун кетган вақтни таққослаб бўлмайди. Шу боисдан унумдорлик маҳсулотни пул-қиймат шаклида ҳисоблаб аниқлайди. Мисолга қайтсак, 1 тонна пахта 100 минг сўм, кўмир 2 минг сўм, буғдой 30 минг сўм туради. Шунга қараб, яратилган маҳсулот пулга чақилади. Пулда ҳисобланган маҳсулотни ишловчилар сонига бўлсак, меҳнат унумдорлиги келиб чиқади.

Агар кўмир конида 1000 кишн ишлаб, бир йилда 2 миллион тонна тош кўмир қазиб олгаи бўлса, жами кўмир 4 млрд. сўмлик бўлади. Бунда ҳар бир ишчи йилига 4 мли. сўмлик кўмир қазиб олган бўлади. Хуллас, унумдорликни аниқлаш учун яратилган маҳсулот ишловчилар соиига бўлинади. Унумдорлик соатлар бўйича ҳисобланганда яратилган маҳсулот ишлаиган соатларга бўлинади.

Меҳнат унумдорлигига таъсир этувчи омилларни учга бўлиш мумкин:

1. *Ишлаб чиқаришнинг техника-технология даражаси.* Техника қанчалик мукаммал бўлса, меҳнат унумдорлиги ҳам шунчалик юқори бўлади.

2. *Шахсий-инсоний омилнинг сифати.* Агар ишловчиларнинг билим даражаси иш малакаси ва тажрибаси юқори бўлса, унумдорлик ортади ёки аксинча.

3. Ишлаб чиқаришнинг табиий шароити. Бу шароит қанчалик қулай бўлса,унумдорлнк шунчалик юқори бўлади. Табиий шароитни инсон ўзгартира олмайди, аммо техникани мукаммаллаштириш орқали ноқулай табиий шароитда ҳам унумдорликни ошириш мумкин. Меҳнат унумдорлигини муттасил ошириб бориш иқтисодиётга хос қонуниятдир. Шу туфайли ресурслар чекланган бўлишига қарамай, маҳсулот кўпайиб боради.

Моддий шакли жиҳатидан маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш воситалари (моддий ресурслар) ва истеъмол буюмларидан иборат бўлади.

Ишлаб чиқариш бирор корхона доирасида, шунингдек, мамлакат миқёсида олиб борилади. Айрим ишлаб чиқарувчи ёки корхона яратган маҳсулот индивидуал маҳсулот ҳисобланади, жамиятдаги барча кишиларнинг иқтисодий фаолияти эса ялпи миллий маҳсулотни (ЯММ) яратади.

Ялпи миллий маҳсулот бир йил давомида пировард натижада яратилган ва бозор нархида ҳисобланган барча маҳсулот ва хизматлардир.

Аҳоли жон бошига яратилган ЯММ миқдори иқтисодиётнинг нақадар рнвожланганлигини билдиради. Агар бу кўрсаткич қанчалик юқори бўлса, мамлакат шунчалик бой ҳисобланади, унинг фуқаролари шу қадар фаровон яшайди. Масалан, 1993 йилда Японияда аҳоли жон бошига яратилган ЯММ 31,4 минг долларлик бўлди, Бангладешда бу кўрсаткич 220 долларга тўғри келди. Демак, Япония бой, Бангладеш эса камбағал мамлакат.

Индивидуал ва ЯММ мавжудлиги иқтисодий фаолиятнинг икки даражали бўлишидан келиб чиқади. Биринчиси — микроиқтисодиёт. Бу сектор (тармоқ) фирма ва айрим уй хўжаликлари (оилалар ва оиласиз кишилар) доирасидаги иқтисодий фаолият бўлиб, унинг асосий унсури фирма (корхона) ҳисобланади. Иккинчиси — макроиқтисодиёт, бутун халқ хўжалиги миқёсида миллий доирадаги жамики иқтисодий фаолият.

Микроиқтисодиётнинг барча турлари ўзаро боғланиб, бирбирини тақозо этувчи яхлит фаолиятни ҳосил этганда макроиқтисодиёт вужудга келади. Макроиқтисодиётнинг асосиии ижтимоий ишлаб чиқариш ташкил этади.

Қисқача хулосалар

Иқтисодий фаолият инсон тириклигини таъминлаш усуллари ва воситалари мажмуидир.

Иқтисодий фаолият ишлаб чиқаришдан бошланади ва ҳар қандай ишлаб чиқаришда шахсий-инсоний ҳамда моддий-ашёвий омил иштирок этади.

Меҳнат унумдорлиги инсоннинг соат оралиғида маълум миқдорда маҳсулот ва хизматларни ярата олишидир.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Иқтисодий фаолият нима ва унинг таркиби қандай?
2. Ишлаб чиқариш омилларининг қандай турлари бор?
3. Меҳнат унумдорлиги деганда нимани тушунамиз?

Асосий адабиётлар

1. Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари. -Т.: Меҳнат, 1997.
2. Ишмуҳамедов А.Э. ва бошқалар. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши. -Т.: Ўқитувчи, 1996.

V боб

ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМ ВА ТИЗИМЛАР

5.1. Иқтисодий механизм

Иқтисодий механизм иқтисодий тараққиётни таъминловчи ва бир-бирини тақозо этувчи воситалардир. Иқтисодий механизм универсал характерга эга, у ҳамма ерда бор. Механизм иқтисодиётнинг мотори, уни ҳаракатга солувчи восита. Иқтисодий механизм бир неча унсурларнинг яхлитлигидан ташкил топади. Унга иқтисодий рағбатлантириш (рағбат берувчи кучлар), ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва истеъмолни ташкил этиш, иқтисодий фаолиятнинг ихтисослашуви, иқтисодий фаолият кооперацияси ва хўжалик алоқаларини ўрнатиш усуллари киради

Иқтисодий механизмнинг етакчи бўғини иқтисодий рағбатлантириш ҳисобланади.

Иқтисодий рағбатлантириш инсонлар ўз иқтисодий манфаатларини юзага чиқаришининг аниқ воситасидир.

Эҳтиёж манфаатни юзага келтиради, манфаат эса рағбатлантириш орқали амалга ошади. Рағбатлантиришни яхши даромад топишга интилиш, деб ҳам таърифлаш мумкин. Манфаатдорлик инсоннинг иқтисодий хатти-ҳаракатини белгилайди.

Иқтисодий манфаат инсоннинг ўзи англаб етгани боис унинг хатти-ҳаракатларига сабабчи бўлган ҳаётий эҳтиёждир.

Иқтисодий манфаатни уч турга бўлиш мумкин:

а) индивидуал манфаат — айрим кишиининг ёки алоҳида оиланинг яхши яшашдан иборат манфаати;

б) гуруҳий-корпоратив манфаат—фирманинг умумий манфаати бўлиб, тобора кўпроқ фойда олишдан иборат;

в) умуммиллий ёки умумжамият манфаати — бутун халқнинг умумий манфаатидир. Мазкур манфаатни ЯММ ифодалайди. Чунки, яратилган маҳсулот қанчалик кўп бўлса, кишилар шунчалик тўқ ва фаровон яшайдилар.

Иқтисодиёт меҳнатга таянади. Меҳнатга ундаш эса икки йўл билан таъминланади: зўрлаш ва моддий рағбатлантириш орқали. Зўрлашга таянган меҳнатнинг унумдорлиги паст бўлиб, ўзини оқламайди. Манфаатдорликка, яъни иқтисодий рағбатлантиришга асосланган меҳнат унумли бўлади, шу боисдан ўрта асрдаёқ Марказий Осиёда меҳнатга мажбурлаш ўрнига ерни ҳосилбай ижарага бериш, деҳқонни қизиқтириш орқали ердан фойдаланиш юзага келган.

Иқтисодий фаолият ихтисослашади, бунга сабаб жамиятда меҳнат тақсимоти бор.

Меҳнат тақсимоти ягона меҳнатнинг мустақил аҳамиятга эга бўлган меҳнат турларига ажралиб бориши, меҳнат турларининг тўхтовсиз равишда янгидан пайдо бўлишидир. Бир меҳнат турини бажариш айрим кишиларга бириктирилади, натижада касблар кўпайиб боради. Бир вақтлар меҳнат тақсимоти туфайли деҳончиликдан саноат ажралиб чиққан. Ҳозир эса саноатнинг ўзи юзлаб тармоқларга ажралган, ҳар бир тармоқнинг ўзида юзлаб корхоналар борки, уларда ҳар хил касб эгалари ишлайди. Меҳнат тақсимланганидан ишлаб чиқариш турли корхоналарни, корхона ичида эса ҳар хил касб соҳибларинн иш юзасидан ҳамкорлик қилишини талаб этади. Чунки, ягона маҳсулот яратишда кўпчилик меҳнати иштирок этади. Масалан, бир самолёт ишлаб чиқаришда мингдан ортиқ корхоналар қатнашиб, унинг бутловчи қисмларини етказиб беради.

Меҳнат тақсимоти меҳнат кооперацияснин муқаррар юзага келтиради. Меҳнат кооперацияси — ихтисослашгаи меҳнат турларининг бир-бирига боғланиб, муайян турдаги маҳсулот яратишда иштирок этишидир. Корхоналар бир-бирига турли зарур маҳсулотлар етказиб беради, бу кооперация алоқалари деб юритилади. Кооперация хўжалик алоқаларида мунтазамликни талаб қилади.

Ихтисослашув корхоналарнинг айрим маҳсулот ёки унинг маълум қисмларини тайёрлашга мослашувини билдиради. Ихтисослашув, биринчидан, меҳнат унумдорлигини оширади, иккинчидан, маҳсулот сифатини таъминлайди.

Иқтисодий механизмнинг муҳим бўғини хўжалик алоқаларини ўрнатиш усули ҳисобланади, ихтисослашув мавжуд шароитда заруратга айланади. Чунки, турли тармоқ ва корхоналар ўзаро алоқасиз ишлай олмайдилар. Хўжалик алоқалари бартер ёки бозордаги олди-сотди алоқалари шаклини олади.

Иқтисодий механизм пировард натижада иқтисодий саъй-ҳаракатларининг оқилона бўлишига қаратилади. Иқтисодий оқилоналик энг кам ресурс сарф қилган ҳолда энг кўп иқтисодий натижага эришиш йўлини билдиради.

5.2. Иқтисодий танлов қоидаси

Инсон хатти-ҳаракатлари унинг манфаатига қаратилгани учун «қайси бири фойдали, қайси бири зарарли эканлиги ўзига равшан бўлгач, фойдалисини танлайда ва олиб ўзлаштиради, зарарлисини рад этади.

Муайян макондаги табиат ресурслари маълум миқдордаги жонзотларни боқиши мумкин. Бу қоиданинг инсониятга ҳам

алоқаси бор. Аммо ресурслар тақчиллиги фаи-техника тараққиёти туфайли сусаяди. Барибир табиий ресурслар миқдори билан аҳоли сони ўртасида маълум нисбат бўлиши керак. Ресурслар қанчалик кўп бўлмасин, улар чегараланган вақт давомида маълум миқдордаги аҳолининг фаровон яшаши учун кифоя қилади. аҳоли сони ортиб, унинг эҳтиёжи ошгани сари ресурслар камёблиги кучаяди. Шу сабабли аҳолининг эҳтиёжи билан табиатнинг имкони орасидаги тафовут кучайиб боради.

Танлаш қоидаси шуки, ресурслар чекланган шароитда улардан нимани ишлаб чиқариш иқтисодий жиҳатдан маъқул бўлса, ресурсларни шунга сарфлаш йўли танлаб олинади.

Масалан, тикувчилик фабрикаси имконига қараб нима тикишни, яъни костюмми, плашми, пальтоми, куртками, шу масалани ўзига маъқул усулда ҳал қилади. Фуқаро ҳамёнидаги пулига қараб қаердан қайси бирини харид этишни ўзи танлайди. Иқтисодиётда ҳеч бир нарса текинга келмайди, деган қоида ҳам бор. Шунга кўра, нимаики танланса, унинг ҳақи тўланади.

Танлаб олиш туфайли воз кечилган иқтисодий хатти-ҳаракат келтириши мумкин бўлгаи фойда танлов ҳақи дейилади, у ҳар хил неъмат ёки даромаддан иборат бўлади.

Хулоса шуки, танлов иаф келтиргандагина унга қўл уриш ксрак.

5.3. Иқтисодий тизимлар

Иқтисодий фаолият маълум иқтисодий тизим шароитида амалга ошади. Иқтисодий тизимга қуйидагалар киради: а) иқтисодий ресурслар; б) иқтисодий алоқалар ёки муносабатлар; в) ноиқтисодий механизм; г) иқтисодий сиёсат.

Иқтисодий тизимларни тарихан тўрт турга бўлиш мумкин.

1. Анъанавий ёки иатурал иқтисодий тизим. Бу ўта кўҳна ва қолоқ иқтисодий тизим, узоқ вақттача ўзгармай қолгани учун архаик (эски) тизим деб баҳоланади. Бу тизимда қўл меҳнати ҳукмрон, ишлаб чиқариш иатурал характерга эга; меҳнат унумдорлиги ва турмуш даражаси ғоят паст. Иқтисодий алоқалар хўжаликнинг ўз ичида юз беради. Бошқалар билан олди-сотди муносабатлари бўлмайди. Бу иқтисодиёт давлат сиёсати таъсиридан холи бўлади. Анъанавий иқтисодий тизим ҳали тараққий этмаган уруғ-аймоқчилик шароитида яшаётган баъзи Африка халқларида учраб туради.

2. Соф бозор иқтисодиёти тизими. Бу бозордага талабни қондиришга қаратилган,бозор орқали ҳамкорликни тақозо этувчи эркин ва демократик иқтисодий тизим. У хусусий мулкчилик,

бозор учун ишлаш, чекланмаган иқтисодий танлов, иаф кўриш ва рақобат каби тамойилларга асосланади. Бозор тизимида даромад топиш чегараланмайди, бой бўлиш тақиқланмайди, ўзига тўқ, фаровои яшовчи одамларнинг моддий тенгсизлиги мавжуд бўлади. Бозор тизими асосида товар ишлаб чиқариш ва пул ётади. Бозор тизими дунёнинг ҳамма мамлакатларида бор, лекин унинг ривожланиш даражаси бир хил эмас.

3. **Режали ёки буйруқбозлик-маъмурий иқтисодиёт тизими.** Бу тўла-тўкис давлатлаштирилгаи иқтисодий тизимдир. Уиинг асоси давлат мулки ҳисобланади, ишлаб чиқариш давлатнинг режа-топшириқларига биноан юргизилади, нима ишлаб чиқариш масаласи давлатнинг буйруғига биноан ҳал этилади. Бой бўлиш тақиқланади, аҳолининг теиглиги ҳукм суради. Бундай иқтисодий тизим собиқ шўролар мамлакатида бўлган.

4. **Аралаш иқтисодий тизим.** Бу ҳар хил даражада бозор ва режа (нобозор) алоқа-муносабатларининг қоришмасидан иборат тизимдир. Бу тизимда бозор воситалари билаи биргаликда режалаштириш, ҳамкорлик ва саховатга асосланган иқтисодий алоқалар мавжуд бўлади. Иқтисодиёти юксак технология, ғоят юқори меҳнат унумдорлигига асослаиади, бу эса моддий тўкинчиликни таъминлайди. аҳолининг кўпчилиги мулк соҳибига айланади, давлат ўз сиёсати билан иқтисодиётга фаол таъсир этади. аҳолининг кўпчилиги ўртаҳол синфга мансуб бўлади. Аралаш тизим иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда, ҳусусан, АҚШ, Канадада ва Европа мамлакатларида мавжуд. Узбекистои мустақиллик йиллари давомида режа иқтисодиётидан бозор иқтисодиёти — аралаш иқтисодиётга ўтмоқда.

Қисқача хулосалар

Иқтисодий механизм пировард натижада иқтисодий саъй-ҳаракатларнинг оқилона бўлишига қаратилди.

Ресурслар чекланган шароитда, нимани ишлаб чиқариш мақбул бўлса, ўша йўлни танлаш лозим.

Иқтисодий фаолият рағбатлари асосида юзага келган тараққиётни таъминловчи механизм иқтисодий тизимни кўрсатади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Иқтисодий механизмнинг қандай усуллари бор?
2. Иқтисодий оқилоналик нимани англатади?
3. Иқтисодий танлов қоидаси қандай?
4. Иқтисодий тизимларнинг асосий белгилари нималардан иборат?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Иқтисодий эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш бош йўлимиз. «Халқ сўзи», 2002 йил, 13 февраль.
2. Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари. -Т.: Меҳнат, 1997.
3. Ишмуҳамедов А.Э. ва бошқалар. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши. -Т.: Ўқитувчи, 1996.
4. Ўзбекистои иқтисодиёти. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедия, 1998.

VI боб

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ВА УНГА ЎТИШ ЙЎЛЛАРИ

6.1. Бозор иқтисодиётининг белгилари

Кишилик жамияти пайдо бўлибдики, инсоният олдида «Нимани ишлаб чиқариш зарур? Қандай усуллар ва сарф-харажатлар билан ишлаб чиқариш зарур? Ишлаб чиқарилган нарсалар кимга керак, уларни кимлар истеъмол этади?» деган мазмунидаги муаммолар туради.

Бу муаммоларни ҳал этиш иқтисодий тизимга қараб турлича бўлган. Агар режали иқтисодиёт тизими уларни самарали ҳал эта олмаган бўлса, бозор иқтисодиёти бунинг уддасидан чиқа олди. Бозор иқтисодиёти кўпчилик халқларга манзур бўлган ва уларнинг келажагини таъминловчи иқтисодиёт ҳисобланади. У ҳозирги даврга хос умуминсоний иқтисодиётдир.

Бозор иқтисодиёти иқтисодий фаолиятда эркинликка, хўжалик юритишда оқилоналик тамойилларига асосланган демократик иқтисодиётдир.

Бозор иқтисодиётининг моҳиятини англаш учун унинг асосий белгиларини кўриб чиқамиз. Бозор иқтисодиётига эркинлик хос, уни мулкчилик шакли таъминлайди. Бундай иқтисодиётда хусусий, жамоа ва давлат мулклари мавжуд бўлиб, у ёки бу мулкнинг монополияси (якка ҳокимлиги) бўлмайди. Барча мулклар тенг, улар чекланмаган ҳолда ривожланади. Мулкчиликнинг асосини хусусий мулк ташкил этади. Бозор иқтисодиётида хўжалик юритиш шаклларидан қайси бирини танлаш, ўз мол-мулкини қандай ишлатиш ҳам кишиларнинг ўз ихтиёрида. Тадбиркорлик қилиш ёки ёлланиб ишлаш, ўз пулини саноатга, деҳқончиликка, тижоратга, банк ишига ёки бошқа йўлга сарфлаш одамларнинг ўз хоҳишига кўра танланади. Муқобил фаолият турлари кўп ва улардан маъқул келадигани танлаб олинади, аммо бунда иқтисодий оқилоналикка амал қилинади. Шу боисдан ҳамма ўз қўлидан келадиган иш билан шуғулланади.

Хилма-хил мулкчилик ва фаолият турлариии эркин танлаб олиш иқтисодий плюрализмни ташкил этади.

Бозор иқтисодиёти иқтисодий моиополияни рад этади. Иқтисодий алоқаларда ҳеч бир чекланиш бўлмаганидан уларда кўпчилик фаол қатнашади. Улар жумласига ҳар хил фирмалар, ресурслар эгалари, миллионлардан иборат истеъмолчилар (харидорлар), давлат идоралари, маҳкамалари киради. Уларнинг алоқалари товар-пул муносабатларига асосланади.

Товар-пул муносабатлари товарларни бозор учун ишлаб чиқариш, уларни олди-сотди қилиш ва шунингдек, пул борасида юз берадиган иқтисодий алоқаларни ўз ичига олади.

Бозор тизимига иқтисодий либерализм хос, яъни юқорида айтилганидек, ҳар қандай фаолият турлари эркин амалга ошади, аммо фаолият турлари, албатта, бир-бири билан бозор орқали боғланиши шарт. Ҳамма ўз манфаати йўлида ҳаракат қилади. Сотувчи қиммат сотишга, харидор арзон олишга интиладин. Тадбиркор иштиёқи фойда олиш бўлса, ишчининг мақсади кўпроқ иш ҳақ олиш. Алоҳида манфаатлар бўлиши уларнинг тўқнашувига сабаб бўлади. Шу боисдан бозор иқтисодиётида рақобат бўлади. Ишнинг кўзини билган бу курашда ғолиб чиқади, унинг мавқеи мустаҳкамланади, уқувсизлар эса ўз-ўзидан четга чиқиб қолишади.

Бозор иқтисодиётида фақат рақобат эмас, манфаатлар уйғунлашган шароитда ҳамкорлик ҳам юз беради. Масалан, сотувчи билан харидор савдолашиб, ҳар икки томонга маъқул нарх келишиб олинганда уларнинг манфаати мос тушади, яъни улар бир-биридан рози бўладилар. Шундай ўзаро бир-бирига наф келтириш ҳамкорлик, шериқчилик ва олди-бердини келтириб чиқаради.

Бозор иқтисодиётининг ўзига хос ривожланиш механизми бор. У иқтисодий стимулларга, яъни кишиларни тўқ ва хотиржам яшаш, обрўга эга бўлиш, ҳаётда ўз ўрнини топиш каби манфаатларини юзага чиқаришга асосланади. Бозор механизми иқтисодий рағбатлантириш механизмидир. Унда иқтисодий фаолликка ундаш ва ҳатто зўрлаш ҳам бор, аммо бу маъмурий зўрлаш эмас, балки иқтисодий жиҳатдаи мажбурлашдир. Масалан, рақобат ҳаммани яхши ишлашга мажбур қилади. Бозор механизми иқтисодий бўлганидан бу тизимда фойда ва зарар, сарф-харажат, ютиш-ютқазиш, нарх-наво, рақобат-келишув, солиқ-субсидия деган нарсалар кенг ишлатилади.

Бозор иқтисодиётига хос белгилардан бири эркин, яъни либераллашган нархларнинг бўлиши ва ҳамиша нархни ҳисобга олиб, фойда-зарарни назарда тутган ҳолда ишлашидир. Иқтисодий механизмлар ишлаб чиқаришни тез ва энг аввало, ресурсларни тежаб-тергаб сарфлаган ҳолда ривожлантиришни таъминлайди. Натижада моддий тўкинчилик юзага келади. Бинобарин, бозор иқтисодиёти тақчилликсиз иқтисодиёт ҳисобланади. Унинг ижтимоий мўлжал-мақсади — фаровонликни ошириш. Фаровонликни кишиларнинг ишбилармонлиги, меҳнатининг натижаси, ўз мулкини самарали ишлата билиши таъминлайди. Ҳар бир киши қўлидан келган иш билан шуғулланиб, ишлаганига қараб даромад кўриши адолатли ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти — камбағал ва қашшоқ-

ларнинг эмас, балки ўзига тўқ кишиларнинг тенглиги таъминловчи тизимидир. Тенгсизликнинг бўлиши ҳам адолатли ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти ривожланган шароитида энг кам даромад чегарасини давлат қонун йўли билан белгилаб қўяди. Масалан, АҚШда 2002 йилда энг кам иш ҳақи 1 соат ишлаганлик учун 6,0 доллар қилиб белгиланган ва уни бундан камайтириб бўлмайдн. Бозор иқтисодиётида даромадларнинг юқори чегараси белгилаб қўйилмайди, бу эса кишиларда пул топиш иштиёқини кучайтириб, кўплаб ишлаб чиқаришга рағбат беради. Кишилар иқтисодий фаолликни юзага чиқаради. Бойлиги адолатли йўл билан топилганидан уни яширмасдан ошкор эълон қиладилар. Масалан, 2002 йил натижасига кўра, АҚШда энг катта бойлар рўйхатига 400 та бой киритилиб, уларнинг бойлиги 0,5 миллиард доллардан 43,0 миллиард долларгача бўлганлиги эълон қилинди. 2002 йилда жаҳондаги энг бой кишининг пули 48 миллиард доллар бўлган. Унинг номи - Бил Гейтсдир. Бойлиги бўйича иккинчи ўринда Уоррен Беффет 36 млрд. долларга, учинчи ўринда турувчи Microsoft асосчиси Пол Аллен 21 млрд. долларга эга. Бозор иқтисодиётида шундай қоида бор: жамиятнинг нақадар бой бўлиши ҳар бир оила, ҳар бир кишининг нақадар бой ва фаровон яшашига боғлиқ.

Бу қоиданинг юзага чиқишига бозор механизми хизмат қилади. Чунки, у ишлаб чиқаришни ривожлантирувчи куч ҳисобланади.

6.2. Бозор иқтисодиётининг турлари

Бозор иқтисодиётининг яшовчан ва истиқболли бўлиши сабабларидан бири унинг инсон эзгу ниятларини амалга ошира олишида. Кишиларнинг шахсий манфаати «ўзим бўлай» деган сўзни юзага чиқаради. Бозор иқтисодиёти ҳар бир кишининг шахсий манфаатини ўзгалар манфаати билан боғлай олади. Кишиларшшг ўзига наф келтирувчи иши бошқаларга ҳам маъқул тушади. Масалан, товарни ишлаб чиқарип ва сотишдан фойда кўриш учун уни бозорбоп қилиб, яъни бошқаларнинг талаб-эҳтиёжини қондира оладиган қилиб яратиш зарур, ўзгалар манфаатини бозор орқали ҳисобга олмаган киши ўз манфаатига эриша олмайди.

Кишилардаги «ўзим бўлай» деган ҳаракат уларда мулк соҳиби бўлиш иштиёқини юзага келтиради. Инсон табиатига энг мос тушадиган мулк — хусусий мулкдир. Кишилар қанчалик «ўзим бўлай» демасин, барибир ўзлари танҳо яшай олмайдилар. Улар, албатта, айирбошлаш юзасидан алоқага киришадилар. Шу хислат билан одам бошқа тирик жонзодлардан ажралиб туради.

Инсондаги айирбошлашга бўлган мойиллик ва айирбошлашни бозор иқтисодиёти юзага чиқаради.

Бозор иқтисодиётида иқтисодий танлов эркинлиги бор, ҳар бир киши ўзига наф келтирувчи ишни ўзи танлашга ҳақли. Шу сабабли у ёки бу иш билан танҳо ёки бир неча кишининг шуғулланиши иқтисодий эркинлик тамойилига зид келади. Рақиблар бир хил иш билан шуғулланиши, ўз кучини турли соҳада синаб кўриши мумкин. Масалан, савдо-сотиқни эплай олмаган киши саноат, маиший хизмат ёки деҳқончилик билан шуғулланиши мумкин. Куч синаб, беллашувда «Ким ютади?» қоидасига биноан ва таваккалига иш қилиш имкони чекланмаган.

Ҳар бир кишининг бошқалардан ажралиб туриши, ўз ўрнини топиб, устунликка эга бўлиши, обрў-эътиборга эришиши келади. Бозор иқтисодиётидаги рақобатчилик вазияти буңа йўл беради. Инсон ўзи учун ҳаракат қилса-да, барибир унда инсонийлик хислатлари — жамиятдаги кишилар орасида меҳр-оқибат, одамийлик, ночорларга ёрдам қўлини чўзиш каби интилишлар бўлиши табиийдир. Бозор иқтисодиёти бундай интилишларни намоён этиш учун ҳам кенг йўл очади. Мисол қилиб ижтимоий ҳимоя механизмини олиш мумкин. Бугунга келиб Ўзбекистонда мавжуд нафақа (пенсия) тизими такомиллаштиришга муҳтожлиги тизимнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга муҳтожлигини кўрсатади. Чунки республикада нафақа олувчилар сони 3 миллион кишидан кўп, шу жумладан, аҳолининг 69 фоизи қарилик, 22 фоизи инвалидлик ва 9 фоизи боқувчисини йўқотганлик нафақасини олади. Ўзбекистонда қарилик эркаклар 60 ва аёллар 55 ёшда чиқса, АҚШ ва Германияда эркаклар ҳам, аёллар ҳам 65 ёшда чиқади. Келажакда Ўзбекистонда нафақа олувчилар ошиб боради. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, 2025 йилга бориб, нафақа олувчилар сони 2000 йилдагига нисбатан Ўзбекистонда 2 марта ошади. Оддийроқ қилиб айтганда, битта ишловчи битта нафақахўрнинг нафақасини қўшимча ишлаб берса, 2025 йилга келиб, нафақахўрлар 2 баравар ошади. Шу сабабли нодавлат нафақа жамғармаларига доир жаҳон тажрибасини ўрганиш катта аҳамиятга молик. Бундай жамғармалар жамият ва аҳолига қарилик учун маблағ йиғиш, давлат бюджетига босимни камайтириш ва иқтисодиётга жамламаларни жалб қилишни рағбатлантириши мумкин.

Инсон ҳар доим адолат қидиради. Бозор иқтисодиёти эса адолатпарварликни ювага чиқаради. Ҳар бир кишининг ишлаб топганига яраша яшаши, нархларнинг бозорга қараб адолатли бўлиши, иш ҳақининг иш натижасига қараб тўланиши, солиқларнинг даромадга қараб ортиб бориши, ўта кам даромаддан солиқ олинмаслиги, табиатга келтирилган зарарнинг қопланиши, инсофсизликка йўл бермаслик адолатпарваликка яхши мисол бўлади.

6.3. Бозор иқтисодиётига ўтиш йўллари

Бозор иқтисодиёти деганда ҳозирги ривожланган мамлакатлардаги иқтисодиёт тушунилади. Албатта, бу иқтисодиёт узоқ тараққиёт натижасида юзага келган. Товар-пул муносабатлари асрлар давомида секин-аста ривожланган, турли шаклларга кирган (масалан, капиталистик) ва ниҳоят, 20 асрнинг 2-ярмидан бошлаб, ҳозирги бозор иқтисодиёти шаклланди. Унинг асл намунасини иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда кўриш мумкин.

Тарихан қараганда бозор иқтисодиётининг икки тури бор. Биринчиси — асов ёки ёввойи бозор иқтисодиёти. Бундай иқтисодиётининг асл намунаси 18 ва 19 асрларда бўлган. Унинг ҳозир ҳам учраб турувчи баъзи аломатларидан асосийлариии қуйида санаб ўтамиз:

- якка эгаликдаги хусусий мулкнинг ҳукмрон бўлиши, мулкнинг озчилик қўлида тўпланиши, - бой ва камбағалликка кенг йўл очилиши;
- иқтисодиётнинг стихияли ўсиши, яъни иқтисодий бебошлик тартибсизлик бўлиши, оқибатда инқирозга учраш;
- номаълум бозор учун кўр-кўрона равишда товар ишлаб чиқариш — товарнинг сотилиш ёки сотилмаслигининг иомаълумлиги;
- рақобат курашиниг қонун-қоидасиз - террор, зўравонлик, қаллоблик каби ғайринисоний усуллар билан бориши;
- тадбиркорлар ўртасидаги шерикчилик алоқаларининг тасодифий бўлиши;
- давлатнинг иқтисодиётга аралашмаслиги, ундан четлашиб қолиши;
- тартибсизлик натижасида кучли иқтисодий тангликлар ва бўҳроилар келиб чиқиши, иқтисодий талофатлар юз бериши;
- кишилар ўта бой ва ўта камбағалларга ажралиши, улар ўртасида синфий курашнинг мавжудлиги, ижтимоий мувозанат йўқлиги.

Бундай иқтисодиётни асов дарёга тенглаштириш мумкин. Асов дарё тартибсиз оқади, унинг ўзанлари тез ўзгариб туради, сувини тартибга солувчи тўғонлар, сув омборлари бўлмайди. Бундай дарё нафақат оби-ҳаёт, балки тошқинлар, қирғоқларии ювиб кетиш билан талофат ҳам келтиради. Масалан, Жайхун (Амударё)нинг эски Тўрткўл шаҳрини йўқ қилиши.

Аммо ёввойи иқтисодиёт абадул-абад сақланмайди. У маданийлашгаи бозор иқтисодиётига айланиб боришга мажбур. Маданийлашган бозор иқтисодиётининг ҳам ўзига хос белгилари бор:

- асосий бўлган хусусий мулк билан бир қаторда бошқа мулк йўллари хам мавжуд бўлади, мулкий мувозанат юзага келади;

- иқтисодиётдаги бебошлик қаттиқ чекланади, иқтисодиёт тартибланади;

- бозор талабни ҳисобга олади, ишлаб чиқариш талабига мослашади, бозордаги номаълумлик аҳён-аҳён учраб туради;

- рақобат кураши белгиланган қоидаларга биноан ҳалол кечади, унинг маданий усуллари қўлланилади;

- иқтисодиёт субъектлари (иштирокчилари) ўртасида доимий ва узоқ даврга мўлжалланган ўзаро манфаатли шерикчилик алоқалари ўрнатилади;

- давлат иқтисодий ҳаётга аралашади, ўз чора-тадбирлари билан иқтисодий тамойилларнинг амал қилиши учун шароитлар ҳозирлайди;

- иқтисодиёт тартибланиб туришидан чуқур иқтисодий тангликлар юз бермайди, иқтисодий тангликдан тезда чиқилади;

- иқтисодиёт юксак бўлишидан жамият бой бўлади, шу сабабдан тадбиркорлик фақат фойда топиш учун эмас, балки эл оғзига тушиш, обрў-эътиборли бўлиш учун ҳам олиб борилади;

- иқтисодиёт ижтимоий (социал) йўналтирилган, оммани фаровонлигини таъминлашдек аниқ мўлжалга эга бўлади;

- кишиларнинг иқтисодий жиҳатдан табақаланиши чегараланади: ўзига тўқ, ўртаҳол аҳоли асосий ижтимоий қатламга айланади. Шу боисдан жамиятда ижтимоий мувозанат сақланиб, кишилар ўртасида тўқнашувларга ўрин қолмайди.

Ҳозирги даврда бозор иқтисодиётига ўтиш деганда маданийлашган иқтисодиёт сари бориш тушунилади.

Қисқача хулосалар

Бозор иқтисодиёти иқтисодий фаолиятда эркинликка, хўжалик юритишда оқилоналик тамойилларига асосланган демократик иқтисодиётдир. Бозор иқтисодиётида иқтисодий танлов эркинлиги мавжуд бўлиб, ёпиқ ва очиқ бошқарувчига эга. Ҳозирги даврда бозор иқтисодиётига ўтиш асосан бозор белгиларига таянади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Режали иқтисодиёт ва бозор иқтисодиётининг қандай фарқлари бор?
2. Бозор иқтисодиётининг асосий белгилари нималардан иборат?
3. Бозор иқтисодиётининг қандай турлари бор?
4. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг қандай йўллари бор?
5. Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий йўналишлари нималардан иборат?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ривожланиш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш. «Халқ сўзи», 2002 йил 25 январь.
2. Карнмов И.А. Иқтисодни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш бош йўлимиз. "Халқ сўзи", 2002 йил, 13 февраль.
3. Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари. -Т.: Меҳнат, 1997.
4. Ишмуҳамедов А.Э. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши. – Т.: Ўқитувчи, 1996.

VII боб

«ИҚТИСОДИЙ РАҚОБАТ» ТУШУНЧАСИ

7.1.Иқтисодий рақобат мазмуни

Бозор иқтисодиётини ҳаракатга келтирувчи, унинг тараққий этишига катта таъсир кўрсатувчи куч рақобатдир. Рақобат курашининг аҳамияти шунчалик юқорики, усиз бозорни тасаввур этиб бўлмайди. Чунки, у бозор иқтисодиётининг мазмунидир.

Бозор шароитидаги рақобат иқтисодий рақобат бўлиб, у иқтисодий жараёнда юз беради. Ундаги асосий мақсад бозор иштирокчиларининг эркии фаолият шароитини яратиш, ҳар бир иштирокчи ўз ҳаракати учун зарур муҳит ва ҳолатни таъминлаш билан боғлиқ бўлган курашдан иборатдир. Ҳар бир бозор иштирокчисининг керакли ишларни бошқаларга нисбатан муваффақиятли ҳал қилиши, бунинг учун зарур шароитларни олдиндан ва ўз вақтида ярата олиши, доимо устунликка эга бўлиши кабилар иқтисодий рақобат курашининг мазмунини ташкил қилади.

Бозор иқтисодиётига қатнашувчилар бир-бири учун рақиб ҳисобланиб, ўзаро кураш олиб борадилар. Алоҳида-алоҳида ҳолдаги иштирокчиларнинг бир-бирлари ўртасидаги кураши, умуман, бозор иқтисодиёти билан якунланади.

Иқтисодий рақобат курашида қатнашувчилар бир-бирларини шахсан билишлари, таниш бўлишлари зарур эмас. Бунинг учун, аввало, бозор хусусияти, унинг ҳаракат қонуниятларини яхши билган, сезган ҳолда фаолият кўрсатиш асос бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, ҳар бир нарсада, ҳар қандай шароитда тезроқ, эртароқ, ҳар томонлама ўйлаб ҳаракат қилган олдин улгурганидек ва тўла мақсадга эришганидек рақобат курашида бозор масалаларини ҳал қилиш ҳам шунга ўхшаб кетади.

Рақобат курашида барча ҳам муваффақиятга эришишга муяссар бўлмайди. Бу тажриба, билим, матонат, таваккалчилик ва албатта, йирик сармояга эга бўлишни талаб қилади. Рақобат кураши кенг мазмунли, кўп қиррали бўлиб, бозор иқтисодиётининг барча даврлари, соҳалари, тармоқларида юз беради. Рақобат курашига бардош бера оладиган шахсгина бозор тараққиётига кўп ҳисса қўша олади.

Рақобат курашининг асосий мазмуни харидорларни ўзига кўпроқ жалб этиш шароитиии яратишдир. Чунки, ҳар бир тадбиркорнинг молини сотиб оладиган харидор кўп бўлса, у сотиш

муаммосини тезроқ ҳал этади, иши тезлашади, юқори фойда олади. Сармояси қанча тез қайтиб, тез ҳаракатда бўлса, шунчалик кўп маҳсулот ишлаб чиқаришга, кўпроқ сотишга муяссар бўлади.

Тадбиркор учун курашдаги энг муҳим нарса зарур товарни, хизматни ўз вақтида кўпроқ ишлаб чиқариш ва харидорга тезроқ етказишдир. Бу жараёнда бошқаларга нисбатан олдинроқ улгурса, албатта, у бу курашда ғолиб чиқиш имкониятини қўлга киритган бўлади. Бу, биринчи навбатда, бир хил товар ишлаб чиқарувчилар ва бир хил харидорлар ўртасидаги курашдир. Шунинг учун ҳам рақобатдаги ҳаракатнинг кенг ҳажмлиси бозор учун, товарни муваффақиятли сотиш учун бўлган курашдир.

Рақобат кураши иқтисодий фаолиятнинг бошқа тармоқ ва соҳаларида ҳам юз беради. Масалан, хомашё учун курашни олайлик. Маълумки, бу ишлаб чиқаришда катта аҳамият касб этади. Керакли хомашёдаи ўз вақтида, керакли миқдор ва ҳисса олиш учун ҳаракат қилиш умумий муваффақият учун зарур шартдир. Юқори самарали хомашё жойларини қўлга киритиш, арзон энергия учун кураш катта ўрин эгаллайди.

Булардан яна бири ишчи кучи таъминотидир. Юқори малакали, тажрибали ишчи, хизматчиларга эга бўлиш, айниқса тадбиркор, савдогар учун жуда керак. Етарли миқдорда уларга эга бўлиш, касаба уюшмаларига таъсир этиш учун кураш рақобатда ўринлидир. Демак, сотувчилар, тадбиркорлар ўртасидаги рақобат асосан харидорлар, ишчи кучи, хомашё, материал, маъқул энергия хили учун олиб борилади.

7.2. Рақобат ва баҳо

Рақобат курашида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган нарса баҳодир. Умуман, баҳо талаб ва таклиф мувозанатининг иатижаси бўлиб, рақобат орқали юзага келади. Маълумки, ҳар бир товарга талаб юқори бўлса, баҳо ҳам кўтарилиши керак. Шунга кўра, товарлар сарф-харажати бўйича жуда юқори ёки жуда паст баҳода сотилиши мумкин. Юзаки қараганда сунъий равишда талабни кўтариш туфайли баҳони ошириш мумкинга ўхшайди. Мавжуд шароитта кўра, шундай ҳолат ҳам юз беради. Лекин рақобат натижасида бундай ҳолат доимий ёки узоқ чўзилиши мумкин эмас. Барибир кўп товар сотишга интилиш устун келади.

Истеъмолчининг даромад даражасига таъсир кўрсатувчи баҳо рақобат ҳолатига боғлиқ бўлиб, у турғун бўла олмайди, тўхтовсиз ўзгариб туради. Бозор иштирокчилари учун бозор ҳолатини кўрсатиб турадиган нарса ҳам баҳо бўлиб, у сотувчи ва хари-

дорларнинг ҳаракат йўналишини аниқлаб беради. Чунки бозор иштирокчилари бозорга қачон ва қанча товар етказиб туришни баҳо даражаси орқали аниқлайдилар. Бу эса бевосита ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатади. Қачон, қанча, қандай товар ишлаб чиқаришни бозорда юзага келиб турган баҳо орқали белгилаб, иш кўрилади.

Рақобат туфайли пайдо бўладиган бозордаги баҳоларнинг тадбиркор ва истеъмолчилар учун муҳимлигини икки нарсада ифодаланади. Биринчисида тадбиркорнинг фойдаси ва даромади ифодаланади, иккинчисида бозор ҳолати аниқланади. Истеъмолчи — харидорни олсак, у ҳам баҳога икки томонлама боғлиқдир. Биринчидан, баҳонинг даражаси, ҳаракат мазмунига қараб, қайси товарни қачон сотиб олиш ва қанча миқдорда сотиб олишни аниқлайди, иккинчидан, даромаднинг тақсимланиши ва реаллик даражасини аниқлаб беради. Баҳо кўтарилиб бораверса, албатта, даромад даражаси пасайиб боради. Лекин рақобат баҳоларнинг пасайишига ҳам олиб келади. Чунки, иқтисодиётда, шахсий даромадда юз берадиган барча ўзгаришлар бозорда рақобат туфайли юзага келадиган баҳо даражасида ўз ифодасини топади. Шунга кўра, барча бозор иштирокчилари, айниқса, тадбиркорлар, катта диққат ва эътибор билан баҳони кузатиб борадилар, унинг ўзгаришини ўз вақтида билиб туриш чораларини кўрадилар.

Демак, бозорда пайдо бўладиган баҳо бозор иқтисодиётининг кўзгуси бўлса, рақобат уни юзага келтирувчи кучдир. Рақобат ва баҳо механизмлари ўз таъсирлари билан бозорни ҳаракатлантирувчи муҳим механизмлар бўлиб, бозор иқтисодиётининг бошқарилишида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Улар бозор иқтисодиётини ўзидан-ўзи ҳаракатга келтирувчи ва бошқарувчи ички кучларидирки, унга ташқаридан сунъий таъсир кўрсатиш ва баҳони рақобатсиз олдиндан белгилаш бозор табиатига тўғри келмайди, унинг механизми ҳаракатларига фақат салбий таъсир кўрсатади.

Айтиш мумкинки, рақобатнинг асосида, шахсий манфаат ётади ва бу рақобат курашининг кучайиши, таъсирининг ортиб бориши учун куч бағишлайди. Бунинг боиси шуки, ҳар бир иқтисодий бирлик ўз «нафси»ни кўзлайди. Ҳар бир тадбиркор юқори фойда учун, ҳеч бўлмаганда кам зарар учун курашади. Моддий ресурслар эгалари уни сотишда ёки ижарага беришда юқори баҳо орқали иш тутишга уринади. Ишчи кучи эгаларини олсак, улар миқдори ва мураккаблиги бир хилдаги меҳнатларига имкоини борича кўп даромад олишга ҳаракат қиладилар. Буларнинг ҳаммаси харидор сифатида, айтганимиздек, паст баҳонинг та-

рафдорларидир. Шахсий манфаатдорлик бозор иқтисодиёти фаолиятида тартиб ўрнатиб туради, манфаатсизлик эса кутилмаган тартибсизликларга олиб келиши мумкин. Бундай воқелик шундай хулосага олиб келадики, турли иқтисодай бирликлар ўз ихтиёрий танловини амалга ошириши даврида шахсий манфаат асосида уларнинг асосий ҳаракат тарзи шаклланади. Бу бозор иқтисодиёти тақозосидир.

Масалан, асосий халқаро савдо иазарияларини кўриб чиққанда Олмония халқаро бозорда сотадиган ва сотиб оладиган молларининг табиати ва сонини нарх белгилайди. Олмонияда битта саноат ускунасига 5 евро харажат қилса, қўшни Данияда бу харажат 10 еврони ташкил қилади, мебель эса 20 ва 30 еврогачани ташкил этади. Яъни Олмонияда битта мебельга 4 баравар кўп хомашё харажат қилиш керак (20 : 5). Данияда бу иисбат 3 га тенг (30 : 10). Демак Данияда мебель чиқариш, Олмонияда эса ускуна ишлаб чиқариш афзалдир.

Яна бир мисол: Бразилияда тайёрланган пойабзалнинг нархи 15 евро бўлса, Италияда тайёрлангани 30 еврога, кийим эса 30 ва 60 еврога тенг. Бу рақамлар рақобат бозорида Бразилияни ушбу товарлар бўйича Италиядан 1 : 2 иисбатда устунлигини кўрсатади.

7.3. Рақобат — бозорни тартибга солувчи куч

Умуман, рақобат иқтисодчилар тасаввури бўйича қуйидагиларни билдиради:

- бозорда турли, истаган аниқ маҳсулот, ресурсларни эркин ҳолда сотувчи ва сотиб олувчиларииг мавжудлиги;
- сотувчи ва харидорларнинг истаган бозорда ёки иқтисодий тармоқда эркин қатнаша олиши ёки истаганда тармоқдан чиқиб кета олиши.

Рақобат ўз моҳиятини бозор иштирокчиларига тааллуқли иқтисодий кучлар тарқоқлигида нфода этади. Буни шундай изоҳлаш мумкин. Маълум бир бозорда, чунончи, ғалла бозори ёки ипгазлама бозорида жуда кўп сотувчи ва харидорлар мавжуд, шу билан бирга товарлар мўл-кўл, дейлик. Бундай шароитда сотувчи ва харидорлар ўзлари учун маъқул баҳони талаб эта олмайдилар. Чунки, алоҳида ҳолдаги уларнинг уриинишлари баҳога таъсир этмайди ва бунда айрим ҳаракатлар муваффақият келтирмай, мавжуд мувозанат белгилайдиган умумий баҳо бўйича олди-сотди амалга ошади.

Рақобатнинг моҳияти шуки, ҳар бир сотувчи бозордаги жуда кўп миқдордаги сотувчилар иштирокида ўзининг нисбатан ки-

чик ҳиссаси билан умумий таклифга таъсир кўрсата олмайди, демак, баҳони ҳам якка ҳолда ўзгартира олмайди. Айтиш мумкинки, рақобат шундан иборатки, ҳар бир сотувчи — таклиф субъекти умумий таклифга кичик ҳисса қўша олади ва умумий оқим ичида бўлади. Якка ҳолдаги сотувчилар таклифнинг умумий миқдорига сезиларли таъсир кўрсата олмайдилар, шунинг учун ҳам якка ишлаб чиқарувчи сифатидаги сотувчи маҳсулот нархини истаганича ўзгартира олмайди ва унга истаган ҳолда муносабатда бўла олмайди. Ҳақиқатан ҳам ҳар бир сотувчи якка-якка ҳолдаги ҳаракатда ва рақобатда қатнашувчи сифатида бозор ихтиёрида бўлади. Бунда рақобат якка-якка ҳолдаги барча ёки жуда кўпчилик сотувчилар ҳаракатидан иборат бўлади. Кўриниб турибдики, рақобат бозорда ҳукмронликни инкор этиб, эркин ҳаракатни талаб этади.

Харидорлар тўғрисида ҳам шуни айтиш мумкин, яъни улар ҳам бир-бирига боғлиқ бўлмаган ихтиёрий ҳаракатда бўладилар. Умумлаштириб айтганда, рақобатнинг асосини ташкил қилувчи иқтисодий ҳокимиятнинг кенг тарқоқлиги бу ҳокимиятдан фойдаланишни тартибга солиб туради ва ундан зарарли фойдаланиш имкониятларини чегаралаб боради. Демак, иқтисодий имкониятлар учун кураш иқтисодий бирликларнинг ўз фойдасини кўзлаб, бир-бирига зарар келтиришга тўсиқ бўлиб хизмат қилади. Рақобат сотувчи ва харидорларнинг ўз манфаатларини таъминлаши амалга ошувнинг чегараларини белгилаб туради. Шунинг учун ҳам рақобат бозор иқтисодиётида асосий тартибга солувчи куч бўлиб хизмат қилади.

Юқорида қайд қилиб ўтилган рақобатларнинг иккинчи томони иштирокчиларнинг танлов эркинлигидир. Бозор шароитида ҳар бир тадбиркор истаган товари билан иш кўриши, хоҳлаган тармоқда фаолият кўрсатиши ва зарур топганда ҳеч қандай тўсиқларсиз ва қийинчиликсиз бу тармоқдан чиқиб кетиб, бошқасига ўтиш имконига эга. Бу билан маълум тармоқлар, соҳаларининг заруриятга қараб кенгайиши ёки торайиши имкони таъминланиб борилади. Чунки, талаб ва таклиф мувозанати туфайли ишлаб чиқарувчи ва харидорларнинг тармоқлараро ҳаракати эркинлиги таъминланади. Бундай шароит иқтисодий мослашувни таъминлайди ва самарадорликнинг сақланиб бориши имконини туғдиради.

Энди биз рақобатнинг фақат тармоқлар манфаати билан чегараланмай, унинг тармоқлараро ва умумжамият манфаатлари борасидаги таъсири ва ҳаракатини кўриб чиқайлик. Бозор механизмлари бўлган талаб ва таклиф орқали истеъмолчилар ва жамият истаклари корхоиаларга, корхоналар орқали эса ре-

сурслар билан таъминловчиларгача етказилади. Бу жараёнда рақобат таъсирини кўрамиз. Маълумки, истеъмол талабининг кўтарилишида баҳо ўз аксини топади. Талаб ортиб бориши туфайли баҳо кўтарилиб борадики, иатижада юқори фойда олинади. Бу ўз-ўзидан шу маҳсулотларга талаб ошганидан ва уларни кўпроқ ишлаб чиқариш кераклигадан хабар беради. Рақобат, айниқса, бунга қўшилувчи янги фирмалар ишлаб чиқаришни кенгайтириб, баҳонинг харажатлар даражасида бўлишини таъминлаши мумкин. Агар бу жараёнга рақобатнинг таъсири бўлмай, монополиялик мавжуд бўлса, ўзгариш юз бермайди ва ортиқча фойда олиш давом этаверади.

Рақобат фақат жамият талабига эътибор бериш ва баъзи тармоқларнинг кенгайиши ва қисқаришига олиб келиш билан чегараланмай, фирмаларни энг самарали технологияга ўтиш, илғор ишлаб чиқаришни таъминлаб боришга ундайди. У паст ва кам самарали технология асосида ишлаб чиқаришни уюштирган фирмаларни қўлламайди ва уларнинг бошқа илғор рақиблар томонидан сиқиб чиқарилишига олиб келади. Шунинг учун рақобат, айтганимиздек, техник прогресс имконини қўллайди ва уни кенг тараққиётга ундайди.

Рақобатли бозорнинг яна энг муҳим томонларидан бири, олдинги мавзуда кўрганимиздек, хусусий ва ижтимоий манфаатлар уйғунлигининг таъминланишидир. Чунки, бу жуда муҳим ва ўта зарур бўлган манфаатлар тенглигига хос ҳодисадир. Бунда ўта муҳим бўлган давлат манфаати ҳам кўзда тутилади. Айтганимиздек, тадбиркорлар энг тежамли ресурслар комбинациясини, яъни мавжуд рақобат шароитида хусусий манфаатга ҳам тўла мос келадиган комбинацияни қўллайдилар. Тадбиркорларнинг техник прогрессга асосланмаган ҳолдаги ишлаб чиқариши зарур фойда бермайди ва пировардида синишга олиб келади. Шу билан бирга камёб ресурсларни ишга солиш, кам харажатли ишлаб чиқаришни уюштириш энг самарали усуллардан бўлиб, бу жамиятга жуда фойдалидир.

Хулоса қилиб айтганда, рақобат кучи шахсий манфаатни тартибга солиб, уни шундай йўналтирадики, у ўзидан-ўзи жамият манфаатининг мақсадга мувофиқ равишда таъминланишига олиб келади. Бозорга хос «кўзга кўринмайдиган қўл» таъсири шундай якунланадики, фирмалар ўз фойдаларини имкоии борича юқори даражага етказсалар, жамият маҳсулоти ҳам шунчалик юқори даражада бўлади.

Рақобатнинг бўлиши, рақобат таъсирининг кучайишидаги асосий шарт хўжалнкларнииг турли-туманлигидир. Умуман, кураш тўғрилилик, кўп ҳалолликни талаб қилади. Бозор иқти-

содиётида кўп хил хўжаликлар, уларнинг эгалари бир-бирларининг рақиблари бўлиб, рақобат жараёнида фаол иштирок этишлари керак. Хўжалик турлари жуда оз ёки бир хил бўлса, рақобатнинг таъсир доирасини кенгайтириш учун шароит бўлмайди.

Рақобат учун хўжалик усуллари, шакллари кўпайиши керак. Айниқса, хусусий хўжаликлар кўпайиб, асосий ўринни эгаллаши зарур. Хусусий хўжаликлар билан бир қаторда кооперативлар, бирлашма, қўшма хўжаликлар кўпайиши талаб этилади. Давлат хўжаликлари ҳам шаклаи ва ҳам мазмунан ўзгариб, бозор талаблари асосида қайта ташкил этилиши керак. Буларга ҳиссадор (акциядор)лик жамиятлари, ижара хўжаликлари кабилар мисол бўлиши мумкин.

Юқорида айтганимиздек, бусиз хўжалик юритишда мустақиллик бўлмайди, мустақилликсиз рақобатни тасаввур этиш қийин ва умуман, бозор мазмунсиз бўлади. Рақобат жаҳон иқтисодиёти миқёсида ҳам бўлиб, у миллий мамлакатлар иқтисодиётига ҳам таъсир кўрсатади.

7.4. Халқаро рақобат кураши

Халқаро рақобат курашини олсак, у мамлакатлар ўртасидаги, шунингдек, халқаро йирик бирлашмалар, айниқса, трансмиллий корпорациялар ўртасидаги курашдир. Бунда халқаро бозорларни эгаллаш, хомашё ҳудудларини ўзлаштириш, илмий-техника манбаларини қўлга киритиш каби асосий томонларни кўпроқ эгаллашга уринилади. Натижада иқтисодий тараққиёт манбаларини ўз ихтиёрига олиш, бунинг асосида ўз бойликларини орттириш, олинадиган фойданинг даражасини кўтариш кабиларга муяссар бўлинади.

Жаҳон иқтисодиётига қўшилиб бориш, халқаро бозорда таъсирли кучга эга бўлиш ва халқаро меҳнат тақсимотида манфаатли ўринларни эгаллаш халқаро рақобат туфайли амалга ошади. Бу барча мамлакатларни кучли иқтисодиётга эга бўлишга, илғор ишлаб чиқариш даражасини қўлга киритишга ундайди.

Жаҳон миқёсида фаолият кўрсатувчи мамлакатлар ва бирлашмалар сони ортиб бормоқда. Бу фақат жаҳон иқтисодиёти тараққиётигагина эмас, балки ички бозордага монопол ҳолатнинг олдини олишга ҳам таъсир этмоқда. Чунки, бозорда сотувчилар қанча кўпайиб борса, монопол таъсир шунча заифлашиб боради. Кўпчилик маҳсулот бозорларида майда фирмалар камайиб, йириклари кўпайиб бормоқда. Бу ресурслар бозорига ҳам тааллуқлидир. Меҳнат бозоридаги касаба уюшмаларининг фаолияти ҳам шундай мазмунда бўлади. Бир қатор юқори фойдали тармоқлар-

да патент мушкуллиги ва бошқа тур ресурслардан фойдаланишдаги тўсиқларнинг кўпайиб бориши рақобат кучини заифлаштиради. Лекин жаҳон рақобат кураши натижасида чет маҳсулотларининг кириб келиши бозор иштирокчиларини кўпайтириш орқали ички рақобат имкониятларини оширади.

Чунончи, АҚШ, Ғарбий Оврўпо, қисман Японияни олсак, уларда автомобиль ва пўлат бозорлари каби, озиқ-овқат маҳсулотлари, ресурслар бозорларида ҳам йирик фирмалар ҳиссалари ошиб, бу рақобат таъсирига салбий таъсир кўрсатмоқда. Маълумки, ҳозирги даврда бир қанча озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича чет фирмалар ўзларига йўл очиб, истиқболларини таъминламоқдалар. Масалан, Голландия озиқ-овқат экспорти бўйича етакчи ўринга чиқди.

Рақобат турлари ва ҳаракат мазмунлари мавжуд бўлиб, у тархда кўрсатилганлардаи иборат бўлади.



1-тарх. Рақобат турлари ва таъсири

Рақобатнинг бозор иқтисодиётидаги аҳамиятини эътиборга олган ҳолда маркетинг концепциясида рақибларга, уни танлашга катта эътибор берилади. Рақибларни, аввало, фирмаларга қараб белгилаш керак, яъни қайси фирмалар қандай товарларни бозорга чиқаради, яъни сотувчи сифатидаги рақибларни аниқлаш ва уларни ўрганишга қаратилган ишларни белгилаш ва амалга ошириш талаб этилади. Сўнгра харидор-рақиблар ўрганилади. Бунда машҳур «Маркетинг асослари» китоби муаллифи Филип Котлер рақибларни тўртга бўлиб ўрганишни тавсия этади: 1) истак бўйича рақиб; 2) товар тури бўйича рақиб; 3) товар хили бўйича рақиб ва 4) товар маркаси бўйича рақиблар.

Истеъмолчилар харид қилиш бўйича қандай қарорга келишини аниқлаш ҳар бир фирма учун кўпроқ ўз товарини сотиш йўлини топиш, яъни ўз харидорларини аниқлаш имконини беради. У «Нексия» машинасини чиқарувчи Асакадаги заводни мисол келтириб, аввало, харидорнинг қандай товарлар сотиб олиши мумкинлиги, улар ичида қанчаси транспорт воситалари, сўнгра қанчаси машина сотиб олиши, охири машинанинг «Нексия» маркалисини қанча харидор сотиб олиши мумкинлигини ва умуман, бошқа маркали машиналарни сотиб олувчи рақибларни Россия, Қозоғистон ва бошқа давлатларда аниқлаб, ўз харидорларини кўпайтириш чораларини қўллашини қайд қилади.

Рақобат асосий тартибга солиш механизми сифатида ишлаб чиқарувчилар ва ресурслар билан таъминловчиларни харидорлар ҳукмига ёки истеъмолчилар мустақиллигини таъминлаш манфаатига тўла бўйсундиради. Ҳақиқатан ҳам рақобат шароитида кўпчилик сотувчи ва харидорларнинг ҳукми бозор баҳосини белгилайди, яъни якка ҳолдаги ишлаб чиқарувчилар ва ресурслар билан таъминловчилар харидорларнинг истагига мослашадилар. Бу истакларни бозор тизими инобатга олган ҳолда сотувчиларга етказади. Бозор тизимига бўйсуниб иш тутувчи рақобатдаги ишлаб чиқарувчилар фойдага эга бўлиб, ўз мавқеларини мустаҳкамлаб борса, бозор қонунларини бузувчилар зарар кўради ва уларни синиш, банкротлик кутиши мумкин. Рақобат кучи таъсири шароитида харидорлар хўжайин, бозор уларнинг вакили, корхоиалар эса уларнинг хизматкори вазифасини бажарувчи сифатида мавжуд бўладилар.

Қисқача хулосалар

Рақобат кучи шахсий манфаатни тартибга солиб, уни шундай йўналтирадики, у ўзидан-ўзи жамият манфаатининг мақсадга мувофиқ таъминланишига олиб келади.

Рақобат курашида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган нарса баҳодир. Рақобат – бозорни тартибга солиб турувчи куч.

Жаҳон иқтисодиётининг қўшилиб бориши халқаро рақобат курашини белгилайди.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Иқтисодий рақобат нима?
2. Иқтисодий рақобат мазмунан нимани англатади?
3. Рақобат ва баҳо деганда нимани англатади?
4. Рақобат бозорни қандай тартибга солади?
5. Халқаро рақобат кураш нима?

Асосий адабиётлар

1. Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари. -Т.: Меҳнат, 1997.
2. Ишмуҳамедов А. ва бошқалар. Бозор муносабатлари шаротида миллий иқтиодиётни ривожланиши. -Т.: Ўқитувчи, 1996.

VIII боб

МОНОПОЛИЯ ВА БОЗОР МОДЕЛЛАРИ

8.1. «Монополия» тушунчаси

Бозор иқтисодиётида монополия рақобатга қарши куч шароитида пайдо бўлади ва у рақобат таъсири шароитини ўзгартиради.

Монополия — бозорда юзага келадиган иқтисодий ҳодиса бўлиб, унда йирик сотувчи ёки харидорлар ўз иқтисодий қудратига суяниб, бошқа бозор иштирокчиларига ҳукмларини ўтказадилар. Бунда монополчиларнинг шахсий манфаатига асосланган, уларнинг фойдасини кўзлаган шартлар қолган барча учун мажбурий ҳисобланади. Буларга нисбатан бошқалар бозорга таъсир ўтказиш кучига эга бўлмай, ўз манфаатларини кўзлаш имконидан маҳрум бўладилар. Таклиф ҳажми ва бозордаги баҳо монополия томонидан белгиланади.

Монополия ҳолати фирмаларга жуда қўл келади. Чунки харидорларга қарам бўлиш, уларнинг дидига қараб иш тутиш заруратидан холи бўлиниб, уларнинг талабига зид иш кўриш имкони туғилади. Агар харидорлар мажбурий қўйилган баҳолардан норози бўлсалар, монополчи ишлаб чиқаришни қисқартириб, савдога чиқадиган товар (хизмат)ларни камайтириши мумкин. Бунда харидорларнинг мавжуд юқори баҳони тан олишдан бошқа иложи қолмайди, албатта. Бунинг харидорларга қандай таъсир этиши, кам харажатли оилаларнинг аҳволи оғирлашуви билан монополиянинг иши бўлмайди. Монополчиларни фақат бир нарса: юқори фойда ва катта даромад қизиқтиради.

Монополча бозорни бошқаришнинг турлича фойда олиш усуллари мавжуд бўлишига қарамай, уларнинг ҳаммаси жамият учун катта иқтисодий зарар келтиришини инсоният ўз тарихида кўриб ўтди. Бу ҳақида кейинроқ сўз юритамиз. Ҳозир табиий монополия ҳақида сўз юритайлик. Жамиятнинг нормал талабига мос келадиган монополиялар ҳам бўлади. Буларни, албатта, иқтисодиёт сиқиб чиқармайди ва жамият тақиқлашни истамайди. Масалан, фирма ноёб товарлар ишлаб чиқарса, бунда энг янги технологияни, фойдадан холи бўлмаган ҳолда паст нархларда сотиш усулини қўллаб, бозорни эгалласа, бунинг ёмон томони йўқ. Табиий усулда юзага келган моиополия қонуний бўлиб, уни йўқ қилиш мақсадга мувофиқ эмас ёки иқтисодий фой-дадан холи эмас.

Бундай монополиялар табиий бойликлардан фойдаланиш, транспорт, алоқа ёки коммунал хўжалик тармоқларида бўлиши

мумкин. Масалан, жуда ноёб фойдали қазилма учун битта шахта етарли бўлиб, иккинчи рақибнинг кераги йўқ. Шунингдек, алоқа шохобчалари, газ қувурлари кабиларни кўрсатиш мумкин.

Табиий монополия шундай ҳолатни тақозо этадики, бунда объектив кучлар (табиий ёки техник) сабабли товар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш бир фирма қўлида бўлиб, лекин бу жамият учун фойдали ҳисобланади. Бунинг олдини олиб бўлмайди, ҳатто зарурияти ҳам йўқ. Аммо нарх-навони бу монополиялар учун давлат томонидан ёки маҳаллий ҳокимият томонидан белгилаш зарурияти туғилади.

8.2. Бозорнинг асосий моделлари

Моиополиянинг ўсиши, унинг рақобатга таъсири бозорнинг шаклланишини ўзгартиради. Бу 1-жадвалда ўз аксини топган.

1-жадвал

Бозорнинг асосий моделлари

Белгилари	Рақобат ва монополияга қараб бозор модели			
	соф рақобат	соф монополия	Монополияли рақобат	олигополия
Фирмалар сони	жуда кўп	битта	кўп	бир нечагина
Маҳсулот тури	стандартлашган	ягона, ўхшаши йўқ	табақалашган	стандартлашган ёки табақалашган
Баҳо назорати	йўқ	таъсирли	қисман	чекланган
Кириш шароити	жуда осон	ўраб олин ган	нисбатан енгил	таъсирли тўсиқлар мавжуд
Нархсиз рақобат	йўқ	деярли йўқ	сифат, реклама, савдо тамғалари кабиларга эътибор катта	жуда кенг қўлланилади

Манба. Р. Макконелл, Стенли Л. Брю «Экономикс», Москва, Изд. Республика, 1994, 2-том, 66-бет.

Жадвалда рақобат ва монопол аҳволга қараб, тўрт бозор модели бўлиши кўрсатилган. Соф рақобат модели асосан юқорида қайд қилинган шароитларга мос келади. Бунда баҳо шаклланиши тўла эркин ҳолда юз беради ва сотувчилар, харидорлар жуда кўп бўлади. Буларнинг келишиб олиб иш тутишлари, озчилнкнинг бозорда ҳукмини ўтказиши, бир қисм сотувчиларнинг баҳони ўзгартира олишга имкон берайди. Илгарилари асосан шундай бўлган бўлса ҳам кейинги вақтларда бозор шароитлари ўзгариб, деярли соф рақобат таъкидлаб ўтилгаи даражада

бўлмайди. Бунга эътибор беришнинг сабаби шуки, ҳозирги вақтда ҳам бир неча тармоқлардаги рақобат шу моделга хосдир. Шу билан бирга соф рақобат оддий ҳолатни акс эттириб, бунда «даромад» ва «харажатлар» лардан яхши фойдаланиш мумкин.

Соф монополияни олсак, бунда энг муҳими маҳсулот ишлаб чиқариш бир фирма ихтиёрида бўлади. Унинг ўрнини олувчининг йўқлиги, яъни ҳақиқатан ҳам бозорда танҳо. Монополиянинг барча хусусиятлари шундан келиб чиқади. Бу моделнинг тўрт муҳим томонини кўрсатиш мумкин:

1) сотувчи якка, тармоқнинг тенгдоши йўқ, чунки фирма яккаю-ягона;

2) сотиладиган маҳсулот жуда юқори даражада бўлиб, ундан яхшироғи ёки унинг ўрнини босадигани йўқ (кўпинча баъзи хомашё ва янги маҳсулот таъминотчиларига хос);

3) монополист бозорга ўз ҳукмини ўтказади, баҳони назорат қилади, товарнинг бозорга келишини ўз қўлида ушлаб туради;

4) монополист томонидан рақиблар учун бозорга кириш йўли тўла тўсилади. Бунда унинг ягоналиги иш берса, зарурият туғилса, сунъий тўсиқлар ҳам ишга солинади. Айниқса, бунда патент, лицензиялардан тўла фойдаланиш мумкин.

Ҳозирча шу билан чегараланиб (чунки қуйида яна монополизмга қайтамиз), бундан кейинги модель — моиополлик рақобатни кўриб чиқайлик. Бунда танҳолик ёки оммавийлик шароити ҳукмрон бўлмай, бозорда нисбатан ишлаб чиқарувчилар кўп бўладию, лекин уларнинг товарлари бир хил бўлмай, фарқланади. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқарувчилар ва фирмалар минглаб бўлмай, ўнлаб бўлса етарли. Соф рақобатда стандартли товарлар ёки бир хил товарлар бозорга олиб чиқилса, бунда табақалаштирилган товарлар олиб чиқилади. Табақалаштириш ёки турлилик маҳсулот ва хизматлар сифатига тааллуқли бўлгани туфайли истеъмолчининг буларга муносабати нархнавога боғлиқ бўлмайди. Айтайлик, виноларнинг алоҳида хиллари ёки бир хил турдаги шоколад кабиларни мисол келтириш мумкин. Кийим модаларида бунинг ўрни, албатта, катта. Бунда рақибларга нисбатан бўлган таъсир ва муносабат фақат баҳолар орқали бўлмай, товар ва хизматлар турлилигига катта эътибор бериш йўли билан ҳам амалга ошади ҳамда бу асосий тамойил ҳисобланади. Бу моделдаги бозор, яъни монополли рақобатнинг муҳим хусусиятларидан яна бири шуки, тармоққа кириш ва маълум товар бозорида иштирок этиш осон кўчади. Бундай бозор иштирокчилари жуда йирик ишлаб чиқаришга

эга бўлмай, нисбатан катта бўлмаган фирмалар бўлиб, уларнинг харажатлари учун катта маблағ талаб этилмайди.

Монополли рақобатдаги монополлик мазмунини нима белгилайди, деган савол туғилиши мумкин. Бунга жавобан шуни айтиш мумкинки, товар хиллари турлилиги, сотувга чиқариладиган товарларнинг фарқланиши ва ўзига хос монопол эгаликнинг мавжудлиги бозорда монопол ҳукмронликни юзага келтиради. Товар ишлаб чиқарувчи ягона бўлмай, яна унинг қаторида бошқалар ҳам бўлиши ва тармоққа кириш эркинлиги мавжудлигига қарамай, у ўз табақалашган товари ёки хизматига ўзи баҳо қўйиш имконига эга бўлади. Бундан ташқари бу бозорда майда ва ўрта ишлаб чиқарувчилар билан бирга йириклари ҳам иштирок этади. Шунинг учун ҳам ҳозирги замон ҳарбий мамлакатлар бозори тузилишида монополли рақобат устунлик қилади.

Кейинги модель — олигополия бўлиб, у рақобатда иштирок этувчиларнинг озчиликни ташкил этиши билан фарқланади. Агар бозордаги рақиблар кўпчилик бўлмай, жуда озчиликни ташкил этиб, миқдори ўндан ошмаса, буни олигополия дейилади. Бу тахминан соф монополия ва монополли рақобат ўртасидаги бозор моделидир. Айтайлик, АҚШдаги автомобиль саноатида уч йирик фирма ҳукмронлик қилади; «Дженерал моторз», «Форд» ва «Крайслер». Японияда ҳам бир нечта гигантлар мавжуд. Шуларга ўхшаган гигантларнинг бозордаги ҳукмронлиги олигополия мазмунига эга бўлади.

Олигополлар бир хил ёки табақалаштирилган товарлар ишлаб чиқариши мумкин. Бир хиллилик кўпинча хомашё ва ярим фабрикатлар бозорига хосдир. Айтайлик, руда, нефть, пўлат, цемент, техник спирт кабилар. Табақалаштириш асосан истеъмол буюмларига хосдир. Албатта, озчиликни ташкил этган фирмаларнинг бир-бирлари билан келишувн жуда осон. Улар монопол баҳо, бозорларни бўлиб олиш ва рақобатнинг бошқа томонларига осонликча таъсир этиб, уни чегаралай оладилар. Шундай қилиб, олигополия соф монополияга яқинлаша олади. Тажриба шуни кўрсатадики, олигопол бозордаги рақобат ишлаб чиқариш концентрациясига боғлиқдир: улар кўп бўлса, яъни кўп сонли фирмалар мавжуд бўлса, рақобат таъсири кучлироқ бўлади, агар фирмалар оз сонли бўлса, рақобат заифлашади, монополлик устунлик қилади.

Олигопол бозорининг ривожланган рақобатдан муҳим фарқи шуки, у баҳо ҳаракати билан боғлангандир. Рақобат бозорида баҳолар тўхтовсиз ва тез-тез ўзгариб турса, олигопол бозорда баҳо жуда кам ўзгариб, анча турғунликка эга бўлади.

Баҳоларни, етакчи фирма бўлса, у белгилайди қолганлари унинг кетидан эргашадилар.

Шундай қилиб, рақобат ва монополиялар таъсири остида бозор моделлари турлилиги тўғрисидаги умумий тушунчалар билан танишиб чиқдик. Энди юқорида айтганимиздек, соф монополияга қайтиб, баҳонинг шаклланиши ва умуман, унга хос баъзи муҳим томонларни тўлароқ кўриб чиқайлик. Бунда ҳаракатлар, баҳо ва даромадлар ўзгариш чизиғидан фойдаланамиз. Соф рақобатли бозор шароитида эластик, яъни ўзгарувчан талаб мавжуд бўлиб, талаб чизиғи пировардидаги даромад чизиғига тўғри келади. Моиополистнинг талаб чизиғи тармоқлар талаб чизиғига мос келади. Шунга кўра, у пасайиш хусусиятига эга. Бунда биринчи сотилган юқори баҳодаги товарга нисбатан кейингиларининг баҳоси пасайиб боради. Даромад ҳам шу тарзда бўлади.

Аммо шу нарсани ҳам эътиборга олиш керакки, доимо баҳо ҳисобига даромад олиб бўлмайди. Баҳонинг кўтарилиши ҳамма вақт монополия учун фойдали деб бўлмайди. Унинг учун энг маъқул йўл ишлаб чиқаришни ўстириш ва тараққий эттиришдир.

Якка фирма мавжудлиги ва соф монополия шароитида рақобат йўқ бўлиши қийин. Чунки, бу фирма ресурслар, ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучи бозорида харидор сифатида рақобатга учрайди. Жаҳон бозори ички бозордан фарқланади. Айтайлик, АҚШ йирик автомобиль концернлари Япония, Германия, Франция, Швеция каби мамлакатлар автомобиль фирмалари билан рақобат курашида бўладилар. Буларнинг ҳаммаси монополиянинг соф мазмунини иикор этмайди ва аксмонополия сиёсатини қўллаш талаб этилади. Бу сиёсат XIX асрнинг охиридаёқ бошланган бўлиб, ҳозиргача такомиллашиб келмоқда. Давлатнинг монополияларга қарши биринчи қонуни — антитрест қонун 1890 йилда АҚШда чиқарилган бўлиб, бу «Шерман қонуни» деб аталган. Бу қонун кейинчалик бир неча бор қайта қўриб чиқилди. Бундай қонунлар бозор иқтисодиётидаги кўпчилик мамлакатларга мансубдир. Бизнинг республикамизда рақобатни ривожлантириш ва монополиядан чиқариш қўмитаси бор. Унинг асосий вазифаси монополияга қарши курашишдир.

8.3. Аксмоиополия снёсати

Аксмонополия сиёсати асосан уч йўналишни ишлаб чиқариш таркибини бошқариш, акцияларни сотиб олиш меъёрини белгилаш, баҳоларнинг таклиф ва талаб мувозанати даражаси-

ни таъминлашга қаратилган чораларии ўз ичига олади.

а) Ишлаб чиқариш таркибини бошқаришга оид чоралар корпорациялар учун шу хил маҳсулотларнинг ярмидан ортиғини ишлаб чиқариш мумкинлигидан ва бу жараённи назорат қилишдан иборат.

б) Йирик корпорацнялар иштирокчиларииииг акциялар сотиб олиш ҳажми чегараланади. Бунда акция бир корпорация ихтиёрига ўтиши билан монополлашувга олиб бормаслиги эътиборга олинади. Чунки, кўп миқдорда акция сотиб олиш йўли билан тармоқ устидан назорат миқёсини кенгайтиришга йўл қўйилмайди. Агар бирор бир корпорация бошқалар акциясининг асосий қисмини сотиб олса, қўшилишга ва монополияга олиб келиши мумкин, натижада бу тармоқда рақобат таъсириниг сўниши юз беради.

в) Баҳо соҳасида келишиб олишга йўл қўймасликка қаратилган чоралар акскартель қонунлари, деб аталади. Баҳо тўғрисида шартномалар тузиб, монополия юзага келса, буни картель дейилади. Ўз вақтида бу Германияда жуда авж олиб, ҳатто Германия «Картель мамлакати» деб аталган эди. Албатта, бозорларни тақсимлаб олиб, бир хил баҳолар устида келишиб олиш истеъмолчиларнинг манфаатига салбий таъсир кўрсатади ва зарар келтиради.

Аксмонопол қонунлар рақобат шароитини яратиш ва эркин иқтисодий тараққиётни таъминлашга қаратилади. Лекин гап фақат бундай қонунларнинг бўлишида эмас, балки уларнинг ижросини таъминлаш, назорат қилувчи органларнинг такомиллашувидадир. Шундай амалий назорат остида самарали ишлаб, ҳақиқий бозор рақобати таъминланса, монополиялар ҳукмронлигининг олдини олиш имкони туғилади. Бундай аҳволни бозор иқтисодиёти ривож топган кўпчилик мамлакатларда кўриш мумкин. Бу, айниқса, АҚШ, Япония, Германия, Франция ва бошқа бир қанча мамлакатларга тааллуқлидир.

Монополиялар мавжуд бўлган мамлакатларда монополияларга қарши кураш олиб борилса, бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда бозорнинг шаклланиши, рақобат шароитини яратиш учун ҳаракат қилинади. Бундай мамлакатларда, айниқса, тоталитар тизимларда давлат монополиясини йўқ қилиш асосий мақсад бўлади. Шунга эътибор бериш керакки, рақобат шаклланган мамлакатларда давлатнинг фаол ҳаракати рақобатни такомиллаштиришга қаратилса, бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда рақобатни шакллантиришга қаратилади. Давлатнинг рақобат шароитини яратишдаги фаолияти нодавлат хўжаликларини

кўпайтириш, давлат хўжаликларини эса бозор муносабатлари таъсирига мослаш мазмунида бўлади. Борган сари давлат мулки ҳисобига бошқа хил мулкларни кенгайтириш, корхоналарни акционерлаштириш ва бунга кўпчиликни жалб эта бориш, бозор талабига хос солиқ, божхона, импорт-экспорт тизимларини яратиш, тижорат кредитлари доирасини кенгайтириш, хўжалик фаолиятларини маъмурий таъсирлардан озод этиш, тадбиркорликни таъминлаш каби рақобат учун зарур шароитларни шакллантириб боришда, албатта, давлат фаолияти кучайиши зарур.

Рақобат усулларини қўллаш, аксмонополия сиёсати даражалари бозор ҳолатига боғлиқдир. Масалан, товарга тўйинган бозор ва унинг акси бўлган тўйинмаган бозор бўлиши мумкин. Бозор шаклланаётган Ўзбекистон ва унга ўхшаш республикаларда товар (хизматлар) мўл-кўллиги ҳали таъминланмаган. Бунда эркин товар танлаш имкони йўқ ва харидлик даражаси анча чекланган. Бундай бозорда баҳо рақобати жуда қўл келиши мумкин. Чунки, баҳонинг талаб ўзгарувчанлигига таъсири кучли бўлиб, баҳо пасайган сари харидорлар кўпайиб боради. Баҳони пасайтирмайдиган, шунингдек, баҳонинг ҳаракат хусусиятини ўз вақтида пайқамаган ишлаб чиқарувчи бозордан сиқиб чиқарилиши турган гап.

Товарларга тўйинган бозорда эса товар (хизмат) турлари сероб, танлаб харид қилиш учун имконият жуда кенг бўлиб, эластик талаб ҳукмронлик қилади. Бунда даромади пулдорлар кўплиги, баҳога эътибор кучли бўлмаганлиги умумий бозор ҳолатини белгилайди. Бундай шароитда баҳосиз рақобат устунлик қилади. Лекин барибир қандай бўлмасин соғлом рақобат учун кураш бозор тараққиётининг асоси бўлиб, аксмонополия сиёсати бунга ёрдам бериши керак.

Аксмонополия сиёсатининг таъсири ҳақида хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, самарали иқтисодиёт йирик монополистик иқтисодий тузумга қарши кураш ва монопол ҳаракатларнинг олдини олиш ҳамда рақобат таъсирини кучайтиришни талаб этади. Аксмонополия сиёсатида қонунчилик бюджет ва банкларнинг молиявий ҳаракатлари билан тўлдирилади. Бир томондан, солиқ олдида барча хўжалик иштирокчилари бир хил тенгликка эга бўлса, иккинчи томондан, муқобил ишлаб чиқариш яратилиб, майда ва ўрта корхоналар учун солиқ соҳасида маълум имтиёзлар бўлмоғи зарур.

Бозор муносабатлари таъсири кучайган сари рақобат ҳам ўз мазмунини ўзгартириб боради, яъни такомиллашади. Албат-

та, ҳозирги даврдаги рақобат ҳолати, унинг таъсир этиш мазмуни олдинги бозор рақобатидан тубдан фарқ этади. Собиқ шўро бозор иқтисодиёти шароитида рақобат жуда стихияли, шафқатсиз таъсирда бўлиб, уни ҳақиқатан ҳам «ёввойи рақобат» деб аташар, у номига яраша таъсир мазмунига ҳам эга эди. Ҳозирги даврда давлат таъсири, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси «ёввойи рақобат» билан «маданийлашган рақобатни» юзага келтирган. Лекин «ёввойи рақобат» фақат ўтган давр учун хос, деб бўлмайди. Маданийлашган рақобат аралаш иқтисодиёт шароити учун хос бўлиб, секинлик билан асосий рақобатга айланади.

Қисқача хулосалар

Монополия бозори бошқаришнинг турлича фойда олиш усуллари мавжуд бўлишига қарамай, уларнинг ҳаммаси жамият учун катта иқтисодий зарар келтиришини инсоният ўз тарихида кўриб ўтди.

Рақобат ва монополияга қараб бозор модели шакллана-ди. Аксмоиопол қонунлар рақобат шароитини яратиш ва эркии иқтисодий тараққиётни таъминлашдир.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Иқтисодий рақобатнинг моҳияти нимада?
2. Иқтисодий рақобатнинг бозор иқтисодиётидаги ўрнн, аҳамиятини-чи?
3. Рақобатнинг бозор механизми қандай мазмунни англатади?
4. Монополиянинг моҳияти, унинг бозор тараққиётига, истеъмолчиларга салбий таъсир кўрсатиши сабабларини мисоллар билан кўрсатиб беринг.
5. Аксмонополия сиёсати нимани билдиради, у нимага қарши қаратилган? Унинг усуллари нималардан иборат?
6. Аксмонополия сиёсатининг Ўзбекистонда мавжудлигини ва давлат монополияси таъсири билан боғлаб тушунтириб беринг.
7. Бозор иқтисодиёти тараққиёти ва унга ўтиш давридаги рақобат моиопол ҳолатни тушунтириб беринг.

Асосий адабиётлар

1. Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари. -Т.: Меҳнат, 1997.
2. Ишмуҳамедов А. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётни ривожланиши. -Т.: Ўқитувчи, 1996.

IX боб

МУЛК ШАКЛЛАРИ

9.1. Мулк шаклларининг бозорга таъсири

Ҳар қандай иқтисодий тизимда бўлганидек, бозор иқтисодиётида ҳам мулк муаммоси ҳал қилувчи аҳамият касб этади ва ҳаракатдаги мавжуд мулк шаклларининг бозор талабига, унинг хусусиятларига мос келиши талаб этилади. Юқорида қайд қилганимиздек, эркин иқтисодий тараққиёт, хўжалик хилларининг турлилиги, иқтисодий ташаббускорлик, рақобат ҳолати бозорнинг моҳиятини белгиловчи асослардир. Булар, аввало, мавжуд мулк шаклларига боғлиқ бўлиб, уларнинг ифодасини ташкил этган ҳолда асосан мулк моҳиятидан келиб чиқади.

Иқтисодий тизимлар мулк шаклларининг акси бўлганидек, бозор муносабатлари ҳам ўзларига хос ва мос мулк шаклларини талаб этади.

Тарихда турли мулкчилик ва якка мулкчилик даврлари мавжуд бўлган. Жамият турли хил мулкчилик асосларида ривожланиб келган. XX асрга келиб якка мулкчилик тизими ҳам барпо бўлди. Бозор муносабатлари, бозор иқтисодиётининг мулк шаклларига боғлиқлиги ижтимоий мулкчилик шароитида, айниқса, жуда аёнлашди.

Хўжаликларнинг турлилиги, даражаларининг ҳар хиллиги курашга даъват этади, яъни рақобатга олиб келади. Ижтимоий мулк эса, аксинча, тенглик, бир хиллик хусусиятини яратади. Бундан ташқари у хўжалик юритишда марказлашувга олиб келиб, мустақил ҳаракат қилиш, ташаббус кўрсатиш имкониларини йўқ қиладики, бундай шароит бозор тараққиётини инкор этади. Энг муҳим нарса шуки, ижтимоий мулк бир хиллик бўлса, хусусийлик турлиликдан иборатдир.

Мулк моддий ва бошқа бойликлардан фойдаланиш шароитлари, муносабатлари, эгалик қилиш, ўзлаштириш мазмунини ўз ичига олади. Мулкка эгалик эса кўпроқ бойликка эга бўлиш ва у билан бошқа барча шароитларни қўлга киритишдир. Шунга кўра, у иқтисодиёт асосидир. Иқтисодий фаолиятда мулкнинг ҳал қилувчи аҳамият касб этиши унга эгалик даражасини кучайтириш ва бойликларга нисбатан эркин муносабатда бўлишга эришишда ифодаланади. Маълумки, ишлаб чиқариш шароити, тақсимот ва истеъмол ҳолати, миқдори ва даражаси, албатта, мулк муносабатларига боғлиқ ва у билан белгиланади. Ундан фойдаланиш, унга эгалик қилишда умумийлик ва хусу-

сийлик мавжуддир, бошқача қилиб айтганда, унинг қатнашчилари тенглик, тенгсизлик ва итоаткорлик ҳолатида бўлиши мумкин. Бунда, албатта, мулкий муносабатлар бир хилда бўлмай, балки турли хилда ва турли таъсирда бўлади.

Мулкка эгаликдаги умумийлик амалда тенгликии юзага келтирмайди. Чунки, унинг ҳаракати кимдир томонидан бошқарилиши керак, у вакил, белгиланган шахс ёки ташкилот бўлиши мумкин. Бундай шароитда барчанинг манфаатлари бир хилда эътиборга олиниши мумкин эмас, чунки, кимки мулкка яқин, уни бошқариш ҳуқуқларига эга бўлса, у манфаатдорликдаги бир хилликка тўла риоя эта олмайди ва у ўзи, ўзига яқинларнинг манфаатига кўпроқ эътибор берадики, бу бошқаларнинг манфаати ҳисобига амалга ошади. Шу билан бирга, умумийликда ҳақиқий мулк эгалиги таъминланмайди, асосан эгасизлик устунлик қилади. Шунинг учун ҳам йирик иқтисодчиларнинг, ижтимоий мулкда эгасизлик хусусияти мавжуд, деб таъкидлашида жои бор. Шу боисдан ҳам мулкдаги умумийликнинг самарадорлик даражаси, айрим воқеликдан ташқари, юқори бўла олмайди. Бу эса ижтимоий мулкнинг истиқболини белгилайдики, бунга асосланган тизим узоқ умр кўриши, юқори тараққиётни таъминлаши мумкин эмас. Бундан ташқари мулкдаги умумийлик бозор шароитларини инкор этади.

Мулкдаги хусусийликнинг ижобий томонлари кўп, у ижтимоийликка нисбатан бир қанча устунликларга эга. У, аввало, умумийликнинг тескариси бўлган турлилик, хилма-хиллик, тенгсизлик шароитлари билан боғлиқдир. Бунда эгалик даражаси юқори, жавобгарлик ҳиссиёти кучли бўлади. Энг муҳими, шахсий манфаатдорлик тўла ёки тўлароқ ифодаланади. Мулкдан фойдаланишнинг шахсга бевосита боғлиқлик даражаси юқори бўлади.

Мулк хусусийлиги уни юритишдаги турлилик, хилма-хиллик ва эркинлик шароитларини яратиши туфайли бозор муносабатларига мос келадиган рақобатга асос солади. Бозор муносабати билан мулк муаммоси, мулкнинг ҳаракатдаги шакллари қатори, унинг бозор иқтисодиёти ривожида ўрни, аҳамияти, бозор учун маъқул ва зарур кўринишлари, бозор иқтисоди ривожи мақсадида мулк муносабатларининг тараққиётига ҳам эътибор бериш зарур.

Мулкчиликнинг муайян тури ва шакллари мавжуд. Мулк тури ижтимоий, иқтисодий тузумларга нисбатан белгиланиб, асосан буларга хос мулкий муносабатларни ифодалайди. Бунда мавжуд мулк шакллари, аввало, эксплуатация ёки ноэксплуатация тузумларининг асоси ҳисобланади.

Маълумки, тарихан яшаб ўтилган тузумлар эксплуатация билан боғлиқ бўлиб, уларни қулдорлик, феодал ва капитализм тузум-

лари деб фарқлар эдик. Эксплуатациянинг мазмуни ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун зарур бойликлар маълум синф, гуруҳлар қўлида бўлиб, қолганларнинг улар учунгина меҳнат қилиши билан белгиланади. Меҳнат қилган маҳсулот тақсимотида иштирок этмай, кам даромад олган ва мулк эгалари эса меҳнатсиз ҳам кўп даромад олган. Ўз меҳнати билан даромад олувчи мулкдорлар ҳам бўлгану, лекин улар асосий гуруҳлар қаторига кирмаган.

Жамият тараққиётида, аввал, иқтисодий ривожланиш натижасида аралаш иқтисодиёт юзага келиб, кўпчиликнинг мулк эгаси бўла олиши шароити пайдо бўлади. Юқори даражада ишлаб чиқариш, иқтисодий ўсиш кўпчиликиииг мулкка ҳиссадор бўлиши, моддий ресурслар ишлаб чиқарилган маҳсулотларии ўзлаштиришда қатнашуви мумкин бўлади. Умуман, иқтисодий тараққиётда барчанинг манфаатдорлиги юзага келадики, бу янгича мулкий муносабатлар мазмунига хос мулк турини яратади.

Мулкчилик якка ҳукмронликдан турлилик томои ривожланадики, бу унинг шакллари тараққиётини кўрсатади Мулк тўғрисида юқорида айтиб ўтилгаи фикрлар унинг шаклларида ўз ифодасини топади ва ўз таъсирини мавжуд ҳаракатдаги мулк шакллари туфайли намоён этади.

Яккамулкчилик тўла ижтимоий мулк шаклидан иборат бўлса, мулк шаклларининг турлилиги асосан давлат мулки, шахсий мулк, шунингдек, жамоа, қўшма, кооператив мулклари кабилардан иборатдир. Мулкдан фойдаланишда яна қўшимча шакллар ҳам юзага келади. Булар қаторига ижара, пудрат, шериклик, фермерлик (деҳқончилик) ва чорвачилик кабиларни қўшиш мумкин.

Мулк шакллари мулкни ўзлаштиришдаги кўринишлар, мулкнинг амалий ифодаси бўлиб, унинг мазмунини билдиради.

Айтганимиздек, бозор иқтисодиёти турли мулк шаклларини тақозо этади. Юқорида келтирилган тархда мавжуд мулк шакллари боғлиқлиги кўрсатилган. Асосан давлат, хусусий ва бирлашма мулкларини мулк турлари десак, турлар шаклларга, шакллар эса, ўз навбатида, яна ўз ичида мулк субшаклларига бўлиниб кетади. Мулк шаклларининг турлилиги, янгиларининг пайдо бўлиши бозор иқтисодиёти тараққиёти иатижасидир. Бнрор бир мулк шакли мавжуд экан, демак, у самарали ҳаракатда бўлади.

Мулк турлари нисбатини хўжалик субъектлари тузуми бўйича олсак, Ўзбекистонда бу 2002 йилнинг 1 январьига қадар қуйидагича эди:

1. Давлат корхоналари;
2. Хусусий корхоналар;
3. Бирлашма корхоналар.



2-тарх. Бозор иқтисодиёти шароитида мулк шакллари

9.2. Давлат мулки

Ҳар бир давлат ўз мулкини ташкил этади. Бу асосан хўжалик, аввало, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлади. Кейинги вақтларда бунинг ҳажми сезиларли даражада бўлиб, умумий мулк миқёсида нисбати Франциядa деярли учдан бир қисмга, Англияда 20— 21 фоизга, АҚШда 13—14 фоизга тенгдир. Булар асосан барча тармоқларга оид ва халқ хўжалиги инфратузилмалари соҳасидадир. Лекин капиталистик деб аталаётган давлат мулклари қайси шаклда бўлишига қарамай, асосан хусусий характерда ва бозор қоидалари асосида фаолият кўрсатади. Шунга кўра, улар бозор муносабатларини ривожлантириш, рақобатга шароит яратиш учун хизмат қилади.

Лекин давлат мулкининг бошқа бир тури ҳам мавжуд бўлиб, у ўз ҳажми ва ҳаракат мазмуни нуқтаи назаридан фарқланади. Бу собиқ шўролар мамлакатларида юзага келган давлат мулкидир. Бу хил мулк шакли ижтимоий мулк бўлиб, ўта умумлашган ва марказлашган мулкдир. Собиқ шўро империясида бундай мулк, аввало, ишлаб чиқариш воситалари миллийлаштирилиб, уларни ҳеч қандай тўловсиз давлат ихтиёрига олиш ҳисобига пайдо бўла бошлади. Бунда, биринчи навбатда, ерга

бўлган хусусий мулкка барҳам берилди ва у давлат мулкига айлантирилди.

Майда мулк ва бунга асосланган ишлаб чиқариш вақтинча хусусийлигича сақланди. Ўттан аснинг 30-йилларига келиб, улар ҳам умумлаштирилди ва артель шаклидаги кооперативларга бирлаштирилди. Қишлоқ хўжалигида колхозлар тузилди, шаҳарларда ҳунармандчилик артеллари юзага келди. Номига бу жараён ихтиёрийлик асосида ташкил топдию, амалда мажбурий тарзда кечди. Шу билан мамлакатда хусусий мулк йўқ қилиниб, умуман, хусусий манфаат ҳам инкор этилиб, ижтимоийликка асос солинди.

Бирлашмалар, яъни корхона ва ташкилотлар уюшмаси мулки мавжуд бўлиб, булар асосан давлат мулки асосида бўлганлиги туфайли, буни давлат мулкига боғлаб кўрсатмоқчимиз. Чунки, бу умуман, бирлашма мазмунида бўлиб, хусусий мулк иштирокида ҳам бўлиши мумкинлиги ва хусусийлик муносабатларига мойиллик бўлишига қарамай, давлатчилик устунлик қилади ва асос бўлиб ҳисобланади. Бундай мулк ҳам бошқаларга ўхшаган халқ хўжалигининг барча тармоқ ва соҳаларида юзага келади. Уюшма мулки эса иштирокчилар мулкидан ажратилган қисмнигина ташкил этиб, умумий манфаат учунгина ишлатилади. Бу, айниқса, ўтиш даврига жуда характерли бўлиб, Ўзбекистонда ҳам кўп қўлланилмоқда.

9.3. Хусусий мулк

Энг қадимги ва кенг тарқалган мулк хусусий шаклдаги мулк бўлиб, у асосан айрим шахслар билан боғлиқдир.

Хусусий мулкнинг асосий хусусияти шуки, мулк бир кишининг ихтиёрида бўлади ва мулкка нисбатан тўла мустақил иш тутиш имконияти туғилади. Хусусий мулкнинг чегараси унинг эгасидаги имконият ва қобилиятга боғлиқ. Бозор иқтисодиёти ривожида бу тур алоҳида ўрин эгаллайди. Хусусий мулк бир шаклдаги мулк, лекин ҳар бир хусусий мулк ўзига хос алоҳида мулк бўлганлиги туфайли, улар мустақил мулклар, яъни жуда кўп миқдордаги, минг-минглаб сонли мулклардир. Уларнинг ҳар бири бозорнинг алоҳида иштирокчиси ва рақобат курашининг қатнашчисидир. Бундан хусусий мулк рақобатни кенгайтирувчи, кучайтирувчи мулк шакли эканлиги яна бир бор ойдинлашади.

Шунга кўра, хусусий мулк бозор шароитига жуда тез мослашадиган, харидор талабини тез эътиборга олиб иш тутиш ва фаолият кўрсатиш учун энг қулай шароитга эга бўлган мулк шаклидир. Бундай хусусият бозор иқтисо-диётида хусусий мул-

книнг аҳамиятини кучайтиради ва етакчилик ролинн белгилаб беради. Демак, бозор ривожи учун биринчи навбатда, хусусий мулк кенг қулоч ёзмоғи, иқтисодиётда асосий ўринни эгалламоғи талаб этилади. Зеро, хусусий мулк тараққиётисиз бозор иқтисодиётини тасаввур этиб бўлмайди. Хусусий мулк асосий ўрнини эгалламагунча ва давлат мулки устунлиги йўқ қилинмагунча иқтисодий тараққиётнинг объективлигига нисбатан сунъий устунлик учун шароит мавжуд бўлаверади.

Хусусий мулк турлича: кичик, ўрта, катта ва жуда катта ҳажмларда бўлади ва худди шундай хўжаликларни ифодалайди. Албатта, улар тўхтовсиз равишда катталашиш ва кенгайиш хусусиятига эга. Шунга кўра, хусусий мулк, айрим шахслар мулки бўлишига қарамай, жуда катта ҳажмда миллион, миллиард доллар миқдорида бўлиши мумкинки, у жуда йирик корхоналарни ҳам ўз ичига олади. Хусусий мулк Ўзбекистонда жуда тезлик билан шаклланмоқда. Унинг ҳиссаси хўжалик субъектлари ичида 2003 йил бошида 44,1 фоизни ташкил этди. Бу 1996 йилнинг бошидагига нисбатан 9,4 фоиз кўпдир.

Хусусий мулк икки, яъни индивидуал ва корпоратив шаклда бўлади. Индивидуал мулк шароитида бойлик алоҳидалик асосида ўзлаштирилади. Бунда мулк эгаси мулкидан фойдаланишда ижарага бериш ёки бирор гуруҳга қўшилиб иш тутишда тўла мустақилликка эга бўлади.

Оила мулки ҳам индивидуал хусусий мулкдан ажраб чиқиб, алоҳидалашади.

Корпоратив мулк шаклп ҳиссадорликка асосланади, яъни бунда биргаликда иш кўриш учун гуруҳлар қўшилади. Бунда, албатта, мулкдор бойликни якка ўзлаштириш ҳуқуқига эга бўладию, лекин бу маълум гуруҳларга бирлашув шароитида юз беради. Корпоратив хусусий мулкнинг туб мазмуни индивидуал маблағларни бирлаштириш туфайли пайдо бўлувчи жамиятларнинг корпоратив мулкидан иборатдир. Кориоратив хусусий мулк хўжалик юритиш заруриятидан келиб чиқиб, катта маблағлар ишлатиш ва капиталларни бирлаштириш орқали юзага келади. Шу билан бирга, майда хусусий мулк масъулияти ўрнига корпоратив масъулият пайдо бўлади.

Корпоратив хусусий мулк монополистик мулкни ҳам юзага келтиради. Булар корпоратив мазмундаги йирик хусусий мулк бирлашмаларидан иборат ва улар жуда катта ҳажмдаги бойликдир. Бу бойлик эса, озчилик ихтиёрида бўлади.

Туб хусусий мулкдан кейин миқдорлик жиҳатидан кўп шаклли мулк тури ҳисобланган бирлашма мулки туради. Бирлашма мулкининг корпоративлик мазмуни бўлса ҳам у бир неча

мустақил мулк шаклларидан, яъни акцио-нерлик, жамоа, кооператив, қўшма ташкилотлар мулки кабилардан иборат бўлади. Шу билан бирга корпоратив хусусий мулкдан фарқли ўлароқ, бунда давлат ва чет мамлакатлар мулклари ҳам иштирок этади. Кўп тарқалган бу мулк шакли аввало жамоа мулкидир. Бу майда хусусий мулкчиларнинг бирлашмаси сифатида юзага келиб, бир қанча устунликларга эга. Бундаги муҳим томон асосан сармояларни куиайтириш имконига эга бўлиш, мулкчиларнинг монополлик ҳаракатига бардош бера олиш имконини яратишдир. Бу хил жамоа мулки турли тармоқларда ҳаракатда бўлади, яъни бу мулкчилик ишлаб чиқариш, муомала соҳалари, инфратузилмаларда фаол қатнашиши мумкин.

Жамоа мулки, айниқса, бевосита истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш тармоқларида катта ўрин эгаллайди. Озиқ-овқат, кийим-кечак, таъминлаш, қурилиш кабиларда унинг таъсири жуда катта. Ривожланган мамлакатлар, айниқса, Японияда бевосита истеъмол ва умуман, инсон ҳаёти шароитида бу мулк шаклинииг ўрни катта. У ерда минглаб жамоа корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Бизнинг шароитимизда асосан қишлоқ хўжалигида бу мулк шакли кенг қулоч ёйган. Булар асосан жамоа, гуруҳ мулки асосида ҳаракатдаги хўжаликлардир. Бундан ташқари савдода, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва қайта ишлашда ҳам бу хил мулк кенг тарқалган бўлиб, булар матлубот жамиятлари, харид-савдо бирлашмаларидир.

Жамоа мулки майда мулкчилар фаолиятида аҳамиятлидир. Чунки алоҳида ҳолда майда мулк самара келтириши у ёқда турсин, ҳатто рақобатга бардош бера олмаслиги ва арзигулик иш кўра олмаслиги мумкин, майда мулкдорлар эса, ўзаро бирлашиб, каттароқ ҳажмда тижорат ишларини амалга ошириш имконини туғдиради. Шунинг учун ҳам ҳақиқий демократик асосда юзага келган жамоа мулки ва бу асосдаги хўжалик жуда аҳамиятлидир. Ҳар бир бундай бирлашма маълум даражада эркин ҳаракатни чегаралаши сабабли бир-лашув фақат ихтиёрийликни талаб этади. Шуни эътироф этиш зарурки, жамоа мулкига давлатчиликни сингдириш фақат зарар келтиради: жамоа мулкидан кутилган самара бўлмайди.

Жамоа мулкининг қўлланилишидаги яна бир хусусият шундан иборатки, бойликнинг ўзлаштирилиши учун иш фаолиятида биргаликда қатнашиш талаб этилади. Чунки, жамоа мулки меҳнатсиз ўзлаштиришни инкор этади ва корпоратив хусусий мулкдан фарқланиб, ҳам мулкка, ҳам меҳнатга ҳисса қўшиши зарур ҳисобланади. Бу асосда ташкил этилган хўжаликдаги асосий ишчи

кучи шу мулк эгаларининг ўзидир. Шу билан бирга зарурият талаби билан ёлланма меҳнат жалб этилиши ҳоллари ҳам мавжуд бўлади. Майда мулк бозорда таъсирли кучга эга бўла олмаса, унинг бирлашуви натижасида юзага келадиган жамоа мулки катта ўрин эгаллайди ва бозор иқтисодиётининг муҳим иштирокчисига айланади, унинг ривожида фаол қатнашиш имконини туғдиради.

Кооператив мулки жамоа мулкининг кўп учрайдиган шаклидир. Кооператив хиллари кўп, улар шу хил мулкка асосланган ва кенг тарқалган корхоналардир. Кооперативларга бирлашганларнинг мулки умумий ва даромади асосан сарф этилган меҳнат билан белгиланади. Бу гуруҳ асосидаги бирлашма бўлиб, у ҳиссадорлик мазмунида ташкил топади. Кооперативларда қўшилган мулк билан бир қаторда шахсий қатнашув ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ҳар бир кооператив бозорда мустақил иштирокчи сифатида фаолият кўрсата олади.

Ўзбекистон шароитида маҳалла мулки ҳам ривожланиб, унинг аҳамияти ўсиб бормоқда.

Мулкчилик шаклларининг яна бир аҳамиятлиси қўшма мулкдир. Бу мулк номи кўрсатиб турганидек, мулкларнинг бирбирига қўшилиши туфайли юзага келади. Икки усулда барпо бўлиши мумкин бўлган бу хил мулк мамлакатнинг ички ва ташқи имкониятларига боғлиқдир. Чунки қўшма мулк ички йирик мулкларнинг бир-бирлари билан қўшилиб, иш кўришига асосланади, шу билан бирга мамлакатлараро қўшилиш туфайли ҳам шаклланади. Шунинг учун ҳам бошқа хил мулк шаклларидан фарқли ўлароқ, бу мулк халқаро аҳамият касб этади. Аввало, мамлакат ичида турли мулкларнинг қўшилиши орқали пайдо бўлиб, бунда давлат асосий ролни ўйнайди. Айтайлик, давлат мулкига хусусий ва жамоа мулкларини тортиш туфайли хўжаликлар ташкил этиш ёки айрим хўжалик фаолияти тури бўйича қўшилиб иш кўриш мумкин ва бунда турли мулк сармоялари жалб этилган бўлади. Бундай шароитда фаолият имкониятлари кенгаяди, самарадорлик даражаси ортади. Айниқса, бундай мулк шакли ишлаб чиқаришни кенгайтириш, инвестиция соҳаси, янги тармоклар яратишда жуда аҳамиятлидир.

Маълумки, бозор муносабатларига ўтишда чет сармояларини жалб этиш алоҳида аҳамият касб этади. Мулк нуқтаи назаридан олсак, бу чет капиталини жалб этган ҳолда қўшма мулкни авж олдиришдир. Мамлакатимизда, айниқса, Туркия, Корея Республикаси ва Германия Федератив Республикаси, АҚШ капиталлари иштирокида қўшма мулклар кўпаймоқда. 2002 йилга келиб чет эл инвестицияси билан иш кўраётган корхоналар сони 3061 га етди ва шулардан 985 таси шаклланиш даражаси-

дадир. 2001 йилнинг ўзида бундай қўшма корхоиаларда ишлаб чиқариш 6,7 марта ўсди ва маҳсулот ҳажми 41,6 млрд. сўмликка етди. Қисқа вақт ичида барпо этилган бундай корхоналар миқдорининг шундай даражага етиши катта муваффақиятдир, албатта. Бу жараёи яна ҳам тезлашиши зарур.

Четки капитал асосидаги қўшма корхоналарнинг аҳамияти инвестицияни кучайтириш, миллий иқтисодиётни бозор муносабатлари асосида шакллантиришда ортиб боради. Катта маблағлар талаб этиладиган шароитда қўшма мулк орқали чет эл капиталини жалб этиш заруриятдир. Зеро, юқорида айтганимиздек, республикамиз олдида халқ хўжалиги тизимини тубдан ўзгартириш, янги тармоқлар яратиш, замонавий технологияни ўзлаштириш каби йирик иқтисодий вазифалар турибдики, улар ниҳоятда катта сармояларни талаб этади, қўшма мулк эса бу муаммоии ечишда катта роль ўйнаши турган гап.

Қўшма мулк туфайли жалб этилган чет капитали янги технологияни олиб кирмоқда. Чунончи, Корея Республикаси, Германия Федератив ҳукумати капиталлари асосида юзага келган қўшма корхоналар республикамиз учун янги, замонавий автомобиль саноатини юзага келтириш имконини бермоқда.

Хомашёвийлик йўналишини бартараф этиб, пахтадан кийим-кечак тайёрлашгача бўлган технологик ишлаб чиқаришни яратишда Туркия, Корея Республикаси кабилар билан юзага келаётган қўшма мулк жуда аҳамиятлидир. Бундай жараёнлар кундан-кунга ривожланиб, турли мамлакатлар иштирокида қўшма мулкни кенгайтириш янада авж олмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад қўшма мулкнинг шаклланиш жараёнига четдан йирик капиталларни жалб этиш, унинг миқдори ва ҳажмини кенгайтириш йўли билан янги тармоқлар барпо этиш, замонавий технологияни қўллаш каби ҳажмли сармояларга боғлиқ масалаларни муваффақиятли бажаришни тезлаштиришдир.

Кейинги вақтларда ташкилотлар мулкининг мавқеи ҳам ошмоқца. Чунки, уларнинг хўжалик-тижорат фаолиятлари ўсиши мулкни бадал пули чегарасидан аллақачон чиқариб юборди. Булар турли партиялар, касаба ва ёшлар уюшмалари, турли фондлар кабиларнинг мулкларидир.

Диний ташкилотларнинг ҳам мулклари мавжуд. Бу фақат диний бино ва иншоотлар билан чекланмай, балки хўжалик фаолияти имкон туғдирган жамғармалар, турли маросимлардан тушадиган маблағлар ҳисобига ортиб боради. Улар оддий хўжалик фаолияти билан бирга катта қурилиш ишлари ва бошқа капитал ншларини ҳам амалга оширадилар. Бу мулк фақат диний йўлда қўлланилади ва ишлатилади.

Ҳиссадорлик мулки бу туркумдаги энг салмоқли ва таъсирли мулк шаклидир, кенг тарқалгани ҳам аслида бирлашган мулк бўлиб, акция чиқаришга асосланган дир. Бу акциялар эркин ҳаракатда бўлади, қимматбаҳо қоғозлар қаторида савдода иштирок этади ва сотилади, сотиб олинади. Акцияга эга бўлганлар ҳиссадорлик асосдаги мулкнинг қатнашчилари ҳисобланадилар, корхоналар фаолиятида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўладилар. Акциялари учун корхоналар фаолияти натижасига кўра даромад оладилар. Бу мулкда иштирок этиш ихтиёрийдир. Чунки, истаган вақтда акцияни сотиб олиш ёки сотиш мумкин.

Умуман, бозор иқтисодиётининг ривожланишида бу хил мулкнинг таъсири катта. Чунки, ҳиссадорлик жамиятлари жуда йирик бўлиб, улар жуда катта ҳажмдаги мулкни бирлаштирадилар.

Ҳиссадорлик мулккида давлатларнинг иштироки катта бўлиши мумкин. Айтайлик, бозорга ўтишнинг ҳозирги даврида Ўзбекистонда асосий саноат корхоналари акционерлашганига қарамай, улардаги мулкнинг асосий қисми давлат мулкидан таркиб топган. Саноат, савдо, транспорт ва қурилишда пайдо бўлган йирик ҳиссадорлик корхоналари мулкларида давлатнинг улуши юқори.

Ҳиссадорлик мулки бошқа мамлакатларнинг мулклари иштирокида ҳам юзага келиши мумкин. Жаҳонда халқаро ҳиссадорлик жамиятлари кўп. Масалан, трансмиллий концернлар худди шундай мулкни ташкил этадилар.

Халқ корхоиаси мулки. Бу шаклдаги мулк ҳиссадорлик мулкидан келиб чиқади. Чунки акциялар эгалари корхонада ишлайдилар. Шунинг учун улар айни вақтда корхонанинг мулкдори ҳуқуқига эга бўладилар. Бу корхоналар фаолиятига акцияга эга бўлган ходимлар ҳам қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритадилар. Натижада ҳиссадорлик корхоиа даромадидан шу ҳиссадорлар манфаатдор бўладилар. Масалан, АҚШни халқ капитали мамлакати, дейдилар. Чунки, акцияга эга бўлган ходимлар корхоналарда кўпчиликни ташкил этади. 1994 йилда халқ корхоналарида 11 млн. дан ортиқ киши ишлаган ва акцияларнинг 20 фоиздан 51 фоизигачаси ишловчиларнинг биргаликдаги мулкидан иборат бўлган. У ерда халқ корхоналари деб аталувчи хўжаликлар миқдори ортиб бормоқда. Бундай ҳолатда, албатта, эксплуатация мазмуни ўзгаради ва меҳнатга эркли муносабат асос бўлиб ҳисобланади.

Мулк шаклларининг моҳияти ва мазмуни билан танишиш шуни кўрсатадики, бозор иқтисодиёти учун барча мулк шакллари аҳамиятли бўлиб, ҳар бири ўзига хос устунликка эга. Айтиш мумкинки, ҳар бир мулк шакли бозор иқтисодиёти учун зарур, улар

умумий тараққиёт жараёнида бир-бирини тўлдириб боради. Шунинг учун хам бозор муносабатлари шароитида мулк шаклларининг турли-туманлиги ва ҳар бирининг тараққий этиши талаб этилади. Бу жараён эркин рақобат шароитида амалга ошиши керак.

Қисқача хулосалар

Мулк модий ва бошқа бойликлардан фойдаланиш шароитлари, муносабатлари, эгалик қилиш, ўзлаштириш мазмунини ўз ичига олиб, иқтисодий фаолиятда намоён бўлади.

Ҳар бир давлат ўз мулкини ташкил этади.

Хусусий мулк индивудиал ва кооператив шаклда бўлади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Мулкнинг қандай шакллари мавжуд?
2. Давлат мулки деганда нимани тушунасиз?
3. Хусусий мулк дегандачи?
4. Жамоа мулки нимага асосланади?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. -Т.: Ўзбекистон, 1993.
2. Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари. -Т.: Меҳнат, 1997.

X боб

ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

10.1. Давлат мулки ва хусусийлаштириш

Бозор иқтисодиётининг шаклланиши ва ривожланишида мулк шаклларининг турли-туманлиги ва хусусий мулкнинг асосийлигини таъминлаш давлат мулкини хусусийлаштириш, унинг монопол ҳолатини бартараф этишни муҳим масала қилиб қўяди. Чунки, нобозорча бошқариш усули ўрнига бозорча хўжалик юритишни ўрнатиш, рақобатбоп хўжалик турларини яратиш асосий муаммолардандир. Давлат мулкини хусусийлаштириш умумиқтисодий воқелик бўлиб, бозор иқтисодиёти шаклланиши ва ривожининг зарур шартидир. Хусусийлаштириш иқтисодиётни либераллаштириш, давлат мулкига хусусийлик муносабатларини сингдириш каби эркин, иқтисодий шароитга боғлиқ чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олади.

Хусусийлаштириш давлат иқтисодий монополлигини битириш ва ўрнига бозорга хос бўлган мулк эркинлигини таъминлашга қаратилган. Чунки, бунда давлат мулки ҳукмронлиги ўрнига астасекинлик билан нодавлат, биринчи навбатда, хусусий мулк шаклларини ўрнатиб бориш юз беради. Агар биз хусусий мулк шаклларини яратиш ва бозорга ўтиш шароитларини пайдо этиш учун давлат мулкини хусусийлаштираётган бўлсак, ривож топган мамлакатларда бозор иқтисоди ривожи соҳасида катта тажриба орттириб, бозор тараққиётини такомиллаштириш ва шу соҳада давлат ва бозор тизимлари ўртасидаги мувозанатни замонавийлаштириш амалга оширмоқда. Бу ҳам туб мазмуни билан монополлашувга қарши кураш, рақобатли бозорни кучайтириш билан боғлиқ. Шунинг учун биздаги ва ғарбдаги хусусийлаштиришни бир хил деб бўлмайди. Бизнинг шароитимиздаги бу жараён ўтиш даври вазифасини бажариш ва бозор иқтисодига асос солиш билан боғланган бўлса, ғарбдагиси бозор иқтисодиёти тараққиётини ҳамда навбатдаги давлат ва рақобат бозори ўртасидаги балансни таъминлашдан иборат.

Мулкий муносабатларнинг умумий ва хусусий томонлари мавжуд бўлганидек, хусусийлаштиришнинг ҳам умумий қонуният ва талаблари ҳамда миллий, оммавий хусусиятлари мавжуд. Кейинги йилларда иқтисодиётни нодавлатлаштириш жараёни шароитида иоғоявийлаштириш кучаймоқда. Чунки, фақат хусусийлик ёки давлат иқтисодиёти тарафдорлари бўлганлар камайиб, ўз аҳамиятларини йўқотмоқдалар. Айтайлик, Буюк Британиянинг йирик нефть компанияси бўлган «Бритиш петролиум»ни коисерваторлар эмас, балки лейборист демократлар хусусийлаштиришди. Швецияда ҳам социал-демократлар худди шундай қилишди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Нодавлатлаштириш фақат хусусийлаштиришдан иборат эмас. Бунинг йўл ва усуллари кўп бўлиб, иқтисодий аҳвол, кучлар мувозанати, ҳозирги ҳолат кабиларни ҳисобга олган ҳолда қулай усуллардан фойдаланиш талаб этилади.

Ғарб давлатлари тажрибасига кўра, иқтисодиётнинг нодавлатлаштириш усулларидан тўрт хилини самарали деб танласа бўлади.

Албатта, бу усулларни Ўзбекистон учун тўғри келади, деб бўлмайди. Лекин улардан фойдаланиш мумкин. Шунга кўра, буларни таҳлил этиш фойдадан холи эмас, деб ўйлаймиз ва қуйидагиларни хулоса сифатида келтирамиз:

1. Бозорни либераллаштириш. Бу баҳолар эркинлигига ўтиш билан бирга, рақибларни бозорда кўпайтириш чораларини қўллаш, кичик бизнесни кучайтириш, чет товарларни кўпроқ келтириш шароитларини кенгайтириш кабилар бозорни ўзидан-ўзи хусусийлаштиришсиз нодавлатлаштириб, кенгайтиради ва талабни қондириш даражасини кўтаради.

2. Акционерли давлат — шахсий корхоналар яратиш, уларнинг фаолият соҳасини кенгайтириш. Бунда давлатнинг акцияли капиталдаги ҳиссасини пасайтириб боришга қаратилган солиқ, кредит каби механизмлар мавжуд.

3. Давлат иқтисодиётига хос нобозор муҳитни кетма-кет йўқ қилувчи нодавлатлаштириш усуллари. Булар бюджет ҳисобига корхоналарнинг ишни яхшилаш, давлат буюртмасини қисқартириш, кредит қарзлардан воз кечмаслик, хусусий инвестиция шароитларини давлат корхоиаларига татбиқ этишдан иборатдир. Бу бозор муносабатларига йўл очади.

10.2. Хусусийлаштиришни амалга ошириш

Агар хусусийлаштириш кенг қўлланилса, айрим шахслар, сотиладиган кор-хоналар, банк, янги ҳиссадорлик жамиятлари, чет фирмаларнинг жамоа аъзолари мулкдорлар қаторига қўшилиб борадилар. 2-жадвалда иқтисодиётни нодавлатлаштириш усуллари берилган.

Унда иқтисодиётнинг нодавлатлаштиришга хос усулларини умумлаштирилган ҳолда кўрсатишга ҳаракат қилдик. Буларни алоҳида-алоҳида қўлланилади, деб бўлмайди. Жадал, тараққий этган Ғарб мамлакатларн тажрибаси асосида тузилган. Лекин республика шароитларини ҳисобга олган ҳолда бундан муваффақиятли фойдаланиш, бу шаклланаётган бозор иқтисодиётимиз учун катта фойда келтириши мумкин. Бу тўрт усул бозор усулига ўтган мамлакатларга хос бўлиб, уларда хусусийлаштириш олдиндан ҳал қилинган. Ўзбекистон учун эса ҳозирги асосий вазифа — хусусийлаштиришни тўла амалга ошириш

ва айниқса, хусусий мулкни ўрта корхоналарга ҳам тарқатишдир.

Амалда юқорида келтирилган тўрт усул биргаликда олиб борилади. Лекин иқтисодиётни нодавлатлаштиришда либераллаштириш ва хусусийлаштириш бир-бирини тўлдириб келади. Чунки, уларнинг ўзига хос катта устуворликлари мавжуд. Либераллаштиришни олсак, у бозор эшикларини кенг очиб қўяди. Бунда бозорнинг ички тузилиши ўзгариб боради ва иқтисодиётнинг нодавлатлашувига ёрдам қилади ҳамда монополлашувни заифлаштиради. Хусусийлаштириш эса бирданига бундай ўзгаришларга олиб келмайди. Чунки, фақат мулк шакли ўзгаради, бозорда дарров ўзгаришлар юз бермайди ва ўша товар камчиллиги, монополия мавжудлиги, товар сифатининг пастлиги сақланиб қолаверади.

2-жадвал

Иқтисодиётни нодавлатлаштириш усуллари

№	Усуллар	Усулнинг мазмуни	Усулнинг механизмлари	Ижобий томонлари	Салбий томонлари
1	Бозорни либераллаштириш	Эркин баҳолар киритилиши, рақобатга йўл очиш, бозор қатнашчиларини кўпайтириш	Баҳо, рақобат, хусусийлаштиришсиз нодавлатлашув	Майда корхоналар кўпайиши, бозорда таклифнинг ўсиши, бозор тузилишининг ўзгариши	Баҳонинг кўтарилиб бориши
2	Давлат шахсий акционерли корхоналарни яратиш	Акционер капиталида давлат ҳиссасини камайтириш	Солиқ, кредит	Мулкчилар кўпаяди, эркин иқтисодий фаолият ўсади	Табақалашув кучаяди
3	Давлат иқтисодиётига хос нобозор усулларни кетма-кет йўқ қилиш	Давлат корхоналарида бозор муносабатларини қўллаш	Бюджет, кредит, хусусий инвестициялардан фойдаланиш	Давлат буюртмаларини қисқартириш, корхоналар фаолиятини яхшилаш	Ўтиш билан боғлиқ ишлаб чиқаришнинг вақтинча қисқариши
4	Хусусийлаштириш	Давлат мулкини хусусийлаштириш	Аукцион, акцияларни сотилиш, текинга мулкни тарқатиш	Мулк эгасини топади, унинг самарадорлиги ошади	Таъсири маълум вақт ўтгандан кучга киради, катта ўзгаришларни талаб этади

Хусусийлаштиришнинг ижобий томони шуки, у мулкнинг реал — ҳақиқий эгасини топади. Биламизки, мулк эгасини топмагунча самарадорлик бўлмайди. Демак, бозор механизмлари ишга туша бошлайди, ишлаб чиқариш ўсиб, таклиф кучая боради.

Ривож топган мамлакатларда хусусийлаштирини молия бозорига таъсир этади, натижада сотиладиган акциялар кўпайиши билан таклиф ортади. Бу ҳеч қандай харажатлар билан боғлиқ бўлмайди ва истеъмол буюмларига бўлган талабнинг қисқаришига олиб келади. Фойдали бўлганн учун фуқаролар хурсандлик билан давлат мулкининг сотилишида фаол қатнашадилар. Инфляцияга қарши таъсир кучли бўлади. Даромадларнинг бир қисми акциялар сотиб олишга сарфланганлиги сабабли товар ва хизматлар бозорида талаб пасаяди. Англия, Францияга ўхшаган мамлакатларда хусусийлаштириш жараёнида худди шундай воқелик юз берган.

Россияда аҳвол бошқача бўлиб, хусусийлаштириш чеклари чиқарилди, бу ижтимоий-сиёсий мувозанатга анча ёрдам берди.

Хусусийлаштиришнинг муваффақияти учун бир нечта шартларни бажариш талаб этилади:

• мулкнинг тақдирини белгилашда, имкони бўлса хусусийлаштирилади. бунда ноҳақлик, назоратсизлик юз бермаслиги учун, аввало давлат мулки субъектларининг тўла аниқлиги талаб этилади.

• хусусийлаштириш иқтисодиётнинг бозор потенциалларини тезда ишга солиши учун капиталлар ҳаракатини таъминлаш, уларнинг тармоқлараро ва соҳалараро силжиш йўлларини очиш талаб этилади.

• сотиладиган акцияларнинг олдиндан маълум бўлиши. ривожланган мамлакатларда бу жараён ҳақиқий бозор усулида эркин тарзда бўлмайди. масалан, францияда сотиладиган корхоналар акцияларининг 10 фонзи корхоиа ходимларига паст баҳода, 15 фоизи чет элликларга, 50 фоизи франция фуқароларига ва банк, муассаса, корхоналар, фондларга, қолган 25 фоизи эса йирик молия институтларига сотилади. германияда эса давлат ўзига акцияларнинг 51 ёки 25 фоизини қолдиради.

• хусусийлаштириш охиригача амалга оширилишини таъминлаш учун мулкнинг бири хусусийлаштирилиб, иккинчисини бюрократ аппарат қўлида қолишига йўл қўйилмаслик керак.

Юқоридаги шартлар бажарилса, хусусийлаштириш муваффақиятли ўтади. Масалан, Германияда бу қийинлик билан кўчди. Чунки, маҳаллий ҳокимиятларнинг ҳуқуқлари катта. Англияда «Бритиш Генеком»ни хусусийлаштириш натижасида 2,25 млн. киши шерик мулкдор бўлишди. Бу, корпорациянинг 96 фоизи ходимларига тенг, деган сўз.

Давлат хусусийлаштиришни кенгайтирар экан, демак, у ўз фаолиятини бозор иқтисодиёти талабига мослаштириш, унинг ривожини кучайтириш ва талаб томон тўла ҳаракатда бўлиш, истеъмолчилар учун зарур товарлар билан бозорни тўлдиришни кўзда тутади. Хусусийлаштириш ишлаб чиқариш самарадорлиги ва аҳолининг юқори даражали турмушини таъминлаш учун бўлган ҳаракатдан иборатдир.

Ўзбекистонда рақобат бозорига хос эркин иқтисодиётни шакллантиришда, албатта, хусусийлаштириш муҳим асос бўлиб, у тезлаштирилиши керак. Аммо юқоридаги шартларни эътиборга олиш ва шароитга қараб юқорида кўрсатиб ўтилган усуллардан фойдаланишни эсдан чиқармаслик шарт. Хусусийлаштиришни иқтисодни либераллаштириш билан боғлиқ ҳолда олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Чунки, либераллаштириш бевосита бозорни кенгайтиради, яъни бу жараёига дарҳол таъсир кўрсатиб, тезда самара бера бошлайди.

Республикамизда баҳо либераллиги амалга ошди ва ўз самарасини бермоқда, бож соҳасидаги амалий ишлар чет товарларининг ички бозоримиздаги ўрнини кенгайтирмоқда. Пул-кредит соҳасидаги ишлар, миллий пулнинг мустаҳкамланиши кабилар бозор муносабатларига ўтишни тезлаштирмоқда.

Лекин хусусийлаштириш соҳасида ҳам бир қанча ишлар бажарилиб, бунда давлат катта ташаббускорлик қилмоқда. Пулли, пулсиз ва имтиёзли усуллар кенг қўлланилмоқда. Айтайлик, тураржойларни хусусийлаштириш жуда тез вақт ичида кенг миқёсда ўтказилди. Бунда имтиёзли усул қўлланилиб, уйжойлар арзои баҳода кам пул ҳисобига Ўзбекистон фуқароларининг хусусий мулкига айлантирилди. Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, аввало, майда ва ўрта, сўнгра катта савдо корхоналари ҳам хусусийлаштирилди. Бунда хизматчиларга имтиёзли шароитлар яратиб берилди.

Аукцион йўли билан «ким ошди» савдоси орқали нодавлатлаштириш ҳам қўлланилиб, бу асосан вилоят ва туманлар ҳудудларида ўтказилмоқда. Тез вақт ичида давлат саноат, қурилиш, транспорт корхоиаларини акционерлаштириш туфайли мулкчиларнинг сони анча купайтирилди. Бунда корхона ва ишчи-хизматчиларига устуворрлик ҳуқуқи берилиб, бу корхоналар, аввало, чекланган акционерпшк корхоналарига ай-лантира бошланди.

Ўзбекистонда ҳам хусусийлаштиришда чет эл капитали қатнашиб, мулк сотиб олиши мумкин. Бу мулк турли-туманлиги шароитини яратишда аҳамиятлидир. Хусусийлаштиришнииг тезлик билан олиб борилиши шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда

минг-минглаб хусусий корхоналар пайдо бўлмоқда. Уларнинг сони 2003 йилга келиб мингдан ошиб кетди.

Хусусийлаштириш натижасида давлат монополиясига барҳам берилмоқда, нодавлат мулкнинг барча шакллари ривожланмоқца. Хусусий мулкчи ишлаб чиқарувчиларнинг миқдори борган сари кўпайиб, эркин иқгисодий ҳаракат шароитини яратувчиларга рақобат учун майдон очиш йўлида муайян қадамлар ташланмоқда. Натижада мулк эгасини топиб, ундан фойдаланиш самарадорлигини тўхтовсиз ошириб бориш сари силжиш тезлашмоқда.

Қисқача хулосалар

Мулкий муносабатларининг умумий ва хусусий томонлари мавжуд бўлганидек, хусусийлаштиришнинг ҳам умумий қонуният ва талаблари ҳамда миллий, оммавий хусусиятлари мавжуддир.

Хусусийлаштириш кенг маънода иқтисодиётни нодавлатлаштириш усулидир.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Мулк муносабатлари ва мулкчиликни қандай тушунасиз?
2. Якка мулкчилик ва турли мулкчилик мазмунини тушунтириб беринг.
3. Мулк турлари ва шаклларини қандай тушунасиз? Ҳар бир мулк шаклининг бозор учун аҳамиятини очиб бера оласизми?
4. Нима учун корпоратив мулк ва акциядорлашган мулк бир-бирига ўхшашлигига қарамасдан бошқа-бошқа мулк шакли ҳисобланади?
5. Хусусий мулк ва унинг кўринишлари бозор ривожи учун алоҳида аҳамият касб этишининг сири нимада?
6. Халқ корхонаси мулкининг моҳиятини очиб беринг.
7. Хусусийлаштиришнинг мазмунини тўлароқ тушунтириб беринг.
8. Ўзбекистонда хусусийлаштиришнинг амалга ошуви ҳақида нималарни биласиз?
9. Умуман, Ўзбекистондаги хусусийлаштиришга қандай баҳо берасиз?
10. Ўз вилоят ва туманингизда хусусийлаштириш жараёнини мисоллар билан таҳлил этиб беринг.

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1995.
2. Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари. – Т.: Меҳнат, 1997.

XI боб

ПУЛ

11.1. Пул ва «пул» тушунчаси

Пулнинг келиб чиқиши. Молия, кредит ва банкларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг фаолияти негизида пул ётади. Пул инсон кашфиёти бўлиб, у жуда қадимдан маълум. Пулнинг тақдири айирбошлашга бориб тақалади. Инсоннинг яна бир муҳим кашфиёти бўлган айирбошлаш ва унинг ривожи пулни юзага келтирган.

Пул бирданига ҳозирги шаклига келгани йўқ. Бу узоқ давом этган тараққиёт натижасидир. Айирбошлаш бошида бевосита тарзда амалга ошган, яъни товар бевосита товарга алмашилган. Бу жараён кенгайиши билан воситачилик зарурияти туғилди, унинг оддий шакллари мураккаблашиб, пулнинг ҳозирги ҳолатида пайдо бўлишига олиб келди.

Тарихда пул вазифасини шароитга қараб турли товарлар (масалан, туз, асал, қуритилган балиқ, садаф, мўйна кабилар) бажарган. Кенгроқ тарқалгани чорва бўлган. Лотинларда пул «пессия» деб аталиб, чорва сўзидан олинган. Капитал «капит» сўзидан олиниб, бу ҳам лотинча «чорва боши» деган мазмунни билдиради. Тарихда ҳалқасимон катта-кичик тошлар, буғдой, ун, чой, фил суяги пул ўрнида ишатилганлиги маълум.

Пулнинг пайдо бўлишидаги кейинги давр металл пуллар бўлиб, бунда кумуш ва олтин етакчилик қилган. Айтайлик, Буюк Британия пул бирлиги фунт стерлингнинг маъноси бир фунт кумушни англатади. Россия пул бирлиги рубль кумушнинг бўлаги, бўлинган қисми маъносини билдиради. Доллар ва таллер ҳам «таҳлер», яъни «катта кумуш тангалар» деган маънони беради.

Пулнинг энг кейинги кўриниши қоғоз пуллар бўлиб, бунинг ҳам тарихи катта. Бундан олдин тангалар юзага келади. Бу металл пуллар бўлаги бўлиб, мис, бронза, кумуш, олтин монеталар босилиб чиқарилган. «Монета» сўзи юнонларнинг «монастир» сўзидан келиб чиқиб, бунда тангалар ясалган. Монета тангалар барча мамлакатларга тарқалган. Танга — монетанинг пайдо бўлиши савдода майда пул зарурлигидан келиб чиқади. Танга — оғирлиги белгиланган, қадри муҳрланган металл бўлаги.

Узоқ вақттача, ҳатто, XX асргача, олтин пул вазифасини бажариб, ҳақиқий пул ҳисобланган. Бунда олтиннинг ноёблиги, қадрлилиги ва бошқа кўп қулайликлар яратадиган табиий хусусиятларининг таъсири катта. Лекин пулга айланишининг асо-

сий сабаби товар эканлиги, зарур қийматга эга бўлишидадир. Кўп вақтгача олтиннинг вакили сифатида қоғоз пуллар кучга эга бўлган. Қоғоз пуллар тангалар ўрнига чиқарилган. Биринчи марта қадамги Хитойда X асрда муомалада қўлланилган. Сўнгра бошқа мамлакатларда ҳам аста-секин пайдо бўла бошлаган. Ҳозир барча мамлакатларда қоғоз пуллар асосий пул бўлиб қолди, муомалада олтин пуллари бўлган мамлакатнинг ўзи қолмади.

Пулнинг моҳияти. Ҳар бир мамлакат ўзининг пулига эга. Чунончи, доллар, фунт стерлинг бир неча мамлакатларнинг пули бўлиб хизмат қилади. Лекин уларнинг қадри-қиймати бир хил эмас. АҚШ, Канада, Австралия долларининг қиймати фарқланади. Шунингдек, Ўзбекистон ва Қирғизистон сўмлари ҳам бир хил эмас. Пул бирликлари пайдо бўлганда маълум миқдордаги қадр-қиймат асос қилиб белгиланган. Миллий пулларнинг қадрлилиги, бошқа пулларга нисбатан қиёсий миқдори доимо ўзгариб туради. Чунки, бу иқтисодиётдаги кўп томонлар, ҳатто сиёсий ўзгаришлар, мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар каби таъсирлар натижасидир.

Ўзбекистоннинг ўз миллий пулига эга бўлиши давлат мустақиллиги, унинг мустаҳкам иқтисодиётини яратишда катта ўрин эгаллайди. Миллий пулимиз бўлган сўмнинг қадрини ошириб бориш, унинг иқтисодий таъсирини кучайтиришга эришиш ва бошқа мамлакатлар пулига тенглаштириш даражасини таъминлаш жуда зарур ва муҳим вазифадир.

Сўмнинг, аввало, мамлакатимиз ичида, сўнгра халқаро миқёсдаги тенглашуви, алмашувчанлиги (конвертацияси)ни амалга оширнш талаб қилинади. Бу осонликча, ўз-ўзидан амалга ошмайди. Бунга аввало, айирбошлашни ривожлантириш, товар-пул муомаласини кучайтириш орқали эришиш мумкин. Чунки, пул айирбошлашдан келиб чиқади ва унинг тараққиёти туфайли ривожлана олади. Айирбошлаш эса бозорни товарлар, хизматларга тўйдириш орқали тезлашади. Булар иқтисодиётнинг қудратли бўлиши, ишлаб чиқаришнинг индустрлаштирилган даражадаги ривожи туфайлн амалга ошиши мумкин. 2003 йилниг 15 октябридан алмашувчанлигн эркин таъмнлланди.

Демак, миллий пул қудрати иқтисодий тараққнётнинг ифодаси, унинг натижаси ва ҳосиласидир.

Қоғоз пулларнинг номинали (қадрлилиги)ни ҳақиқий пул ўрннга чиқарадиган ҳукмрои салтанат ёки банкир ўз имзо ва муҳрлари билан тасдиқлайди ва зарур вақтда унинг асосидаги пулни қайтарип мажбуриятини олади. Бора-бора бу вазифа марказий банклар қўлига ўтади. Пул эмиссиясига йўл қўймаслик зарур шарт ҳисобланади. Чунки, эмиссия реал қийматлар-

га эга бўлмаган қўшимча пул белгиларининг чиқарилишини билдиради. Шунинг учун ўз вақтида банкнотларнинг олтинга эркин алмашиниши кафолатланган эди. Ҳозир ундай эмас.

Нима учун бозор иқтисодиётида пулнинг таъсири катта ва барча иштирокчилар имкони борича кўп пулга эга бўлишга, товарлариии тезда пулга айлантиришга уринадилар? Пул ижтимоий меҳнатни ифодалайди, у қиймат тимсоли, яъни пул ўзида қиймат миқдорини ифодалайди. Шунга кўра, пул махсус товар ҳисобланади. Пулга эга бўлинса, миқдорига қараб истал-ган вақтда хоҳлаган товарга ёки товарлашган хизматга эга бўлиш имкони мавжуд.

Пул муомаласи. Пул ўз хусусиятига кўра, аввало, муомала воситасидир, яъни товарларни бир-бирига алмаштириш пул воситасида амалга ошади. Чунки, товар эгаси бўлган сотувчи харидорга товарни сотиб, товарнинг қийматини пул сифатида олади. Шунинг учун талаб билан таклифни бир-бирига пул улайди ва уларнинг узилишига барҳам берувчи бўлиб ҳисобланади.

Товарларнинг силжиши, ҳаракат тезлиги, бир-бирига яқинлашуви пул воситасида амалга ошади, дейиш мумкин. Айирбошлашнинг энг юқори поғонаси бўлган муомала мазмунан пул туфайли юзага келади. Товар-пул му-омаласи эса бозор шароитининг асосидир. Демак, бундан пул ва пул муомаласининг бозор иқтисодиёти ривожидаги ўрнини баҳолаш қийин эмас.

Мамлакат иқтисодиётининг мувозанати, унинг муомаласини таъминлаш учун маълум миқдорда пул талаб қилинади. Буни аниқлашда бир иеча томонларга эътибор бериш зарур. Тўловлар нақд ёки нақд пулсиз бўлиши мумкин. Агар товарнинг ҳақи бевосита пул тўлови орқали амалга ошса, буни нақд пул асосидаги олди-сотди дейилади. Башарти бевосита пул тўловисиз олди-сотди юз берса, бундай олди-сотди пулсиз тўлов дейилади. Асосан банклар орқали пул ўтказиш шу усулга киради. Шунинг учун ҳам зарурий пул миқдорини белгилашда бундай воқелик эътиборга олинади. Чунки, у бевосита пул зарурияти даражасига таъсир этади.

Бундан ташқари зарур пул миқдорини аниқлашда пул ҳаракати тезлиги аҳамиятлидир. Бу пул бирлигининг йил ичида неча марта қўлдан-қўлга ўтиб, товар эгаларининг ўзгаришидаги иштироки даражасига боғлиқдир, яъни пул қанча кўп «ишласа» — товарлар, хизматларнинг олди-сотдисида кўп қатнашса, шунча тез ҳаракат қилганлиги аниқланади. Масалан, бир йилда шартли равишда 100 млн. сўм товар, хизматлар сотилиши 10 млн. сўм пул туфайли амалга ошган бўлса, ҳар бир сўм йилига ўртача 10 марта айланиб, ўз ҳаракат тезлиги даражасини белгилайди (V).

Шунга асосланган ҳолда нормал муомала учун зарур пул миқдорини белгилаш мумкин бўладики, бу айирбошлашни тенглаштиришга ёрдам беради.

Мамлакат муомаласи учун зарур пул миқдорини — M, сотиладиган товар, хизматлар баҳосининг ўртача даражасини — P, йил ичида сотиладиган товар, хизматлар умумий ҳажмини Q, пул ҳаракати тезлигини — V билан белгиласак, унда қуйидаги тенгликка эга бўламиз: Пул миқдори

$$M = PQV$$

Демак, мамлакатда қанча пул кўп бўлса мамлакат шунча бой ва яхши ҳолатда бўлади дейиш, нотўғридир. Чунки, пул ортиқчалиги ҳам, етишмовчилиги ҳам яхши эмас, яъни пул ҳажми ихтиёрий бўлмайди. Айтайлик, ишлаб чиқариш ўзгармай, нархлар кўтарилса, албатта, қўшимча пул миқдори талаб этилади ёки пул ҳаракати тезлашиб, ишлаб чиқариш ҳажми ва баҳолар ўзгармаган ҳолда пул кам миқдорда талаб этилади. Айтиш мумкинки, гап пулнинг умуман, кўп-озлигида эмас, балки у ифода этадиган бойликлар ҳажмидадир.

11.2. Пул ва инфляция

Зарур пул миқдори билан мавжуд миқдор ўртасида фарқ катта бўлса, у иқтисодиётда салбий оқибатларга, чунончи, инфляцияга олиб келади. Чунки, муомалада пул кўп бўлиб, ортиқчалик даражаси кўтарилиб борса, инфляция рўй беради. Бундай ҳолат иқтисодиётни тебрантиради, аҳоли турмуш даражасини пасайтиради. Гиперинфляция, қимматчилик, қашшоқланиш кучаяди ва умуман, иқтисодиёт издан чиқади.

Инфляция мамлакатда баҳонинг умумий даражаси кўтарилиши жараёнидан иборат бўлиб, илгари бунинг сабабини қоғоз пуллардан ахтаришар эди. Лекин пул чиқариш қаттиқ назорат остига олинганда ҳам инфляция ҳолати мавжудлиги аниқланган, яъни гап фақат давлатнинг пул чоп этиши имконияти мавжудлигида эмас экан. Унинг сабаблари кўп ва улар бир неча хил кўринишда бўлади. Иқтисодий ислоҳотлар, ишлаб чиқариш тузилишининг кенг ҳажмдаги ўзгариши, умуман, бир иқтисодий тизимдан иккинчисига ўтиш каби ўзгаришлар, албатта, инфляция билан боғлиқ бўлади. Чунки, бундай ҳолатлар талаб ва таклиф мувозанатининг ўзгариши, пулга бўлган ишончнинг пасайиши, нарх-навонинг тезлик билан ўзгариши, аксар ҳолларда унинг кўтарилиб бориши натижасида юз беради.

Бунинг икки томони таъсирлидир: биринчиси, талаб инфляцияси бўлса, иккинчиси, харажатлар инфляциясидир. Тижорат,

фирмалар, ҳукумат юзага келадиган заруриятлар туфайли ишлаб чиқариладиган товарларга нисбатан кўпроқ пул сарф этади. Бу таклифга нисбатан талабнинг ўсишига олиб келиб, ўз навбатида, баҳоларнинг кўтарилиши билан якунланади. Харажат инфляцияси ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиб бориши воситасидир. Бундаги баҳонинг ўсиши, ресурсларга харажатларнинг ортиб бориши ва бунинг эса товарлар баҳосида ўз аксини топиши инфляцияни кучайтиради. Айтайлик, энергия, хомашё ва материаллар қимматлашуви харажатлар инфляцияси сабабларидир. Бунда иш ҳақининг ўсиб бориши, кўтарилаётган баҳоларни олдиндан кўзлаб, ишчиларнинг иш ҳақини ошириш учун уринишлар ва шунга ўхшаш бошқа ҳаракатлар кучаяди ва бу инфляцияда ўз аксини топади.

Инфляциянинг олдини олишда нормал товар-пул муомаласи жараёнини таъминлаш, унинг учун пулнинг маълум миқдорда бўлиши, унинг на кўп ва на оз бўлишига қарши кураш энг маъқул йўл. Бу талаб ва таклиф мувозанатини таъминлайди. Баҳо кўтарилишининг олдини олишга қаратилган барча чора-тадбирлар инфляцияга қарши қаратилган ҳаракат ҳисобланади.

11.3. Пул — қиймат ўлчови ва жамғарма воситаси

Пулнинг қиймат ўлчови ва жамғариш воситаси эканлиги. Пул муомаласи, унинг шу воситага хос хусусиятлари билан танишиб чиқдик. Пулнинг кўриб чиқишимиз зарур бўлган кейинги воситаси — қиймат ўлчови эканлигидир. Бу пулнинг энг асосий хусусияти бўлиб, товарлар дунёси ва уларнинг ҳаракатини таъминлашда катта ўрин эгаллайди. Пулнинг қиймат ўлчови хусусияти, яъни сотувчи ва харидор учун товарлар қадрини белгиловчи ягона ўлчов бирлиги вазифасини бажара олиши унинг бошқа хусусиятларига, воситаларига йўл очади. Чунки, у қиймат ўлчови бўлганлиги туфайли муомала воситаси бўла олади. Пул пайдо бўлиши билан товарларни бир-бирига таққослаш имкоини туғилади. Бунда инсоннинг яна бир улуғ кашфиёти бўлган товарларни бир-бирига уларнинг нисбий қадрлари туфайли тенглаштириш ва пулдан ягона ўлчов сифатида фойдаланиш учун кенг йўл очиб берилади.

Товарларнинг нисбий қадрлилиги айирбошлаш тенглиги билан аниқланиб, бу тенгликни сотувчи ўзи учун фойдали деб ҳисобласа, харидор ҳам ўзи учун сотиб олиш фойдали деб ҳал қилади. Шундагина олди-сотди юз беради. Айирбошлаш кенгайиб бориши билан товарларни бир-бирига бевосита таққослаб тенглаштириш вазифаси пулга юкланиб, у ягона ўлчов во-

ситаси бўлиб қолади. Бу айирбошшашни тубдан ўзгартириб, унинг ривожланишини тезлаштиради, натижада инсоннинг иқтисодий истиқболига катта йўл очиб беради. Лекин иқтисодиётда ва унинг пул хўжалигида ишлар ёмонлашиб борса, муомала қисқариб, пул қадрсизланиб, ўрнига эскича бевосита товарлар алмашуви — бартернинг кучайиши содир бўлади. Ҳаётимизда бундай мисоллар кўп учрайди, яъни пулни ўлчов бирлиги вазифасидан аста-секин четлаштириб, унинг ўрнини энг зарур, талаби юқори товарлар эгаллаган.

Қиймат ўлчовидан келиб чиқадиган пулнинг кейинги хусусияти жамғариш воситаси эканлигидир. Пул пайдо бўлиши, ўз фаолияти ва таъсирини кенгайтира бориши туфайли даромадни сақлаш, унинг бир қисмини зарур вақтгача жамғариб бориш имкони туғилади. Шу билан бойликнинг бир қисмини пул сифатида жамғариш учун шароит яратилади.

Масалан, бирор-бир қадрли буюм, кўпроқ сармоя талаб этадиган нарса сотиб олиш мақсади пайдо бўлса, албатта, пулнинг бу хусусияти, воситачилиги кўл келади. Даромаднинг бир қисми сарф этилмай сақланиб борилади ва керакли ҳажмда пул жамғарилиши билан катта харид қилиш имкони туғилади. Уй, машина ёки бошқа юқори қимматли шундай товарлар сотиб олиш шулар жумласидандир. Ҳозир эса, айниқса, ривожланган мамлакатларда буларнинг ҳажми кенгайиб бориб, кўпчилик рўзғор буюмлари, яъни мебель, гилам, холодильник, телевизор, магнитофон ва бошқа шунга ўхшаш товарлар қўшилмоқда.

Пулнинг бу соҳадаги катта устуворлиги шуки, уни истаган вақтда ва зарур миқдорда маъқул товарга айлантириш мумкин. Бу жуда қулайдир. қадрли ва қиммат буюмлар ҳам жамғарма сифатида хизмат қила олади. Айниқса, «ўлмас моллар» қадрлидир. Лекин буларни пулга айлантириш ва айни зарур товар сотиб олиш маълум вақтни талаб этади. Пул жамғармаси эса бу ишнинг жуда осон ва тез амалга ошишини таъминлайди.

Пулнинг хусусиятлари туфайли унинг бажарадиган вазифалари, муомаласини уюштириш, пулларни айирбошлаш, сақлаш, сотиш, молия ва кредитни амалга ошириш каби иқтисодий муносабат, алоқалар юзага келади. Булар кейинги мавзу ва мулоҳазаларга йўл очиб беради.

Қисқача хулосалар

Ўзбекистоннинг ўз милий пулига эга бўлиши давлат мустақиллиги, унинг мустаҳкам иқтисодиётини яратишда катта ўрин эгаллайди.

Зарур пул миқдори билан мавжуд пул миқдори ўртасида инфляция юзага келади.

Пул бажарадиган вазифасига қараб, қиймат ўлчови ва жамғарма воситасидир.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Пул нима? Пул тушунчаси нимани англатади?
2. Пул ва инфляция деганда нималарни тушунасиз?
3. Пул қиймат ўлчови ва жамғарма воситаси.
4. Молия бозорида пулнинг хусусияти.

Асосий адабиётлар

1. Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари. — Т.: Меҳнат, 1997.
2. Ўлмасов А., Тўхлиев Н. «Бозор иқтисодиёти" қисқача луғат маълумотнома. Қомуслар Бош таҳририяти. 1991.
3. Ишмуҳамедов А.. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётни рвожланиши. — Т.: Ўқитувчи, 1996.

XII боб

МОЛИЯ ВА БАНК ТИЗИМИ

12.1. Молия ва унинг асослари

Молиянинг моҳияти. Бозор иқтисодиётидаги ҳар қандай фаолият пул талаб қилади, молияни юзага келтиради. Умуман, молия халқ хўжалигидаги пул ресурслари билан боғланган бўлиб, «бундай ресурсларни ҳосил қилиш», «тақсимлаш» ва «ишлатиш жараёнларининг шаклланиши» тушунчаларидаи иборат. Маълумки, ишлаб чиқариш истеъмолдан олдин тақсимотни талаб этади. Аввало қиймат шаклидаги тақсимот амалга ошиб, маҳсулот ана шу қийматлар ҳиссасига қараб тақсимланади.

Қиймат тақсимоти турли пул ресурсларини, фондларини юзага келтиради. Булар товарларга алмашинилиб, истеъмолни шакллантиради. Умумжамият истеъмоли давлат томонидан таъминланади. Бунинг учун, аввало, ресурслар, бир неча хил пул фондлари юзага келтирилади. аҳоли ижтимоий ҳимояси, атроф-муҳитни сақлаш, мудофаа, давлат бошқаруви, иомоддий соҳаларни таъминлаш кабилар шулар жумласидандир. Бунинг учун, аввало, қийматлар тақсимоти туфайли зарур пул ресурслари ташкил этилиб, махсус пул фондлари юзага келади. Шу пул ресурс ва фондларнинг ишлатилиши туфайли эслатиб ўтилган тармоқ ва соҳаларнинг эҳтиёжи қондирилади. Булар давлат томонидан амалга оширилиб, давлат молиясининг шаклланиши ва давлатнинг молиявий фаолиятидан келиб чиқади.

Демак, пул шаклидаги молиявий фондлар ҳосил бўлиб, улар молиявий ресурсни ташкил этади. Молия — маҳсулот қийматининг тақсимланишидир. Қиймат тақсимоти маҳсулотни ишлатишдан олдинги жараён бўлиб, у истеъмолга аталгандир.

Давлат молияси ва нодавлат молия мавжуд бўлиб, биринчиси, асосан умумжамият моҳиятини касб этса, иккинчиси, тадбиркорлар, оила, жамоа молиясидан иборатдир. Молиявий муносабатлар ва алоқаларнинг субъектларига молиявий ресурсларни ташкил этиш, тақсимлаш ва ишлатишда иштирок этувчи корхона, давлат, ташкилот, муассаса, фуқаро кабилар киради. Ҳар бир субъект ўзига қаратилган маҳсулотларга тенг бўлган пул фондларини ташкил этади. Бу фондлар турлича бўлиб, ҳар бири маълум мақсадни кўзлайди. Масалан, давлат молияси давлатни бошқариш, мудофаани таъминлаш, аҳолиин ижтимоий ҳимоялаш, захиралар ташкил этиш кабиларга сарф этилади.

Молия муносабатларининг объекти деганда пул захиралари-

ни тушунамиз. Албатта, булар маълум миқдордаги маҳсулотларни ўзида ифода этиши зарур.

12.2. Молиянинг вазифалари

Молиянинг ўзига хос вазифалари мавжуд бўлиб, булардан асосий тўрт хилини кўрсатиш мумкин: тақсимлаш, рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоялаш, иқтисодий ахборот. Молиянинг вазифалари (функциялари) деганимизда унинг хўжалик фаолиятида мазмунлашувини, аниқ ифодаланишини тушунамиз. Ҳақиқатан ҳам қийматнинг тақсимланиши пул фонди ва ресурсларнинг ишлатилиши туфайли молия маҳсулотларини тақсимлаш, шахслар ва жамоаларни рағбатлантириш, аҳолиининг ижтимоий ҳимояланишини амалга ошириш, иқтисодий ахборот кабиларда ўз аксини топади.

Тақсимлаш вазифаси миллий маҳсулот, миллий даромаднинг пул фондлари шаклланиши асосида тақсимланишидан иборатдир. Бирламчи ва қайта тақсимлаш мавжуд. Бевосита ишлаб чиқаришдаги тақсимлаш бирламчидир, бундан кейинги тақсимланиш қайта тақсимлашдан иборат. Айтайлик, иш ҳақи, фойда, ижтимоий суғурта, амортизация каби фондларга бўлиниш бирламчи тақсимотга, солиқлар, турли тўловлар, маиший хизмат ҳақи кабилар иккиламчи ёки қайта тақсимлашга киради. Ялпи миллий маҳсулотни 100 фоиз деб олсак, шундан 60 фоизи ишлаб чиқаришни тиклаш, 20 фоизи иш ҳақи, 15 фоизи фойда, 5 фоизи ижтимоий суғурта фондлари учун тақсимланиши мумкин.

Иқтисодий рағбатлантириш, аввало, ҳам молиядан, ҳам пулни тақсимлашдан бошланади. Солиқ тизимидаги имтиёзлар, тўловларда ва субсидияларда рағбатлантириш ўз аксини топади. Бож ҳақини камайтириш, мукофот фондлари ташкил этиш ва улардан фойдаланиш иқтисодий фаолликка ундайди. Буларнинг бири экспорт ёки импортни рағбатлантирса, иккинчиси бевосита ишловчи жамоаларни рағбатлантирлади.

Ижтимоий ҳимоялаш ҳам молиядан бошланади ва у орқали амалга оширилади. Чунки, у, аввало, пул орқали, пул фондлари воситасида бажарилади ва пул туфайли амалга оширилади. Маълумки, аҳоли қатламида муҳтож қисмлари кўп. Етим болалар, кариялар, ногиронлар, кам даромадли оилалар шулар жумласидан бўлиб, улар ўз тирикчилигини юритишни минимал даражада таъминлашда ҳам доимо муҳтож бўладилар. Ижтимоий ҳимоялаш эса шуларни молиявий таъминлаш, бошқача айтганда, молиявий кафолатлашни талаб этади. Бу асосан давлат ёрдамида амалга оширилади. Давлат махсус фондлар ташкил этиб, бундай ҳимо-

ялашни амалга ошириб боради. Бунга ёрдамчи сифатида корхоиа, ташкилот, жамоалар ҳам шундай фондлар ташкил қилади ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашда фаол иштирок этади. Ишсизлик нафақалари, болалар учун нафақа, ногиронлар пенсияси кабилар бундаги асосий фондлар ҳисобига киради.

Ижтимоий истеъмол орқали амалга ошадиган фондлар ҳам мавжуд бўлиб, уларга бепул тиббий хизмат, маориф, атроф-муҳитни соғломлаштириш кабиларни киритиш мумкин. Булардаги умумийлик оммавий ижтимоий кафолатлиликдадир. Инфляция вақтидаги компенсациялар ёки зарарларии қисман қоплашга жалб этилган фондлар ҳам шулар жумласига киради.

Молиявий ахборотларнинг иқтисодиётни бошқаришда, иқтисодий фаолиятни баҳолашдаги ўрни катта. Бу молиявий якунлар хусусида ўз вақтида хабарлар бериб туриш орқали амалга оширилади. Айтайлик, молиявнй кўрсаткичлар орқали ишлаб чиқаришни кузатиш, молиявий фондлар ҳолати бўйича халқ хўжалиги соҳаларининг мувозанати, бир-бирларига монандлиги кабиларни аниқлаш имкони туғилади.

Молиявий ахборотда аудиторлик хизмати маълум ўрин эгаллаб, ахборотдан фойдаланишни яхшилайди ва тезлаштиради. Чунки, аудиторлик хизмати корхоналар, компанияларнинг хўжалик-молиявий фаолиятини таҳлил этади, экспертизасини бажаради, холисоиа хулосалар чиқаради ва уларни ўз вақтида етказиб беради. Маълумки, бундай хизмат молиявий бошқарувда аҳамиятлидир.

Молия вазифаларидан унумли фойдаланиш иқтисодий ўсиш учун хизмат қилади. Моддий ва меҳнат ресурсларининг тўғри йўналишда бўлиши ва уларни самарали сарфлаш молия фаолиятига, унинг вазифалари реаллашувига боғлиқ. Кўриб чиққанимиздек, такрор ишлаб чиқариш, иқтисодий ўсиш пул маблағлари билан таъминланишдан бошланади. Шу йўлда молия ўз вазифаларини бажариш билан ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришларии тартибга солади, самарали хўжалик фаолиятини рағбатлантиради. Буларни амалга ошириш молиявий воситалар туфайли юз беради. Булар қаторига ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш харажатлари, амортизация, фойда, акция курси, дивиденд, солиқлар, суғурта ҳақи, банк ҳақи, дотация, субсидия, компенсация кабиларни киритиш мумкин. Молиявий воситалар фондларда шаклланиб, молия ресурсларини ташкил этади.

Ана шу ресурслар орқали молиянинг таъсири ва ҳаракати амалга ошади. Айтайлик, амортизация фонди ва фойданинг бир қисми инвестиция учун хизмат қилади, буларинг кўпайиш захиралари ишлаб чиқариш қувватларини кўпайтириш захира-

лари демакдир. Агар булар етарли бўлмаса, техника, технологияга сарф этиш камаяди ва ишлаб чиқариш ўсиши сусаяди. Ёки дивидендларни олайлик. Булар юқори бўлса, акция чиқарган компаниялар аҳволининг яхшилигидан дарак беради, уларнинг молиявий ҳолати яхши бўлиб, акция курси ошади, қўшимча капитал келиши, умуман, иқтисодий ўсиш тезлашади.

Молиявий ресурсларда асосий ўринни фойда ва миллий бойлик тутади. Булар иқтисодий ўсиш манбаини ташкил этади. Фойда, соф даромад сифатида инвестиция турли захиралар, суғурта ва ижтимоий фондларни уюштириш учун тақсимланади.

Молиявий ресурслар пул шаклида бўлганлиги туфайли улар моддий таъминланиш орқалигина иқтисодий кучга эга бўладилар. Агар уларни маҳсулот билан қоплаш имкони бўлмаса, унинг иқтисодиёт учун, айниқса, ишлаб чиқариш учун ҳеч қандай таъсири бўлмайди.

Молиявий ресурслар икки турга — микроресурслар ва макроресурсларга бўлинади. Микроресурслар марказлашмаган бўлиб, корхона, фирма, компания, ташкилот, жамоа уюшмалари, шахсларнинг пул ресурсларидан иборат. Бунга қарзга олинган пуллар ҳам киради. Макроресурслар асосан давлат ихтиёридаги пул ресурсларидан иборат бўлиб, умумдавлат миқёсида ташкил этилади. Булар, умуман, бюджетда жамғарилади. Шу билан бирга бошқа фондлар ҳам мавжуддир.

Бозор иқтисодиётида, албатта, микроресурслар асосий ўринни эгаллайди. Бозорда эркин иқтисодий фаолият шароитида, албатта, фирма, концерн, корпорация, бирлашма, корхона кабиларнинг молияси асос ҳисобланади. Лекин бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлат молияси етакчи ўринда бўлади.

Иқтисодий фаолиятни молиялаштириш, молия ресурсларининг ташкил топиши асосан уч усулда амалга ошади:

1) ўзини-ўзи молиялаштириш;

2) қарз олиш (кредит);

3) зарурий ҳолатларда давлат ажратган молиядан фойдаланиш.

Биринчи усулда пул маблағлари, ресурслари ҳар бир иқтисодий субъект томонидан ўз ҳисобига шаклланади. Иккинчи усулда қарз олиш ҳисобига молия ресурслари ташкил топади. Учинчи усулда давлат бюджети ёки бошқа умумий фондлар ҳисобига молиялаштириш зарурияти туғилиши билан молия ресурси пайдо бўлади ва шу асосдаги сармоялар ишга солинади.

Бозор иқтисодиёти талаби бўйича сармоя ва маблағларнинг эркин ҳаракати таъминланади. Бу, албатта, молия бозорининг ривожида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Молия бозори

миллий ва халқаро миқёсда бўлиб, бунда пул маблағларининг эркин ҳаракати шакли тушунилади.

Ҳар қандай бозор шаклига ўхшаб, пул бозорининг ҳам объект ва субъектлари мавжуд. Молия бозорининг объектлари асосан қимматбаҳо қоғозлар, пул, қарз пул кабилардир. Акция, облигация, чек, вексель кабилар қимматбаҳо қоғозлар бозориинг объектини ташкил этса, қарз пуллар кредит бозорининг объекти ҳисобланади. Молия бозорида пул эгалари ва уларга муҳтожлар унинг субъектлари саналанади. Буларнинг ўртасидаги бевосита муносабат ва олди-сотди молия бозорининг мазмунини билдиради. Бу жараёнда талаб ва таклиф таъсири ҳамда эркин баҳо асос бўлиб хизмат қилади.

Молия бозори бўш пул маблағларини жамғаради ва маълум мақсадни мўлжаллаган ҳолда уларни молиявий ресурсларга айлантиради. Бу аҳоли қўлидаги ҳаракатсиз ётган пулларни ишга солишда айниқса қўл келади. Ка-питалга айланган пул маблағларининг тармоқлар ўртасидаги ҳаракатини, уларнинг соҳадан соҳага кўчишини таъминлаб, эркин кўчиб юриш, пул ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлашда молия бозориининг таъсири катта. Масалан, компьютер саноати тезлик билан ўсиб борар экан, демак, бунинг учун катта маблағ зарурияти туғилади. Бунинг учун бу соҳага кенг миқёсда пул капитали даркор. Металлургия кенгаймаса, ҳатто, қисқариб борса, бундаги пул капитали эркин ҳолда бошқа тармоққа, мисолимиздаги компьютер саноатига кўчиши керак. Чунки, бу ерда талаб юқори, фойда катта, демак, баҳо ҳам юқори, металлургия ва шунга ўхшаш тармоқларда эса талаб кам, фойда нисбатан паст. Бу молия бозори орқали ҳал қилинади. Пул сармоялари эркин ҳолда, яъни олди-сотди тарзида энг зарур тармоқлар томон ҳаракат қилади, пул ресурслари билан таъминлаш нормаллаштирилиб борилади.

12.3. Молия тизими

«Молия тизими» деганда жамиятдаги молия муносабатлари йиғиндиси, уларни ифодаловчи молия механизмлари, воситалари ҳамда молия сиёсатини тушуниш керак.

Микроиқтисод ва макроиқтисод мавжуд бўлганидек молия тизимида ҳам микромолия ва макромолия мавжуддир. Микромолия бирламчи бўлиб, у корхона, фирма, жамоа, оила молияларини билдиради. Бунинг асосида ички ва ташқи молиявий, пул билан боғланган муносабат алоқалари ётади. Бунда ўзлари пул топиб, ўзлари тақсимлаб, ўзлари ишлатадилар.

Микромолиядаги ички алоқалар шу жумладан, ичидаги пул

тақсимоти ва уни ишлатиш жараёнини ўз ичига олса, ташқи алоқалар пул сармоялари билан алоқадор бошқа корхона, фирмалар, биржалар, банклар ва давлат молия идоралари билан бўлган муносабатларни ўз ичига олади. Микромолияда хўжаликлар ўз молияларини шакллантирадилар ва ташқи молиявий мажбуриятларини бажарадилар. Бундай молия амортизация ажратмаси, иқтисодий фаолиятдан олинган фойда, корхона сотиб олинган бўлса, ўз ишчи ва хизматчиларидан тушадиган пул, шунингдек, фирма сотган акция ва облигациялардан тушумлар, қарзга олинган пул маблағлари, давлат субсидияси кабилардан таркиб топади.

Корхона, фирма молияси, албатта, ўз фаолиятлари натижаси бўлиб, у аввало, фойда даражаси ва миқдорига боғлиқдир. Кўриниб турибдики, бу хўжаликларнинг иқтисодий самарадорлиги асосидир. Чунки, корхонанинг яхши иш натижалари ўз ҳиссасининг ортиб бориши, ўзи ишлаб топган сармоялар ҳисобига пул ресурсларини кўпайтириб, ўз ишини ўзи молиялаштириш даражасида бўлиши мустақил иш олиб бориш, тез ривожланиш имконини туғдиради. Молиявий қарамлик ҳар бир фирма учун доимо қийинчилик туғдиради. Микромолиядаги ташқи мажбуриятларни олсак, булар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, суғурта пулини тўлаш, қарз-кредит ҳажмига қараб қарз қисми ҳамда фоизини тўлаш кабиларни ўз ичига олади. Молиялаштиришда корхонани ривожлантириш ҳамда асосий капитал қисмини янгилаб бориш айланма капиталига қўшилиш билан боғлиқ харажатлар амалга оширилади. Фирмани кучайтириш мақсадида имкони борича бошқа фирма акциялари ва облигацияларини сотиб олиш, ўз ишчи ва хизматчиларини рағбатлантириш, сармояларни кўпайтириш учун ҳаракат қилинади.

Микромолияда акция ва облигацияларнинг таъсири катта бўлиши мумкин. Акция қимматбаҳо қоғоз бўлиб, у корхона капиталида иштироклиликни билдирувчи ҳужжатдир. Акция даромад келтиради. Бу дивиденд дейилади. Облигация эса қарздорликни билдирувчи қимматбаҳо қоғоз бўлиб, бу ҳам фоиз турида даромад келтиради.

Кейинги вақтларда ҳиссадорлик жамиятлари кўпайиб, акцияларнинг корхоналар иқтисодий фаолиятига таъсири ортиб бормоқда. Акциялар оддий ва имтиёзли бўлади. Оддий акцияда дивиденд фойда даражасига қараб турлича бўлади ва акционер овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади. Имтиёзли акцияда эса даромад оддиндан белгиланиб, кафолатланади, лекин акционер овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

Имтиёзли акциялар харидоргир бўлиб, бозорда унинг харидорлари кўп, баҳоси эса олди-сотдида белгиланади. Акцияларнинг

бозор баҳоси уларнинг сотиш курсини юзага келтиради. Бозор курси котировка дейилиб, у фонд биржасида аниқланади. Акция курси иқтисодий, сиёсий ва руҳият омилларига эга.

Макромолия асосан давлат молиясидан иборат. Лекин бунга мавжуд ижтимоий фондлар ҳам киради. Давлат молияси унинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фаолиятини таъминлаш учун хизмат қилади. Бу миллий бойлик ва миллий даромаднинг бир қисми. Лекин давлат молияси унинг ихтиёридаги корхона, ташкилот, муассасаларнинг молиясини ҳам ўз ичига олади, яъни бунда микро ва макро молия бир-бирига чатишиб кетади. Аралаш иқтисодиёт хусусиятига эга бўлган давлат иқтисодиётининг молияси ҳам бозор ва иобозор муносабатларидан иборат бўлади. Шунинг учун ҳам давлат молияси таркиби мураккаб бўлиб, давлат бюджети, уюштирилган фондлар, давлат, кредит ва корхоналар молияси кабиларни ўз ичига олади.

Ўтган давр мобайнида банк тизими иқтисодиётимизнинг устувор тармоқларидан ҳисобланган энергетика, кимё, машинасозлик, металлургия, енгил ва маҳаллий саноатни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшди.

Жумладан, Бухоро ва Фарғона иефтни қайта ишлаш заводлари, Кўкдумалоқ нефть кони, кимё саноатида "Навоийазот" Қизилқум фосфор заводи, Шўртан газ-кимё комбинати, Янгийўл целлюлоза-қоғоз фабрикаси, Асака автомобиль заводи ва унга туташ бўлган бутловчи қисмларни ишлаб чиқарувчи ўндан ортиқ қўшма корхона қайта қурилиб, ишга туширилди.



3-тарх. Молия тизими.

Давлат молияси даромадлари аввало, айтганимиздек, миллий даромад ва миллий бойлик қийматиииг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши жараёнида пайдо бўлади. Аниқ ҳолда давлат ихтиёрига теккан қисми ҳисо-бига шакллаиади. Бунинг ички манбалари солиқлар, заёмлар, эмиссиядан иборатдир.

Солиқлар давлат бюджетининг манбаи бўлиб, хўжалик фаолиятини рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш вазифаларини бажаради. Албатта, солиқнинг объект ва субъектлари бўлиб, унинг иормаси, имтиёзлилиги ҳам мавжуд.

Давлат заёмлари қарз ҳисобига шаклланади. У корхоиа, ташкилотлар ва фуқаролардан қарз олиш ҳисобига бюджет камомадини қоплаш мақсадида қўлланилади. Улар марказий, маҳаллий бўлиб, муҳлати туғагач, давлат томо-нидан сотиб олинади. Эмиссия қўшимча пуллар чиқариш билаи боғлиқ бўлиб, қўшимча даромаддир, яъни ўз харажатларини қоплай олмаганда қўллаш мумкин бўлган восита ҳисобланади. Кредит эмиссияси ҳам бўлади. Башарти солиқ ва заёмлар етарли миқдорда бўлмаса, эмиссиядан фойдаланишади.

Бу манбалардан ташқари давлат молиясига унинг иқтисодий фаолиятидан келадиган тушумлар ҳам киради. Дивиденд, фоиз, ижара ҳақлари, давлат мулкини сотиш кабилардан келган даромадлар шулар жумласидандир. Албатта, бу ва буларга ўхшаш даромадлар давлат харажатларини қоплаш учун ишлатилади.

Давлат молиясининг иккинчи томони умумдавлат харажатларидир. Булар асосан давлат бюджети орқали амалга ошади, яъни давлатнинг инвестиция ажратмалари, мудофаа харажатлари, ижтимоий эҳтиёж учун ажратмалар, давлат бошқаруви кабиларнинг молиявий манбаи асосан унинг бюджетидир. Давлат бюджети асосий харажатларининг тўрт асосий хили мавжуд:

1) ишлаб чиқаришни тараққий эттириш;

2) давлатга қарашли маориф, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот; маданият тармоқларини пул билан таъминлаш;

3) мавжуд давлат идоралари харажатлари;

4) мамлакат мудофаасини таъминлаш.

Давлат бюджетининг даромад қисми, албатта, биринчи навбатда, ана шу тўрт хил харажатларни тўла қоплаши зарур.



4-тарх. Давлат бюджетининг асосий харажатлари тузилмаси.

Бюджет камомади бу харажатларини қоплай олмаслиги билан боғлиқ бўлиб, бюджет тақчиллигини юзага келтиради.

Бундай аҳвол кўпинча қўшимча солиқлар киритиш, эмиссиядан фойдаланиш, заёмлар чиқариш ва чет мамлакатлардан қарз олиш кабиларга олиб келади. Давлат бюджетининг тақчиллик ҳолати салбий ҳолатга ўхшаб кўринади. Амалда ҳамма вақт ҳам буни жуда хавфли деб бўлмайди. Барча мамлакатлар, ҳатто, энг ривожланган мамлакатлар давлат бюджетида ҳам бундай аҳволни учратиш мумкин. Гап тақчиллик даражасида ва унинг хусусиятидадир. Тақчиллик жуда катта ва уни камайтиришнинг иложи бўлмаса, албатта, бу иқтисодий хавф турғдириши мумкин. Шу билан бирга бюджет истеъмол йўналишида бўлса ва унинг камомади шу билан боғлиқ бўлса, бу ҳам хатарли. Агар бюджет тақчиллиги иқтисодий тараққиёт йўналиши билан боғлиқ бўлиб, ишлаб чиқариш инвестицияси юқори даражада бўлса, бунинг қўрқинчли томони йўқ. Чунки, бу халқ хўжалигининг истиқболли тузилишини яратиш, самарадорликни ошириш ва умуман, иқтисодий ўсишни кўзлаган харажатлар бўлиб, бу ўзини тезда оқлаши мумкин.

Бюджетдаги мувозанатни таъминлаш ва ундаги тақчилликни қоплаш асосан иқтисодий ривожланиш, бюджет даромадларини ошириш туфайли амалга оширилади.

Макромолияга бевосита давлат молиясидан ташқари бир қанча фондлар киради. Ижтимоий суғурта, нафақа, аҳолини иш билан таъминлаш, йўл қурилиши, табиатни муҳофаза этиш, тарихий ёдгорликларни сақлаш, тадбиркорларга, ҳарбийларга ёрдам бериш, инновация, корхоналарга ёрдам (санация) каби фондлар шулар жумласидандир.

Бу хилдаги молия фондларининг умумий хусусиятлари бозор ва иобозор муносабатлари мавжудлигидадир. Чунки, бундай молия фондлари ҳаракати, яъни уларнинг шаклланиши, ишлатилиши учун тижорий асосда ёки текин харажатни қоплаш шартсиз амалга ошуви хусусиятлидир. Аралаш иқтисодиётга хослик бу фондларда жуда очиқ ифодаланади.

Булар орасида суғурта фондлари катта ўрин эгаллайди. Маълумки, суғурта молия муносабатларининг бир туридир. Бунинг даромад манбаи суғурталанган аҳоли ва хўжаликларнинг пул манбаидан иборат бўлиб, маҳсулот қиймати тақсимотида бир қисмини суғуртага ажратиш туфайли пул фонди, суғурта фонди пайдо бўлади. Суғурталаш шу фондни ташкил этиш, тақсимлаш ва ишлатиш каби жараёнларни ўз ичига олади.

Суғурталаш туб мазмуни билан зарарни қоплаш мақсадида зарар эҳтимоли асосида юзага келади. Суғурта объекти хилма-хилдир. Шунга кўра, у неккига бўлнниши мумкин: мол-мулк суғуртаси ва ижтимоий суғурта. Мол-мулкка бойлик турларини

суғурталаш кирса, ижтимоий суғуртага ҳаётий, турмуш хотиржамлиги киради. Тадбиркорлик хавф-хатарини суғурталаш ҳам пайдо бўлиб, доираси кенгаймоқда.

Ижтимоий суғуртанинг аҳамияти ортиб бормоқда, унга ажратиладиган пул ресурслари кўпаймоқда. Бунинг уч манбаи мавжуд: давлат, корхона ва ташкилот ҳамда шахсий маблағлар. Булар жамият аъзоларининг меҳнатга яроқсиз, ўзини таъминлай олмайдиган қисмлари учун ишлатилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида тиббий суғурта ҳам кенгаймоқда. Бундан мақсад инсонлар соғлиғини сақлаш бўлиб, пировардида барчага минимал тиббий ёрдам беришни ташкил этиш, суғурталанганларнинг саломатлигини таъминлаш билан боғиқ харажатларни қоплашдан иборат. Бу суғурта фонди ҳам давлат, корхона, фирмаларнинг мажбуран ажратадиган ва фуқароларнинг ўз хоҳишлари билан ажратадиган пул маблағларидан таркиб топади.

Тадбиркорлик суғуртаси тадбиркорнинг фаолиятини кафолатлашда аҳамиятлидир. Бунда фойдани кам олиш ёки олмаслик хавфи, пул тушумининг ўз вақтида бўлмаслиги, савдо-сотиқдаги нохуш ҳодисалар кабилар суғурталанади. Бу суғурта тадбиркорнинг ишонч билан иш бошлашига ёрдам қилади, уни синиш ҳолатидан асрайди, фаолиятига далда бўлади.

Суғурталар ҳам олди-сотди объекти бўлиб, ўз бозорларини ташкил этади. Суғурта ресурсларидан капитал сифатида кенг фойдаланилади, у айниқса, ишлаб чиқаришга кенг жалб этишда қўл келади.

Нотижорат ташкилот, муассасалар, яъни касаба уюшмалари, кўнгилли жамиятлар, партиялар, ёшлар, хотин-қизлар ва фахрийлар иттифоқлари, ижодий уюшмалар, илмий-маърифий ташкилотлар кабиларнинг ҳам молияси мавжуд бўлиб, улар ҳам турли манбалардан йиғилади. Вақтинча ортиқча бўлган улардаги пул маблағлари тижорат ишларида қўлланилиши ва молия бозорида иштирок этиши мумкин.

Хайрия мақсадида ҳомийлик туфайли йиғилган пуллар ҳам ўз молиясини ташкил этиб, юқорида айтганимиздек, турли жараёнларда иштирок этадилар. Бунда махсус ва хайрия фондлари катта ўрин тутади. Хайрия фондлари кўнгилли бўлиб, миқдори чегараланмайди ва фақат савоб ишлар учун хайрия сифатида ишлатилади. Ислом мамлакатларида вақф фонди ташкил этилган. Бунга ер, иморат, антиквар, қадрли китоблар, пул ва бошқа бойликлар киради. Ўзбекистонда шунга ўхшаш маҳалла, наврўз каби фондлар мавжуд.

Бозор ва аралаш иқтисодиёт шароитида, эркин ва демократлашган ижтимоий-иқтисодий шароитда молиянинг турлари,

айниқса, макромолия турлари, хиллари жуда кўп. Улар пул хусусиятларидан кенг фойдаланиш имко-иини беради ва иқтисодий ўсиш ҳамда инсон турмуши даражасини кўтаришда барча имкониятларни ишга солишга кўмаклашади.

Қисқача хулосалар

Моддий ва меҳнат ресурсларининг тўғри йўналишда бўлиши ва уларнинг самарали сарфланиши молия фаолиятига, унинг вазифаларига боғлиқ ҳолда амалга оширилмоғи лозим.

Молиянинг вазифалари унинг хўжалик фаолиятида мазмунлашувидир.

Жамиятдаги молия муносабатлари йиғиндиси молия тизимини ифодалайди.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Молия ва унинг асосларини қандай тушунасиз?
2. Молиянинг қандай вазифалари бор?
3. Молия тизими нима?
4. Бозор иқтисодиётида молия бозорининг ўрни қандай?
5. Молиянинг қандай қисмлари мавжуд?

Асосий адабиётлар

1. Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари. -Т.: Меҳнат, 1997.
2. Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. – Т.: Ўзбекистон, 1999.

XIII боб

КРЕДИТ ВА БАНКЛАР ФАОЛИЯТИ

13.1. «Кредит» тушунчаси

Пул ҳаракати ва пул маблағлари билан боғлиқ бўлган бозор иқтисодиётидаги муҳим воқеликлардан яна бири кредитдир. Молия ва кредитнинг умумийлиги шундаки, иккови ҳам пул маблағлари билан боғлиқ иқтисодий муносабатлардан иборат. Лекин улар ўртасида муҳим фарқ ҳам мавжуд. Молия хўжалик эгаларининг пуллари билан бўлган муносабатларни ўз ичига олса, кредит қарз пуллар ҳаракати ва уларга боғлиқ муносабатларни билдиради. Молияда пулни ишлатиш эркин ва харажатсиз амалга ошса, кредитда ҳақ тўлаш туфайли ва муҳлати келганда қайтариб бериш шарти билан ишлатиш ҳуқуқига эга бўлинади.

Кредит пулларнинг ҳаракати, айланишда бўлиши бўш, вақтинча ишлатилмай эркин ҳолдаги пуллар мавжудлигидан келиб чиқади. Пул эгалари ихтиёрида вақтинча бўш турган пуллар фоиз билан қайтариш шарти асосида маълум вақт ичида ишлатиш учун олинади. Кўриниб турибдики, кредит қарз берувчи – пул эгаси билан қарз олувчи – тадбиркор ёки истеъмолчи ўртасида бўладиган алоқадан келиб чиқади. Кредитнинг умумий субъектлари қарз берувчи – пулдор ва қарздор – тадбиркордир. Бу ерда шуни илова қилиш ўринлики, кредитдан шахсий истеъмол ёки капитал сифатида фойдаланилиши мумкин. Биз асосан иккинчиси, яъни капитал устида сўз юритамиз.

Шундай қилиб, ҳар қандай пул кредит объекти бўлавермайди, фақат ҳозирча ишлатилмаётган ва вақтинча эгаси қўлида бўш турган пул, қарзга берилиши мумкин бўлган пул кредит объекти ҳисобланади. Бундай пул эгалари аҳоли, корхона ва фирмалар, шунингдек, давлат бўлиши мумкин, айни вақтда қарз олувчилар ҳам худди шулардир.

Кредитнинг ўзи такрор ишлаб чиқариш жараёнидан келиб чиқадики, айни вақтда пулга муҳтожлар ҳам ва шунингдек, пули вақтинча бўш бўлган пул эгалари ҳам кўп бўлади. Масалан, ишлаб чиқариш, товарлар сотилиши вақтида пуллар бўш бўлса, товарлар сотиб олиш, яъни хомашё, материаллар, энергия сотиб олишда, иш ҳақи тўлаш вақтида пуллар кўп керак бўлади. Иқтисодий айланма жараёнида бир вақтда бўш пулни ишлатишни истовчи ва пулга муҳтож ва уни ахтарувчилар мавжуддир. Бундай муаммолар кредит орқали ҳал қилинади. Айтайлик, амортизация ажратмалари, инвестицияга аталган пуллар, хомашё ва

материаллар пулининг йиғилиб бориши, иш ҳақининг маълум вақтдагина тўланиши туфайли йиғилиб бориши кабилар бевосита ишлаб чиқариш жараёнлари билан боғлиқдир. Булардан ташқари аҳолини ижтимоий ҳимоялашга ажратиладиган пуллар ҳам маълум вақт ичида жамғарилиб, сўнгра ишлатилади. аҳоли истеъмолида ҳам шундай ҳолатлар бўлади ва маълум қисм даромад жамғарилиб борилади. Давлат молиясида ҳам пул йиғилиши ва вақти-соати келганда сарф этилиши табиийдир. Булар қарз бериш учун, яъни кредит учун манбалар ҳисобланадики, улар айни вақтда қарз фондларини шакллантириб боради.

Демак, иқтисодий ҳаётнинг ўзи, пул ресурсларининг ҳаракати, пулларнинг ишлатилишидаги даврийлик кабилар кредитга асос солиб, уни бўш пуллар билан таъминлаб туради. Албатта, бу кредитнинг бир томони, яъни кредит бозоридаги таклифнинг шаклланиш жараёнидир. Маълумки, шу билан бирга талаб зарур. Пул мавжуд экан, у доимо айланиб, ҳаракатда бўлар экан, демак, унга доимо муҳтожлик мавжуд бўлади. У пулга бўлган талабни юзага келтиради.

Кредитнинг вазифалари. Кредит хилма-хил вазифаларни турли шаклларда бажаради. Улар қуйидагилардан иборат.

1) қимматбаҳо қоғозлар чиқариш;

2) бўш пулларни капиталга айлантириш;

3) қарз усули билан пул маблағларини тармоқлараро тақсимлаш;

4) пул қарзи усули билан иқтисодий ўсишни рағбатлантириш.

Қимматбаҳо қоғозлар кредит орқали муомалага, хўжалик ҳаракатига киритилади. Вексель, чек, сертификат шулар жумласидандир. Тадбиркорларни қўллаб, уларнинг пулга бўлган эҳтиёжлари қондирилиши туфайли ҳаракатдаги капитал миқдори кўпайтирилади, иқтисодий тараққиёт таъминланади ва тезлаштирилади. Кредит орқали тармоқлар ўртасида ишлаб чиқариш ресурсларининг кўчиши юз бериб, зарурий тараққиёт мувозанатининг таъминланиши учун воситачилик қилинади. Умуман, кредит бўш пулларни керакли жойларда ишлатиш имконини туғдириб, умумий иқтисодий ўсишни тезлаштиришга ёрдам қилади.

Кўриниб турибдики, кредит ўз вазифаларининг амалга ошуви туфайли иқтисодий ҳаракат ва тараққиётдаги аҳамиятини оширади. Қарз юзаки қараганда, худди иккинчи даражали нарсага ўхшаб кўринади. Лекин бажарадиган вазифалари, бозор иқтисодиётида ўрни жуда катта эканлиги туфайли усиз бозор иқтисодиётини тасаввур этиб бўлмаслигини кўрамиз. Демак, бозор иқтисодиёти ривожини таъминлаш мақсадида кредит тизимини авж олдириш ҳар бир мамлакат учун ўта зарур вазифалардандир.

Кредит бозори мавжуд экан, демак, унда баҳо бор ва шу орқали қарз жараёни юзага келиши мумкин. Баҳо қарз ҳақидан иборат бўлиб, кредитда қарз фоизи дейилади. Чунки, у қарз миқдорига нисбатан фоиз ҳисоби билан белгиланади. Амалда фоиз кредитнинг баҳосидир. Агар қарзга талаб ортса, фоиз кўтарилади, камайса, пасаяди. Бундаги таклиф ҳаракати ҳам шундай хусусиятга эга, лекин ҳаракат йўналиши аксинча бўлади.

Фоиз даражаси талаб ва таклиф мувозанати билаи бирга яна бир қанча омилларга боғлиқдир. Булар орасида қарз муҳлати, қарз бериш шартлари, инфляция даражаси, қарзнинг қандай пул билан берилиши, пулни қарз беришдан бошқа йўлда ишлатишдан келадиган фойда даражаси, қарз бериш хатарлилиги кабиларни қайд қилиш мумкин.

13.2. Банклар

Кредит, пул қарз бериш икки усулда юз бериши мумкин: биринчиси, бевосита бўлиб, бу қарз берувчи ва қарз олувчи, ўзаро алоқада бўлиши ва бевосита пул қарз олиш йўли ёки насияга мол сотиш йўли билан амалга ошади. Чунки, насияга сотиш мазмунан қарзга беришнинг ўзи. Насияга сотиш ҳам маълум муҳлат ва ҳақ тўлаш асосида юз беради, яъни товар баҳосига устама қўйилиб, товар насияга сотилади. Ривожланган мамлакатларда товар ва товарлашган хизматларга тўйинган бозор шароитида автомобиль, тураржой, яхта, видео ва бошқа аппаратуралар кабилар кенг миқёсда кредитга сотилади, яъни бўлажак даромад ҳисобига сотилиб, товар ҳақи бўлиб-бўлиб фоиз билан тўланади.

Ўтмишдаги судхўрлик, ҳозирги даврдаги инновацияда молиядаги венчур капиталининг айрим қисмлари ҳам бевосита кредитнинг кўринишларидир.

Иккинчи усул билвосита бўлиб, қарз бериш воситачилик йўли билан, яъни учинчи субъект ёрдамида амалга оширилади. Бунда алоҳида кредит ташкилот ва корхоналари юзага келиб, баиклар пайдо бўлади. Банклар ҳақиқатдан ҳам кредит вазифаларини ўзида мужассамлаштиргаи муассасадир.

Банклар кредитдаги икки томонни бир-бирига боғлайди, улар ўртасидаги зарур алоқаларни ўзи бажаради. Бўш пул эгалари ва пулга муҳтожлар банк орқали ўз муаммоларини ҳал қиладилар. Амалда банк фаолияти туфайли бундаги субъектлар банкка пул қўювчи ва қарз олувчиларга айланадилар. Банк пул қўювчиларга фоиз тўласа, пул олувчилардан фоиз олади. Бу фоизлар ўртасидаги фарқ банк даромадини шакллантиради.

Бундан ташқари банклар хазина сақловчи ва қимматбаҳо

қоғозлар чиқарувчи бош бўғиндир. Давлат эмиссияси ҳам банк орқали амалга ошади. Шу билан бирга банклар гаровга бойлик қўйиш, капитал ва истеъмолчи кредитлари каби вазифаларни ҳам бажаради. Умуман, банкларнинг кредит, молиялаштириш соҳасидаги фаолияти жуда кенг бўлиб, бозор иқтисодиётининг шаклланиши ва ривожланиши кўп жиҳатдан улар фаолиятининг кенг кўламлиги ҳамда банклар тизимининг ривожига боғлиқ.

13.3. Банкларнинг турлари

Давлат, хусусий ва жамоа банклари мавжуд. Бунинг асосида мулк шакллари, пул сармоялари манбалари ётади. Давлат банклари хазина сақлаш, пул чиқариш, пул муомаласинн таъминлаш, молияни тартибга солиш каби вазифаларни бажаради. Давлат банклари марказий деб аталиб, бир тизимни ташкил этади. Масалан, АҚШда давлат банк тизими 13 минг банкни ўз ичига олиб, шундан 1/3 қисми миллий ва қолгани штатлар ихтиёридадир. Барча миллий ва штатлардаги энг йирик банклар федерал резерв тизимини ташкил этади. Қолганн бу тизимдан четда бўлиб, фақат 15 фоизи депозитга эгадир. АҚШ нинг «марказий банки» 12 округ федерал резерв банкидан иборат бўлиб, федерал захира кенгашига бирлашади. Федерал захира тизими ҳукуматга эмас, балки АҚШ конгрессига итоат этади.

Банклар фаолияти ҳукумат эътиборида бўлади, чунки уларнинг бозор иқтисодиётида тутган ўрни жуда катта. Шунинг учун ҳам пулнинг вужудга келиш жараёни, банк кредитлари, банкларнинг пайдо бўлиши ва фаолиятлари бозор тизими шароитида ҳукуматнинг эътиборида бўлиши шарт.

Жамоа банклари бирлашмалар, йирик ташкилотлар, кооператив иттифоқлари томонидан ўз фаолиятларини молиялаштириш учун ташкил этилади.

Хусусий банклар миқдорий жиҳатдан асосий бўлиб, улар жуда кўпчиликни ташкил этади ва бозор иқтисодиётида молиявий, кредит вазифаларини бажариб, товар-пул муомаласи ривожига катта таъсир кўрсатади.

Фаолият хусусиятларига кўра, банкларнинг хили кўп. Буларнинг асосий қисми тижорат банкларидир. Улар бир неча тур банклардан иборат бўлади. Масалан, "Ташқи иқтисодий фаолият банки", "Миллий банк", "Халқ банки", "Пахта банки", "Асака банк" "Ралла банки", "Саноат-қурилиш банки" кабилар. Уларнинг ҳудудий бўлимлари ҳам кўп. Банклар орасида миллий банк ташқи иқтисодий алоқалар учун хизмат қилса, қолганлари асосан ички бозор, мамлакатнинг товар-пул муома-

ласи учун хизмат қилади. Янги ташкил этилган Халқ банки фуқаролар билан алоқада бўлиб, омонатчилар билан иш олиб боради, аҳолига пул қарз бериш ишларини бажаради. Бу жуда тарқоқ ҳолдаги пул массасини йиғиб, ишга солади ва бундан кенг аҳоли-омонатчиларни манфаатдор қилиб, бўш ётган пулнинг ишлатилишидан келган даромаднинг бир қисмини фоиз ҳисобида тўлайди.

Ҳозир республикада фаолият кўрсатаётган тижорат банкларининг сони 38 та бўлиб, уларнинг активлари 1518,4 млрд. сўмга кўпайди ва 2002 йил 1 январь ҳолатига 3198,8 млрд. сўмни ташкил этди.

Тижорат банклари томонидан Ўзбекистоннинг реал секторини кредитлаш ва инвестиция шаклида молиялаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар республикамиз иқтисодиётининг янада юксалишга замин яратмоқда. Хусусан, тижорат банкларнинг иқтисодиёт тури соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилган кредит қўйилмалари 2001 йил мобайнида 928,8 млрд. сўмга кўпайиб, 2002 йил 1 январь ҳолатига 1920,1 млрд. сўмни ташкил этди.

Банклар фаолиятидаги энг муҳим томонлардан бири шуки, улар ўз мижозлари ўртасидаги пул муаммолари, ўзаро тўловлар ва бошқа шунга ўхшаш хизматларни ҳам бажаради. Маълумки, иқтисодий алоқаларни амалга оширишда тўловлар асосий ўрин эгаллаб, товарлар ҳаракати, уларнинг бир эгаликдан иккинчисига ўтишида, яъни такрор ишлаб чиқариш жараёни ишлаб чиқариш ва товар-пул муомаласининг тўхтовсиз ҳаракатини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Чунки, тўловлардаги узилиш маҳсулотлар силжишининг тўхтаб қолишига, иқтисодий алоқаларнинг бузилишига олиб келади. Қулай тўлов усулларини қўллаш, мижозлар ўртасидаги ишончни кучайтириш кўп жиҳатдан банклар иш фаолиятига боғлиқ.

Қисқача хулосалар

Бўш, вақтинча ишлатилмаётган эркин ҳолдаги пул ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ўсишни таъминламоғи лозим.

Банклар кредитдаги икки томонни бир-бирига боғлайди.

Фаолият хусусиятларига кўра, давлат ҳамда тижорат банклари мавжуд.

Назорат ва муҳкама учун саволлар

1. Пулнинг келиб чиқиши, тараққиёт шаклларини мисоллар билан тушунтиринг.

2. Пулнинг моҳияти, бозор иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамиятини қандай тушунасиз?

3. Пулнинг вазифаларига нималар киради?

4. Пул муомиласини қандай тушунасиз?

5. Молия, молиялаштиришнинг моҳияти, буларнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги аҳамияти каби масалаларни қандай тушунасиз?

6. Молия ресурсларининг моҳияти, манбалари, ишлатилиши кабиларни амалий мисоллар билан тушунтира оласизми?

7. Молиянинг қандай вазифаларини биласиз?

8. Макромолия ва микромолияни ҳақида сўзлаб беринг. Давлат молияси нима?

9. Банклар ҳақида ва уларнинг фаолиятига оид тушунчаларни айтиб беринг.

10. Банкларнинг қандай хилларини биласиз? Улар қандай хусусиятларга эга?

Асосий адабиётлар

1. Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. – Т.: Ўзбекистон, 1999.

2. Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари. -Т.: Меҳнат, 1997.

XIV боб

БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК

14.1. «Бизнес» ва тадбиркорлик тушунчалари

Тадбиркорлик бозор иқтисодиётига хос бўлган махсус иқтисодий фаолият бўлиб, бизнес номини олган. Бизнес билан шуғулланувчи кишилар «бизнесмен» дейилади. Кенг маънода бирорта иш билан шуғулланиб, пул топишдан иборат фаолият «бизнес» деб аталади.

Тадбиркорлик бизнеснинг асосий унсуридир. Аммо бизнесда тадбиркорликка алоқаси йўқ ишлар ҳам бор, масалан, ўз мулкини ижарага бериш, пулини банкка қўйиш ёки яширин йўл билан судхўрлик қилиш. Бу ишлар пул топиш йўли, лекин тадбиркорлик эмас

«Тадбиркорлик» деганда моддий ва пул маблағларини фойда топиш йўлида сарфлаб, бозорга керакли товарлар ва хизматларни етказиб, кишиларга наф келтирувчи, уларнинг ҳожатини чиқарувчи иқтисодий фаолият тушунилади.

Тадбиркорлик — ўз мулкини ишлатиб ёки ўзга мулкидан амалда фойдаланиб, товарлар яратиш ёки хизматлар кўрсатиш. Ундан кутилган мақсад эса пул топиш. Бу ишни аҳолининг махсус тоифаси — тадбиркорлар олиб борадилар. Тадбиркорлик махсус тайёргарлик ва истеъдод талаб этади. Тадбиркорлар синфи бор, улар фойдани кўзлаб ишлайди, ўзига тўқ ва фаровон яшовчи гуруҳни ташкил этади.

Тадбиркорлик — мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида тавакқал ва мулкий жавобгарлиги асосида, амалдаги қонунлар доирасида ташаббус билан иқтисодий фаолият кўрсатишидир.[4]

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида бўлган Ўзбекистонда тадбиркорлар ишчи, хизматчи ва деҳқонлар ҳисобидан вужудга кела бошлади. Бу ерда тадбиркорлар кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчилардан, фермерлардан, томорқа хўжалиги соҳибларидан, ҳиссадорлик жамияти аъзоларидан, якка тартибда ишловчилардан иборат. Тадбиркорлик бозор иқтисодиётининг асосий таянчи, чунки у бозорга товарлар ва хизматларни мунтазам етказиб беради, бозордаги талабни тўлдиради.

---

[4] Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуни

14.2. Бизнес ва тадбиркорлик тамойиллари

Тадбиркорликнинг асосий тамойиллари бор. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Мулк соҳиби бўлиш. Тадбиркорлар ресурслар ёки маҳсулотларнинг эгаси бўлиши керак. Улар ўз мулкига таяниб ёки ўзга мулкини ижарага олиб ишлайди.

2. Фойда олишга интилиш. Тадбиркорнинг бойишдан иборат иқтисодий маифаати бўлиб, унга фойда олиш орқали эришилади.

3) Иқтисодий эркинлик. Тадбиркор бозорга қараб нимани, қанча, қандай технологияда ишлаб чиқаришни, яратилган товарни кимга, қачон ва неча пулга сотишни, қайси банк билан алоқа қилишни, ўзига шерик топишни, хуллас, ҳар қандай иқтисодий фаолиятни ҳеч бир тоифасиз, ўз билганича амалга оширади.

4. Иқтисодий масъулият. Тадбиркор масъулиятни ўз зиммасига олиб,кўрган фойда-зарарига ўзи жавоб беради.

5. Иқтисодий таваккалчилик. Тадбиркор таваккал қилиб, «ё устидан, ё остидан» деган қабилида иш тутади, иқтисодий хавф-хатарни зиммасига олиб, чув тушиб қолишдан қўрқмайди.

6. Қонун-қоидаларга риоя қилиш. Тадбиркор саъй-ҳаракатларининг ўз қоидалари бор, уларга итоат қилиш ҳам фарз, ҳам қарз ҳисобланади.

7. Рақобат кўрашида қатнашиш. Тадбиркор ҳар доим бошқалар билан «ким ўзади» қоидасига кўра беллашуви шарт.

8. Тадбиркорлик сири. Бизиес ишида технология, янги товар яратиш, бозор топиш, нарх белгилаш, контракт тузиш ва бошқалар сир сақланади.

9. Ҳалоллик билан иш юритиш. Тадбиркорлик ҳалол йўл билан пул топишга асосланиш зарур. Қаллоблик, ғирромлик ва алдамчилик унинг табиатига зид. Масалан, Муҳаммад а.с. одамларга "ҳалол йўл билан нафақа топинглар", деб марҳамат қилганлар. Шу сабабли «ҳалол топ» деган қоида тадбиркорликка ҳам хос бўлган.

Ўзбекистон қонунларига кўра, товар ишлаб чиқарувчилар истеъмолчиларнинг товар сифатига бўлган талабини қондириши, товар сифатини кафолатлаши шарт. Давлат шу қонунлар ижросини назорат қилади.

«Давлат истеъмолчиларнинг товар (иш, хизмат) сотиб олиш ва ундан фойдаланиш чоғидаги ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди».[5]

---

[5] Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги қонунидан.

10. Нуфуз (имиж)га эга бўлиш. Нуфуз халқ орасида, тадбиркорлар доирасида обрў-эътиборли бўлишни билдиради. Тадбиркор ўз шаънини авайлаши, фирма номини эъзозлаб, унга доғ туширмаслиги, яхши ном чиқариши шарт.

11. Тадбиркорликда ўз-ўзини бошқариш тартиби бор. Давлат фирма ишига аралашмайди, балки иқтисодий сиёсати билан тадбиркорларга кўмаклашади, қонунлар орқали тадбиркорлик учун шароит яратади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг қонунларига кўра, давлат тадбиркорликни қўллаб-қувватлайди, тадбиркорлар мулкининг дахлсизлигини таъминлайди.

14.3. Тадбиркорлик ва мулк шакллари

Бозор иқтисодиётининг турли мулк шаклларига асосланишини тадбиркорликда яққол кўриш мумкин. Инсонга наф келтирувчи ҳар қандан неъматлар, албатта, кимнингдир мулки. Фақат ҳеч кимга керак бўлмаган нарсанинг эгаси йўқ. Бозор иқтисодиёти керакли нарсани яратиб, уни бозор орқали истеъмол этишга асосланар экан, у, албатта, мулкчиликни талаб қилади.

Мулк — моддий ва маиший бойликларни қонуний равишда ва белгиланган тартибда кишилар томонидаи ўзлаштириш шакли.

Ўзлаштириш тартибини мулкий ҳуқуқ белгилайди, у кимнинг мулкдор бўлиши, мулкдан фойдаланиш қоидалари, мулкни давлат томонидан кафолатлаш кабиларни белгилаб қўяди. Ўзбекистондаги мулк Республика Конституцияси ва мулкчилик тўғрисидаги қонунга биноан бошқарилади.

Тадбиркорлар мулкий муносабатнинг субъекти, яъни ишгирокчиси бўладилар. Улар мулк қилиб ўзлаштирадиган нарсалар ер, бино, иншоот, асбоб-ускуналар, машина-механизмлар, яратилган товарлар, илмий ғоялар, лойиҳалар, товар белгилари ва бошқалардан иборат. Булар мулкий муносабатларнинг объектидир. Мулкнинг уч босқичи бор: а) эгалик қилиш; б) фойдаланиш (ишлатиш); в) тасарруф этиш. Уларнинг яхлитлиги мулкчиликни яратади. Тадбиркорларнинг мулкий мақоми икки ёқлама бўлиб, биринчидан, улар ўз мулкига таяниб иш юритадилар, яъни моддий ресурслар ва яратилган товарлар уларнинг ўзиники. Иккинчидан, улар ўзгалар мулкини ижарага олиб ҳам фаолият юритадилар, бунда мулкка вақтинчалик эгалик қиладилар ва мулкдан фойдаланадилар, аммо уни тасарруф этиб, хўжайинлик қила олмайдилар. Барибир, ҳар икки ҳолда ҳам яратилган товарларнинг эгаси тадбиркор бўлиб қолаверади. Тадбиркор ўз мулкидан наф кўриши шарт, шундагина унинг иқтисодий манфаати юзага чиқади. Тадбиркор ўз мулкини ишлатиб, фойда топади, ўз мулкини қимматига

сотиб, даромад кўради, ўз мулкига таяниб, меҳнат қилади ва шу йул билан пул топади ва, ниҳоят, у ўз мулкини меросга қолдиради ёки хайр-эҳсон йўлида ҳадя қилади. Мулкни қандай ишлатишни тадбиркор ўзи ҳал қилади, яъни бунинг энг мақбул йўлни ўзи танлаб олади. Тадбиркор ўз мулкидан наф кўргани учун мулкий масъулиятни, яъни мулкни оқилона ишлатиш жавобгарлигини зиммасига олади.

Тадбиркорлик турли мулк шакллари доирасида юз беради ва қонунга қараб унинг турлари юзага келади. Бозор иқтисодиётида хусусий мулк етакчи мавқеда туради.

Хусусий мулк айрим кишиларга тегишли ва уларга наф келтирувчи мулкдир. Хусусий мулкка қараб хусусий тадбиркорлик мавжуд бўлади. Хусусий мулкнинг ўзи икки кўринишга эга:

1. Якка хусусий мулк— якка шахснинг мулки, шу мулкка асосланган корхона якка шахсга тегишли корхона ҳисобланади. Айрим мулкдорга қарашли, лекин ишчиларни ёллаб ишлатадиган ёки мулкдорнинг шахсан ўзи ва оила аъзолари ишлайдиган корхоналар ҳам бўлади.

2. Гуруҳий - корпоратив хусусий мулк — бу маълум мақсадни кўзлаб ўзаро бирлашган мулк соҳибларининг хусусий мулки. Бу мулкни ҳар бир соҳиб алоҳида эмас, балки биргаликда ўзлаштиради. Унинг намунаси корпорациялар бўлиб, улар амалда ҳиссадорлар жамияти шаклида фаолият кўрсатади. Тадбиркорлик иши корпорация доирасида амалга ошади.

Тадбиркорлик жамоа мулкига ҳам асосланади. Бу мулк жамоага бирлашган кишиларнинг умумий мулки ҳисобланади. Жамоага кирувчилар унинг мулкига ўз ҳиссасини қўшиши шарт. Бу ерда ҳам ҳиссадорлик қоидаси бор, аммо унинг акциядорликдан фарқи шуки, мулк соҳиби жамоа таркибида ишлаши шарт. Бунга мисол қилиб кооперативларни, маҳалла ва жамоа хўжаликларини олиш мумкин.

Давлат мулки давлатнинг вазифаларинн бажаришга хизмат қилувчи мулк, давлат корхоналари ва ташкилотларининг мол-мулкидан иборат. Давлат унитар корхоналари ҳам тадбиркорлик билан шуғулланиб, фойда кўрадилар.

Қисқача хулосалар

Тадбиркорлик бозор иқтисодиётига хос бўлган махсус иқтисодий фаолият бўлиб, бизнес номини олган.

Бозор иқтисодиётида бизнес ва тадбиркорлик мамлакатлари бозор талабини белигилайди.

Тадбиркорлар мулкий муносабатнинг субъекти, яъни иштирокчиси бўладилар.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Тадбиркорлик ва бизнес ўртасида фарқ борми?
2. Тадбиркорлик қандай тамойилларга асосланади?
3. Мулкчилик нима ва унинг қандай турлари мавжуд?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш энг муҳим вазифа. «Халқ сўзи», 2000 йил, 24 январь.
2. Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари. -Т.: Меҳнат, 1997.
3. Ишмуҳамедов А.Э. ва бошқалар. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши. -Т.: Ўқитувчи, 1996.

XV боб

БИЗНЕС АСОСЛАРИ

15.1. Фирмаларнинг шакллари

Тадбиркорлик мавҳум нарса бўлмай, фирмалар фаолиятида ифода этилади. Фирма — бозор учун ишловчи корхона. Корхона қайси мулкка тааллуқли бўлмасин фирма, завод, фабрика номлари билан юритилади. Деҳон хўжалиги бундан истисно, у фермер хўжалиги, деб аталади. Қишлоқ хўжалигида ширкат фирмалар ҳам фаолият кўрсатади.

Фирма муайян турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга ва хизмат кўрсатишга ихтисослашади, бозорга қараб иш юритади, иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида фирмаларнинг мустақиллиги бир қадар чекланган бўлади. Фирмалар ва хўжаликлар, биринчидан, эркин бозор учун ишласалар, иккинчидан, давлат буюртмасига биноан ишлайдилар, товарни давлатга харид нархига кўра сотадилар. Шу жиҳатдан улар ярим мустақил бўладилар.

Ўзининг фаолият миқёсига қараб, фирмалар кичик, ўрта ва йирик корхоналарга бўлинади. Ўзбекистонда ишловчилар сони саноат ва қурилишда 50-100 кишигача, бошқа ишлаб чиқаришда — 20 кишигача, фан, алоқа, транспорт хизмат кўрсатиш соҳасида — 25 кишигача, чакана савдода — 5 кишигача бўлган корхоналар кичик корхоналар ҳисобланади.

Корхоналар, ўз навбатида, кичик, ўрта ва йирик бизнесни ташкил этади. Кичик ва ўрта бизнес шароитга тез мослашади, унинг учун пул топиш осон, муҳими, унда иқтисодий хатар камроқ бўлади. Фирмаларнинг турлари кўп,улардан асосийларини кўриб чиқамиз.

Хусусий фирма айрим шахсларга ёки оилаларга қарашли корхона бўлиб, якка хусусий мулк ҳисобланади. Бундай корхоналар асосан кичик бизнес доирасида иш юритадилар. Хусусий фирма эгаси якка соҳиб, унинг устидан ҳеч ким хўжайинлик қила олмайди, топилган фойдани ўзи олади, яъни уни бошқалар билан баҳам кўрмайди, зарарни ҳам фақат ўзи кўтаради. Бундай фирмада хатар фақат бир киши — соҳиб зиммасига тушади. Агар у ўз мулкини гаровга қўйиб қарз олса ва уни тўлай олмаса, мулкидан маҳрум бўлади. Бундай фирма солиқ, қарз, иш ҳақини тўлай олмаса, унинг эгаси уни қўлга илинадиган асбоб-анжомлариии сотиб бўлса ҳам ўз мажбуриятидаги пулни тўлашга мажбур этилади. Хусусий фирмалар тез ёпилиб ва очилиб туради.

Ширкат фирмалари. Тадбиркорликда жавобгарликни камайтириш учун ширкат шаклидаги фирмалар тузилади.

Ширкат бир неча соҳибларнинг мулкини бирлаштириш ва тадбиркорликда олинган фойдани баҳам кўришга асосланган шерикчилик фирмасидир. Ширкат, биринчидан, кичик миқдордаги пулларни жамлаб, катта пул йиғиш ва уни тадбиркорликка қўйиш имконини беради; иккинчидан, тадбиркорлик жавобгарлигини кўпчилик зиммасига юклаб, ҳар бир тадбиркор учун хатарни камайтиради; учинчидан, кўпчиликка, ҳатто, пули озларнинг ҳам тадбиркорлик билан шуғулланишга имкон беради, яъни у капитални демократиялаштиради. Шу афзалликлар туфайли ширкатлар ҳозир кенг тарқалган. *Ширкат фирмалар икки хил* бўлади:

а) Масъулияти чекланмаган фирма. Унинг мулки шерикчилик асосида юзага келади. Шерикларнинг дастлабки мулки фирманинг устав капитали дейилади. Бу мулкка ҳар бир шерик ўз ҳиссасини қўшади. Аммо ҳиссадорлар тўла ҳуқуқли ва ҳуқуқи чекланган шерикларга бўлинади. Тўла ҳуқуқли шериклар фирма учун биргаликда жавоб берадилар, унинг фойдасию зарарини ҳам баҳам кўрадилар. Улар устав фондига қанча пул қўйса, ҳиссасига қараб фойда оладилар. Агар Исломовнинг фирма устав капиталидаги 15 фоиз бўлса, у фойданинг 15 фоизини олади. Агар Оллаёров устав капиталига 10 фоиз сармоя қўйган бўлса, фойданинг ҳам 10 фоизини олади. Бордию фирма синса, шериклар зарарни ҳамжиҳатликда кўтарадилар, яъни бир шерик бошқасиниг жавобгарлигини ҳам зиммасига олади. Агар 5 киши шерик бўлсаю, улардан 2 таси фирма зарарини тўлашга қодир бўлмаса, қолган 3 шерик улар зиммасидаги зарарни ҳам ўзиникига қўшиб кўтаради. Бу ерда «кемага тушганларнинг жони бир» деган қоидага амал қилинади.

б) Масъулияти чекланган фирма. Унинг капитали шерикларнинг устав фондига қўйган пай (ҳиссаси) ҳисобидан шаклланади. Шундай фирмалар номига «лимитед» деган сўз қўшилади, бу инглизча "чекланган" деган маънони билдиради. Масалан, "Кўксув ЛТД" деган фирма бўлса, дарҳол унинг мажбурияти чекланганлигини тушуниш керак. Бундай фирма билан муносабатда бўлганда фирманинг фаолиятида ишкаллик юз берса, ундан фақат устав капиталига тенг пулни ундириш мумкинлигини эсдан чиқармаслик лозим. Унинг тўлов мажбуриятидаги бундан ортиқча бўлган қарзни ҳеч қандай йўл билан ундириб бўлмайди. Масъулияти чекланган фирмаларнинг энг кенг тарқалгаи шакли ҳиссадорлик жамиятлари ёки корпорациялардир. Жамият жамлаган капиталга қараб махсус қимматли қоғоз —

акция чиқаради. Акцияни сотиб олганлар ҳиссадорларга айланадилар ва фойдадан ўз ҳиссаси — дивидендни олиб турадилар. Ёпиқ жамият акциялари фақат маълум гуруҳ кишилари, масалан, корхона ишчи-хизматчилари ўртасида, очиқ жамият акциялари эса барча хоҳловчиларга сотилади.

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида давлат корхоналари ёпиқ акциядорлик жамиятларига айлантирилди. Ислоҳотларнинг иккинчи босқичида очиқ акциядорлик жамиятлари тузишга устуворлик берилди. Масалан, қишлоқ хўжалигида жамоа хўжаликлари ёпиқ жамиятлар — пайчилар хўжалиги шаклига ўтказила бошлади. 1996 йил январга келиб, Ўзбекистондаги ҳиссадорлик жамиятлари сони 5500 га етди (1995 йил 1 январда эса 2255 та эди);

Давлат корхоналари — давлат мулки бўлган ва унинг назорати остида ишловчи корхоналар. Бу корхоналар марказий ва маҳаллий ҳокимиятга қарашли бўлиб, ишлаб чиқаришдаги давлат секторини ташкил этади, энг муҳим ва масъулиятли вазифаларни бажаради (мудофаа, алоқа, эиергетика, транспорт ва бошқалар). 1996 йил бошида Ўзбекистонда 16000 та давлат корхонаси бор эди.

Аралаш фирмалар хусусий, давлат ва жамоа мулкининг аралаш маблағларига таянади. Қўшма фирмалар (корхоналар) ҳам шундай фирмалар қаторига киради. Аралаш фирмаларнинг миллий ва хорижий капиталга таянган корхоналари кенгроқ тарқалган. Уларнинг капитали ҳиссадорлик қоидасига биноан ташкил топади, фойдаси шунга қараб тақсимланади. 2001 йил бошида Ўзбекистонда хориж капитали иштирокида тузилган 3301 та қўшма корхона бор эди. Бундан ташқари аралаш мулкка асосланган 1958 та миллий корхона ҳам фаолият кўрсатди.

Консорциум — корхоналарининг махсус ташкил этилган бирлашмаси. Унинг иштирокчилари ўз мустақиллигини сақлаб қолган ҳолда муайян мақсад йўлида бирлашадилар. Одатда, консорциум молиявий ишлар юзасидан тузилиб, унга давлат, банклар, молия инвестиция компаниялари, йирик фирмалар, ҳар хил пул фонди ташкилотлари уюшади, У катта маблағ талаб қиладиган ишларни бажаради.

Консорциум, одатда, холдинг компания шаклида тузилади. Холдинглар саноат-молия гуруҳи ҳисобланадн. Улар таркибида бош — она корхона ва ҳар хил шуъба корхоналар маълум мақсад йўлида ҳамжиҳатлик билан ишлайдилар.

Концерн — корхоналарнинг ишлаб чиқариш, инвестиция, молия, техника, ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида биргаликда иш юритишини кўзлайдиган уюшма. Концерн бир тармоқлараро (конгломерат) бирлашмалар шаклида ташкил этилади.

Фирмалар шохобчаси (филиали) йирик фирмаларнинг таркибий қисми бўлиб, турли жойларда иш юритади. Мазкур корхона мустақил бўлмай, бош фирманинг бир қисми ҳисобланади.

Мулкий мақомидан қатъиназар фирманинг корпоратив гуруҳий манфати мавжуд. Фирма — ишлаб чиқарувчилар жамоаси. Бу жамоа аъзоларини бирлаштирувчи куч уларнинг умумий фойда олишидан иборат Бу манфаат корхона меъёрида ишлагандагина юзага чиқади. Корхона жамоаси мақоми жиҳатидан уч тоифага бўлинадиган кишилардан ташкил топади:

1) корхона эгалари;
2) менеджерлар (бошқарувчилар);
3) ёлланиб ишловчилар.

Корхона эгалари — мулкдорлар. Корхонадаги моддий ресурслар, яратилган товарлар ва пул маблағлари уларга тегишли. Корхона мақомига қараб, мулкдорлар таркиби турлича бўлиши мумкин. Мулкдорларга корхона эгаси - тадбиркорлардан ташқари уларнинг шериклари бўлмиш менеджерлар, қисман оддий ишчи-хизматчилар ҳам киради. Улар корхона ишида нафақат капитали — маблағи, балки меҳнати ва тадбиркорлик истеъдоди, бошқариш маҳорати билан ҳам қатнашадилар.

Фирма мустақил товар ишлаб чиқарувчи сифатида у ёки бу соҳага ихтисослашади. Масалан, бир фирма кийим тикса, бошқаси озиқ-овқат ишлаб чиқаради, яна бошқаси қурилиш ёки юк ташиш билан шуғулланади.

Ихтисослашув — товарларни сифатли чиқариш ва арзонга тушириш шартидир. Шу сабабли универсал, яъни ҳамма иш билан шуғулланувчи фирмалар бўлмайди. Улар бир ёки бир неча товарлар ишлаб чиқаришга ихтисослашади. Тошкентдаги "Қизил тонг" фирмаси аёллар пальтоси ва плашини, Чирчиқдаги «Гунча» фирмаси болалар кийимини, Кўқондаги Охунбобоев иомли фирма эркаклар кўйлагини тикишга ихтисослашган.

Ихтисослашувнинг икки афзал томоии бор: бунда биринчидан, меҳнат унумдорлиги ошади, харажатлар пасайиб, фойдани ошириш имкони туғилади. Иккинчидан, сифатли товар чиқариш, бинобарин, товарнинг бозорда яхши сотилиши таъминланади. Шу сабабли чуқур ихтисослашув юз беради, фирмалар фақат айрим товарларнигина эмас, балки майда-чуйда бутловчи қисмларни ҳам ишлаб чиқарадилар.

15.2. Бизнесда соф харажатларнинг турлари

Ҳар қандай фирма капитал негизига қурилади. Капитал — фойда топиш мақсадида фирмага қўйилган пулдир. Бу пул

фирманинг ўз маблағи ва банкдан қарзга олинган пулдан иборат бўлиб, асосий айланма капитални ташкил этади (улар МДҲ мамлакатларида асосий ва оборот фондлари деб юритилади). Асосий капитал—бино-иншоот, машина-ускуналарга сарфланади, улар узоқ хизмат қилади, масалан, бино 100 йил, машина 5—10 йил, иншоот 200 йил ишга яраб туради. Хизмат қилиш даврига қараб уларнинг қиймати ҳар йили қисман яратилган товарларга ўтади, маҳсулот сотишдан бу қисм пул шаклида яна фирмага қайтиб келади. Шу қисм амортизация дейилади. Масалан, тикувчилик станоги 500 минг сўм туради ва 5 йил хизмат қилади. Ҳар йили унинг ёрдамида 50 минг метр газлама тўқилади, бу газлама нархи 2,5 миллион сўм туради, шундан 100 минг сўм дастгоҳнинг амортизацияси ҳисобланади ва у дастгоҳ нархига нисбатан 20 фоизни ташкил этади.

Ишлаб чиқариш учун ашёвий ресурслар (хомашё, ярим фабрикат, ёқилғи, электр энергияси, ҳар хил материаллар) ва ишчи кучи керак. Уларни олиш учун кетадиган пул оборот капитали (фонди) деб аталади. Ашёвий ресурслар узоқ хизмат қилмайди, дарҳол ишлатилади ва уларнинг қиймати яратилган товарларга бир йўла ўтади. Яна газлама мисолига қайтсак, унинг 2,5 миллиои сўмдан иборат бир йиллик қийматида 100 минг сўм амортизация бўлса, хомашё, ёқилғи, материаллар қиймати 1 миллион сўмга боради. Уларни олиш учун ажратилган пул айланма капиталдир. Бу пул фақат 200 минг сўм, чунки у бир йилда 5 марта айланади ёки қайта муомалага киради. Бу пул газлама сотилгач, фирмага қайтиб келади, унга яна ашёвий ресурслар олинади. Бу пул йилига 5 марта айланганидан ашёвий ресурслар қиймати 1 миллион сўм бўлади. Фирма ўзининг пул шаклидаги капиталини бозорда ресурсга айлантиради. Ресурслар ишлаб чиқаришда қўлланиб, товарлар ва хизматлар яратилади, улар бозорда сотилгач, фирма капитали қайтадан пул шаклига келади. Фирма капитали бозорга пул шаклида чиқса, у бозордан ресурс шаклига кириб, ишлаб чиқаришга унинг омиллари сифатида қайтади. Бу ерда товар ва хизматлар шаклида яна қайта бозорга чиқади ва у ерда аввал пул шаклини олиб, сўнгра бирор нарса сотиб олингач, ресурсларга айланада. Хуллас, тадбиркор капитали турли босқичлардан ўтиб, турли шаклларга киради ва шу йўсинда доиравий (айланма) ҳаракатда бўлади.

Фирманинг фаолияти бозордан ресурс сотиб олишдан бошланади. Фирма моддий ресурслар, яъни асбоб-ускуна, дастгоҳлар, транспорт ва алоқа воситалари, хомашё, ёқилғи, ҳар хил материалларни, меҳнат бозоридан ишчи кучини сотиб олади, яъни ишчиларни ишга ёллайди. Керак бўлса, бинолар ва ерни

ҳам сотиб олади. Мабодо зарурат бўлмаса, уларни ижарага олиб, ҳақини тўлайди. Иқтисодий ресурслар учун қилинган сарф ишлаб чиқариш харажатларига айланади.

Яратилган товарлар ва хизматлар, бажарилган иш бирлиги учун сарфланган пул фирманинг ишлаб чиқариш харажатлари, дейилади.

Харажатсиз ҳеч қандан иқтисодий фаолият юз бермайди, бинобарин, фойда топиш мумкин эмас. Тадбиркорлар орасида «харажатсиз ҳаракатнинг натижаси иолга тенг» деган ҳазилмутойиба гап юради. Бу гапнинг тагида чуқур маъно бор. Ишлаб чиқариш, албатта, ресурсларни талаб қилади, ресурсларни эса ҳеч ким текинга бермайди, уларни сотиб олиш керак. Фойдани имкони борича кўпайтиришга интилмайдиган фирма бўлмайди, бунга эришиш учун харажатларнн имкони борича пасайтириш талаб этилади.

Бозордаги нарх ўзгармаган шароитда фойдани кўпайтириш шарти харажатларни камайтиришдан иборат.

Харажатлар моддий ресурслар учун сарфланадиган пул (моддий ресурслар сарфи), иш ҳақи, ҳар хил мукофотлар, ижтимоий суғурта ажратмалари каби меҳнат сарфлари ва тадбиркорнн қониқтирадиган пул даромадидан иборат. Тадбиркор ишбилармонлик қобилияти ва знммасига масъулиятни олиб таваккалига иш қилгани учун эл қатори фойда олиши керакки, унинг топадиган даромади ҳеч бўлмаганда юқори иш ҳақидан кам бўлмаслиги шарт. Агар тадбиркор шундай даромад топмаса, тадбиркорлик қилиб, ҳаловатини йўқотишдан кўра, ёлланиб ишлагани маъқул. Айтайлик, малакали ишчи ойига 8000 сўм топади, тадбиркорнинг кўрадиган одатдаги фойдаси бундан кам бўлмагандагина у бизнесга қўл уради. Маҳсулот арзон-гаров, яъни фақат харажатни қоплайдигап нархда сотилганда ҳам тадбиркор фойда олади, ўз ишини ташлаб кетмайди.

Бозор иқтисодиётида танлаш қоидаси ва зиммага тушган харажат, яъни иқтисодий харажат мавжуд. Ишлаб чиқариш учун танлаб олинган ресурсларни энг қулай ишлатган шароитлар харажатлар, яъни ўз ишига жалб этиш учун ресурслар эгаларига тўланган пул зиммага тушган харажатлар ёки нқтисодий харажатлар деб аталади.

Муайян бир ресурсни ҳар хил ишлатиш мумкин. Масалан, металлдан автомашина, трактор, экскаватор, дастгоҳ, трамвай ишлаб чиқариш мумкин. Булардан қайси бирини ишлаб чиқариш учун ресурс жалб этилса, шунга кетган харажат иқтисодий харажат ҳисобланади. Биинобарин, иқтисодий харажатлар муқобил равишда танланган фаолият харажатларидир.

Харажатларни ишлаб чиқариш доираси билан чеклаб бўлмайди. Улар ҳар хил хизматларга, чунончи, савдо-сотиқ, даволаш, ўқитиш, молиявий иш юритиш, маслаҳат бериш хизматларига ҳам тааллуқли. Товарларни олди-сотди қилиш, яъни савдо хизмати кўрсатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар муомала харажатлари дейилади.

15.3. Меъёрий харажатлар

Фирма ўз фаолиятини юритиш учун ташқаридан ресурслар сотиб олади ва пуллик хизматлардан фойдаланади. Шунингдек, фирма илгари сотиб олинган ресурсларни—бниолар, машина, дасттоҳ, асбоб-ускуналарни ҳам ишлатади, уларга ҳам илгари харажатлар қилинган. Бундан ташқари фирма ижара ҳақи, банклардан олган қарзи учун фоиз тўлаб туради. Шу боисдан харажатлар ташқи ва ички харажатларга бўлинади. Ташқи харажатларга ишчи кучи. хомашё, ёқилғи, энергия сотиб олиш, транспорт, алоқа ва бошқа хизматлар учун, шунингдек, солиқлар учун тўланган пул киради. Бинолар, асбоб-ускуналар, ижара ҳақи ва бошқа сарфлариииг ҳаммаси ички харажатлар ҳисобланади. Харажатларга, булардан ташқари, тадбиркорлик фойдаси ҳам киради. Шундай қилиб, харажатлар ўзининг келиб чиқиш манбаларига қараб, ҳар хил сарфлардан иборат бўлади.

Харажатларнинг таркибий тузилиши ишлаб чиқариш омиллари билан боғлиқ. Ишлаб чиқаришда эса доимий ва ўзгариб турадиган икки омил иштирок этади. Доимий омилга бино, иншоотлар, машина ва ускуналар киради. Ишлаб чиқаришдаги ўзгарувчан омилларга қисқа вақтда ўзгартирлиши мумкин бўлган ишчи кучи, хомашё, ёқилғи, электр энергияси, ҳар хил материаллар, майда-чуйда асбоблар киради. Уларни тезда кўпайтириб ва озайтириб туриш, айни пайтда ишлаб чиқариш ҳажмини ҳам ўзгартириш мумкин. Омилларнинг ҳар хил бўлиши доимий ва ўзгарувчан харажатларни пайдо этади.

Миқдори ишлаб чиқариш ҳажмига қараб ўзгармайдиган харажатлар доимий харажатлар дейилади.

Шундай харажатлар ҳам борки, уларнинг миқдори фирманиинг фаолиятига боғлиқ бўлмайди, ҳатто фирма ишламаган тақдирда ҳам уларни қоплаш лозим. Буларга рента тўловлари (кўчмас мулк учун ижара пули), қарз фоизи, реклама ҳақи, гаров пули, амортизация ажратмаси, ижара ҳақи, суғурта пули, олдиндан тўланиши кўзда тутилган маошлар киради. Масалан, фирма банкдан йилига 10 фоиз тўлаш шарти билаи 100 миллион сўм олган, демак, у пул олганидан кейин уни ишлатадими

ёки йўқми, барибир, банкка йилига 10 миллион сўм тўлаши шарт. Ёки бинони 150 минг сўмга ижарага олган бўлса, шу пулни, корхонаси ёки офиси турган ер учун бино эгасига ҳам 150 минг сўм ижара ҳақи тўлаши зарур.

Миқдори ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан тўғри мутаносибликда ўзгариб турувчи харажатлар ўзгарувчан харажатлар дейилади.

Бу харажатлар иш ҳақи, хомашё, ёқилғи, ҳар хил материаллар ва юк ташиш харажатларидан иборат. Ишлаб чиқариш ҳажми ортса, ўзгарувчан харажатлар кўпаяди, қисқарса, камаяди Масалан, тўқимачилик фабрикаси 10 миллион сўмлик газлама тўқиб чиқариш учун 7 миллнон сўм сарф қилди. Шундан 3 миллиои сўм пахта толаси, 1 миллион сўм буёқ, 1 миллиои сўм электр энергияси сарфидир, Қолган 2 миллиои сўм машина-ускуналар амортизацияси, ижара ҳақи ва солиқлардаи иборат. Айтайлик, фабрика газлама тўқиб чиқаришни 20 фоиз ошириб, маҳсулот ҳажмини 12 миллиои сўмга етказди. Бунинг учун қўшимча равишда пахта учун 600 минг сўм, буёқ учун 200 минг сўм, электр энергия учун 200 минг сўм сарфланди. Аммо бу иш учун ижара ҳақи, машиаа-ускуналар сарфини ошириш талаб қилинмайди.

Доимий ва ўзгарувчан харажатлариинг йиғиндиси умумий харажатлар дейилади.

Умумий харажатлардаги силжишларни энг аввал ўзгарувчи харажатлар юзага чиқаради.

Иқтисодиётда харажатларнинг умумий миқдори эмас, уларнинг самараси муҳим. Агар харажатларга иисбатан яратилган маҳсулотлар тезроқ ўсса, иш самарали бўлади. Шу боисдан ўртача ҳаражатлариинг аҳамияти катта.

Ўртача харажат маҳсулот бирлигига сарфланган харажатдир.

Меъёрий харажатлар. Меъёрий харажат деганда қўшимча равишда маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун кетган қўшимча харажат тушунилади.

Умумий харажатлардаги қисқа муддатли силжишлар фақат ўзгарувчи харажатлар ҳисобига юз беради. Уларни ошириш ёки қисқартириш ҳисобидан ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаради.

Масалан, босмахона китобни кўпроқ босиб чиқариши учун қоғоз, буёқ, картон, елим, ип ва электр энергияси сарфини кўпайтириши керак. Бунда машиналарни кўпайтирмасдан, уларниинг ишлаш соати оширилади. Сарфларни қисқа вақтда ўзгартириш учун ресурсларни сотиб олиб, корхонага келтиришнинг ўзи кифоя, бу эса узоқ вақт талаб этмайди. Лекии бу йўл билан маҳсулот ҳажмини оширишиинг чеки бор. Фирмалар товарига та-

лаб ошган кезларда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун узоқ муддат талаб этадиган ҳам доимий, ҳам ўзгарувчан харажатларни кўпайтиришлари зарур. Яна босмахона мисолига қайтсак, китобнинг бозори чаққон бўлиб, уни сотишга кўпроқ чиқариш учун ўзгарувчи харажатларни ошириш кифоя қилмайди. Бунинг учун янги цехлар ва омборлар қуриш, янги ҳарф терадиган, босадиган ва муқовалайдиган машиналарни ўрнатиш керак бўлади.

Албатта, узоқ муддатли ўзгаришлар вақти бир хил эмас. Масалан, янги конни очиб, уни техиика билан жиҳозлашга кўп вақт, босмахона учун янги цех қуриб, уни жиҳозлашга оз вақт талаб этилади.

Қисқача хулосалар

Фирма муайян турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга ихтисослашади, бозорга қараб иш юритади, иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлади.

Яратилган товар ва хизматлар, бажарилган иш бирлиги учун сарфланган пул фирманинг ишлаб чиқариш харажатидир.

Меъёрий харажат қўшимча равишда маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун кетган қўшимча харажатдир.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Фирманинг қандай турлари бор?
2. Фирманинг қайси бир тури кенг тарқалган?
3. Харажатлар нима ва унинг турлари қанча?
4. Меъёрий харажатлар нимани белгилайди?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш — энг муҳим вазифа. «Халқ сўзи», 2000 йил, 24 январь.

2. Каримов И.А. Иқтисодни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш бош йўлимиз. «Халқ сўзи», 2002 йил, 13 февраль.

3. Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари. -Т.: Меҳнат, 1997.

4. Ишмуҳамедов А.Э. ва бошқалар. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши. -Т.: Ўқитувчи, 1996.

5. Юлдошев З.Ю. Қосимов М. Макроиқтисодиёт асослари. -Т.: Ўзбекистон, 1995.

XVI боб

БИЗНЕС САМАРАДОРЛИГИ МУАММОЛАРИ

16.1. Бизнесда фойда ва рентабеллик

Тадбиркор фойда бермайдиган ишга қўл урмайди, бинобарин сарф-харажат ҳам қилмайди. Харажат қилиш — фойда кўришнинг шарти, воситасидир.

Фойда ишбилармонлик қобилиятини ишга солиб, хатарли ишга қўл ургани учун тадбиркорларга тегадиган мукофотдир.

Фойданинг ҳам икки тури бор:

- *меъёрий (нормал) фойда* табиатан тадбиркорлик фаолияти учун олинадиган ҳақ ҳисобланади ва харажатлар таркибига киради. Товарлар энг паст иархда, яъни харажатга тенг нархда сотилганда ҳам тадбиркор меъёрий фойдани олади;

- *иқтисодий фойда (соф фойда* деб ҳам юритилади), миқдоран товар ва хизматларни сотишдан тушган пул (даромад) билан харажатлар ўртасидаги фарққа тенг бўлади ва товарлар харажатлардан юқори нархда сотилганда ҳосил бўлади. Иқтисодий фойдани тадбиркор ва унинг шериклари олади.

Соф фойда фирма фаолиятининг умумлашган якуний кўрсаткичидир. Соф фойдага қараб, фирма ишига баҳо берса бўлади. *Фойданинг турлари кўп.* Фаолият турига кўра, *ишлаб чиқариш, тижорат (савдо-сотиқ), банк фойдаси кабиларни* кўрсатиш мумкин. Ишлаб чиқариш фаолиятида олинадиган фойдадан фарқлироқ савдо-сотиқ ишларида *тижорат фойдаси* билан бирга *омад фойдаси* ҳам бор. Бозордаги нархларнинг ўзгариши туфайли олинадиган фойда омад фойдаси дейилади. Бу фойда харажатларига боғлиқ бўлмайди, уни нархда кутилмаган ўзгаришлар юзага келтиради. Масалан, тўқимачилик фирмаси 2000 тонна пахтанинг ҳар тоннасига 1400 доллар тўлаб, сотиб олди. 3 ойдан сўнг пахта нархи 1600 долларга кўтарилди. Демак, фирма 400 минг доллар фойда кўрди. Чунки, у пахтани олдин сотиб олмаганда, кейинчалик уни қимматга олар эди. *Товарларнинг сотилиш нархи ҳам кўтарилмаганда ортиб кетиши омад фойдасини беради.* Лекин омад фойдаси муҳим эмас, чунки, у фирма ишига боғлиқ бўлмайди. Шу сабабли фирмалар ўз ишига боғлиқ бўлган ишдан даромад топиш ва фойда олишни кўзлайдилар.

Фирманинг даромади деганда унинг пул тушумлари англанади. Даромад фойдадан кўп бўлади. Фирма даромади уч турга бўлинади:

а) умумий даромад — барча товар ва. хизматларни сотишдан тушган пул. Унинг миқдори сотиладиган товарлар, хизматлар сонига ва уларнинг бозор нархига боғлиқ. Агар фирма товарни кўп чиқарса ва яхши нархда сотса, умумий даромад кўпаяди.

б) ўртача даромад — товар бирлигини сотишдан тушган пул. Уни топиш учун умумий даромад сотилгаи товарлар миқдорига бўлинади;

в) меъёрий даромад— қўшимча равишда сотилган товардан тушадигаи қўшимча пул. Уни аниқлаш учун тушган умумий пул(-даромад) ўсими қўшимча сотилган товарлар миқдорига бўлинади.

Бу кўрсаткич товарларни қўшимча ишлаб чиқариш умумий даромаднинг қанчалик оширишни кўрсатади. Агар умумий даромад харажатга тенг бўлса, натижа нолга тенг, яъни фойда кўрилмайди.

Ҳар бир фирма фойдани энг кўп даражага кўтаришга интилади. Бунинг учун товарларни кўпроқ чиқариш шарт. Демак, меъёрий даромад ортиб бориши керак. Аммо бунга эришмоқ учун ҳеч бўлмаганда харажатлар ўзгармаслиги ёки улар ошган тақдирда ҳам товарларнинг бозор нархларидан секинроқ ўсиши керак.

Фойда миқдори нархга нисбатан тўғри мутаносибликда, харажатларга нисбатан тескари мутаносибликда ўзгаради.

Бу қоидага биноан фойдани максимумлаштириш учун товарларни юқори нархда сота билиш керак, сотиш учун эса бозорбоп, харидор суядиган товарларни ишлаб чиқариш зарур, фойда топиш харажатларни энг кам даражага туширишни (минимумлаштириш) ҳам талаб қилади. Масалан, А товар 100 сўмга сотилади, унинг харажатлари 80 сўм, фойда 20 сўм. Энди-А товар модернизацияланди, сифати яхшиланди ва бозорда нархи 110 сўмга кўтарилди. Айни вақтда харажатлар камайтирилиб, 75 сўмга тушди. Бунда кўриладиган фойда 35 сўм бўлади. Демак, у максимумлашди, чунки 35>20. Нарх ўзгармаган шароитда харажатлар қанчалик пасайса, фойда шу қадар ортиб боради.

Харажатлариинг фойдага таъсири меҳнат унумдорлиги орқали юз беради. Фойдани максимумлаштириш юксак меҳнат унумдорлигини талаб этади ва иқтисодий равнақ (прогресс) ни таъминлайди.

Меҳнат унумдорлиги харажатларни пасайтириш орқали фойдани оширади, шу сабабли у фойдани кўпроқ олиш омили ҳисобланади.

Фойда фирма фаолиятининг молиявий натижаси ҳисобланади. Қанча сарфлаб, қанча фойда кўрилгани фирма ишининг самарасини белгилайди. Шу боисдан иқтисодиётда фойдалилик ёки рентабеллик деб аталадиган кўрсаткич қўлланила-

ди. Уни аниқлаш учун олинган фойда қилинган харажатлар билан таққосланади ва харажатлар бирлигига қанча фойда тўғри келиши маълум бўлади.

Ишлаб чиқариш рентабеллиги ва маҳсулот рентабеллиги мавжуд. Ишлаб чиқариш рентабеллиги унинг нақадар фойда беришини кўрсатади. Фойдалилик (рентабеллик) даражаси фойда нормаси бўлиб, икки усулда аниқланиши мумкин.

Биринчи усулда фойда миқдори ишлаб чиқаришга қўйилган капиталга бўлинади ва фоизларда ифодаланади. Масалан, фирма 100 миллион сўм капитал қўйиб, 16 миллион сўм фойда кўрса, рентабеллик 16 фоизга тенг бўлади.

Бу олинган фойда фирма сарфлаган капиталнинг неча фоизига тенг деган маънони билдиради. Масалан, 2001 йили Қибрай пиво заводининг даромади 159150 минг сўм, харажатлари 120390 минг сўм, шундан соф фойда 17160 минг сўм бўлди. Корхонанинг капитали (активи) 186360 минг сўм эди.

Худди шу усул билан ҳисобланганда 2001 йили ташкилот қишлоқ хўжалиги кимё машинасозлиги заводида ишлаб чиқариш резервлари 3,7% бўлди. Демак, фойда нормаси кескин фарқланди, бу эса корхона ишининг натижасидан келиб чиқди. Рентабеллик даражасини ҳисоблашнинг иккинчи усулида фойда миқдори жорий харажатлар миқдори билан таққосланади. Агар фирманинг ишлаб чиқариш учун қилган жорий сарфи 500 миллион сўм бўла туриб, 200 миллион сўм фойда кўрса, рентабеллик 40 фоизга тенг бўлади. Бунда фирма 1 сўмлик сарфи эвазига 40 тийин топган бўлади.

Фойдани максимумлаштириш учун нимани ишлаб чиқариш энг юқори рентабеллик берса, фирма шу ишга қўл уради. Шу боис айрим маҳсулот турининг рентабеллиги аниқланади. Бунга муайян маҳсулотни сотишдан келган фойда уни ишлаб чиқариш харажати билан солиштирилади. Масалан, тикувчилик фирмаси фойдани максимумлаштириш учун енги узун ва енги калта чит кўйлак, енги калта трикотаж кўйлакдан қайси бирини кўпроқ чиқариш учун уларнинг рентабеллигини аниқлаши керак. Агар биринчиси 12 фоиз, иккинчиси 14 фоиз, учинчиси 20 фоиз рентабеллик берса, албатта, фирма учинчи кўйлакни тикишни маъқул кўради ёки иккинчи кўйлакни ҳам қўшиб тикади.

Рентабеллик қаерда пул кўп фойда келтирса, унинг шу ерга қўйилишини билдиради. Аммо пул эгаси оз бўлса-да, кафолатланган даромад топмоқчи бўлса, пулини рентабеллига паст, аммо бехавотир фойда берувчи соҳага ёки кўп даромад топмоқчи бўлса, рентабеллик юқори бўлган, лекин хатарли соҳага қўйиши мумкин.

Тадбиркорлик учун фойданинг мутлақ миқдори — ҳиссаси ҳам муҳим. Фойда массаси рентабеллик даражасига, қўйилган пул (капитал) миқдорига ва капиталнинг айланишига боғлиқ. Агар рентабеллик қанчалик юқори бўлса ва қўйилган пул қанчалик кўп бўлса, фойда массаси шунчалик кўп бўлади. Фойда массаси бир сўм пул келтирган фойда билан қўйилган жами пул миқдорига қараб ўзгариб туради. Аммо шу бир сўм пул келтирадиган фойда капиталнинг айланиш тезлигига ҳам боғлиқ. Капиталнинг айланиши қанчалик тез бўлса, рентабеллик ўзгармаган тақдирда ҳам олинган фойда миқдори кўп бўлади. Масалан, бир соҳага қўйилган 100 миллион сўмлик капитал йилига 4 марта айланади, ҳар айланишда 5 миллион сўмдан фойда келтиради. Демак, фойда массаси йилига 20 миллион сўм (5.4) бўлади. Иккинчи соҳага қўйилган капитал ҳам 100 миллион сўм, ҳар оборотида у ҳам 5 миллион сўмлик фойда келтиради. Аммо у йилига 6 марта оборот қилиб, жами 30 миллиои сўм (5.6) фойда беради. Демак, иккинчи соҳада фойда массаси кўпроқ (30>20).

Агар рентабеллик фирма пулининг нақадар самарали ишлатилишини кўрсатса, фойда массаси унинг иқтисодий қудратини ифодалайди.

Фойда уни топишда ким қандай ҳисса қушганига қараб тақсимланиб, ўзлаштирилади. Бу ишда пул эгалари ўз капитали, ишчилар меҳнати, тадбиркорлар ишбилармонлиги билан қатнашадилар. Шу сабабдан улар фойдани бўлиб оладилар.

Фирманинг иқтисодий аҳволига қараб, унинг рейтинги орқали унга бериладиган баҳо аниқланади. Рейтинг мазкур фирма билан алоқа қиладиганлар учун муҳим ахборот хизматиии ўтайди. Одатда, рейтинг кўрсаткичлари қуйидагиларни ўз ичига олади: ҳисоботларнинг ишончли бўлиши, рентабеллик, капитал миқдори ва унинг айланиш тезлиги, тўлов қобилияти, рақобатбардошлик, фойданинг ўсиши ва унинг тақсимланиши, товарларнинг сотилиш ҳажми, солиқларни тўлай билиш, қарздорлик, дивиденд олиш, инвестиция қобилияти ва, ниҳоят, банкрот бўлиш эҳтимоли.

16.2. Инвестиция фаолияти

Тадбиркорлик ишининг ривожи инвестиция талаб қилади. Инвестиция бирорта ишга маблағ қўшишни, сарфлашни билдиради. Инвестиция қилишдан мақсад фойда кўриш. Инвестиция — кенг маънода пул чиқадиган ҳар қандай ишга маблағ қўйиш, тор маънода ишлаб чиқаришнинг моддий базасини ри-

вожлантириш, масалан, машина-ускуналарни сотиб олиш, ўрнатиш, янги техникани жорий этиш, янги бино-иншоотларни қуриш учун маблағ сарфлашдир. Бу бизнинг мамлакатда капитал маблағлар, капитал сарфлар деб юритилади.

Инвестиция сифатида пул, қимматбаҳо қоғозлар (акция, облигация, сертификат, вексел), ер, бино, иншоот каби бойликлар, интеллектуал мулк бўлган илмий кашфиётлар, техникавий янгиликлар, ихтиролар ишлатилади. Муҳими, ҳамма маблағлар пулга чақилган ҳолда инвестицияланади. Инвестиция икки турга бўлинади. Биринчиси—тўғридан-тўғри инвестициялаш, яъни уни корхоиа ишига капитал сифатида қўйиш. Иккинчиси — маблағни корхоиалар акцияларини сотиб олишга сарфлаш бўлиб, портфель инвестициялар деб аталади.

Инвестициялаш муқобил танлов қоидасига асосланади, яъни инвестициялашнинг энг фойдалиси танлаб олинади. Тадбиркорлик ишида хатарни камайтириш учун инвестиция бир вақтнинг ўзида бир неча ишга қўйилади, бу билан бир ерда кўриладиган зарарни бошқа ерда кўрилган фойда билан қоплаш мумкин. Бундай маблағ қўйиш диверсификациялашган инвестиция деб юритилади. Одатда, бунинг учун турли корхоиалар акцияси сотиб олинади. Масалан, 100 минг сўм пулга автопарк, тўқимачилик фабрикаси, туристик фирма, нон заводи, тикувчилик фирмаси, суғурта компанияси ва банк акциялари сотиб олиниши мумкин.

Маблағни инвестициялашда унинг тезда қайтим бериши, ўзини тез оқлаши ҳисобга олинади, инвестицияланган - маблағ келтирган фойдаси билан таққосланади, яъни фойда нормаси (рентабеллик) ҳисоблаб чиқилади. Масалан, 10 миллион сўм пул инвестицияланишдан олдин турли муқобил усуллар ўзаро солиштирилади, айтайлик, бу йўл ҳар йили тикувчилик ишида 2 миллион сўм фойда берса, ўзини 5 йилда, агар машинасозлик заводида йилига 1 миллион сўм фойда берса, 10 йилда оқлайди. Бунда, албатта, биринчи усул танланади. Чунки, у капитал сарфини 2 марта тез оқлайди.

Инвестиция самарадорлигини ошириш учун қуйидагилар талаб қилинади: биринчидан, инвестиция келтирадиган фойда банк берадиган фоиздан юқори бўлиши керак. Агар шундай бўлмаса овора бўлиб, пулни инвестициялагандан кўра, уни банкка қўйиб, бемалол фоиз олиб ётиш қулай. Масалан, банк фоизи йилига 8 фоиз бўлса, инвестициядан келадиган фойда бундан ортиқ — 9, 10 ёки 11 фоиз бўлиши керак; иккинчидан, инвестициядан келадиган фойда инфляция даражасидан юқори бўлиши талаб қилинади. Агар йиллик инфляция 5 фоиз бўлсаю, инвестиция берадиган фойда нормаси 2 фоиз бўлса, зарар кўрилади, Шунинг учун фойданинг

ўсиши ҳеч бўлмаса инфляция шиддатидан юқори бўлиши керак. Айтилган 5 фоиз инфляция шароитида фойда 15 фоиз бўлса, инфляциядан келадиган 5 фоиз зарар қопланиб, 10 фоиз фойда олинган бўлади; учинчидан, инвестиция энг юқори фойда нормасини таъминлайдиган соҳаларга қўйилиши лозим. Масалан, инвестициянинг уч соҳаси бўлиб, улардан биринчиси 12 фоиз, иккинчиси 13 фоиз, учинчиси 15 фоиз фойда берадиган бўлса, албатта, учинчи йўл танланади. Инвестиция йўли танланганда фойда иормасининг пасайишига мойил бўлиши назарда тутилади.

Фойда миқдорини камайтирмаслик учун фойда нормаси пасайган чоғда олинган фойдани қайтадан пул топиш учун қўйиш керакки, бу реинвестиция дейилади. Реинвестиция қўйилган капитал суммасини ошириш орқали фойда миқдорини камайтиришга йўл қўймайди. Масалан, 100 млн. сўм инвестиция ҳозир 10 млн. сўм фойда беради, демак, фойда нормаси 10 фоиз, 3 йилдан сўнг фойда нормасн 8 фоизга тушиб қолса, 100 млн. сўмдан 8 млн. фойда кўрилиб, фойда миқдори 2 млн. сўмга қисқарган бўлади. Бунга йўл қўймаслик учун 3 йилда ҳар йили 10 миллиондан, жами 30 млн. сўмга тенг фойда реинвестиция қилиниб, капитал 130 млн. сўмга етказилади. Фойда иормаси 8 фоиз тушган тақдирда ҳам 10,4 млн. сўм фойда кўрилади. Бинобарин, олинган фойда миқдори ўсади, чунки 10,4>10,0 бўлади.

Инвестиция ишининг ҳам ўз хатари бор. Унинг олдини олиш учун иивестициялар суғурталанади. Масалан, Ўзбекистонга келадиган хорижий инвестицияларни хатардан суғурталаш ишини «Ўзбекинвест» суғурта компанияси олиб боради, унинг дастлабки капитали 10 миллиои доллар ҳисобида белгиланган.

16.3. Бизнес ва тадбиркорлик хатарлари ва уларни камайтириш тадбирлари

Бозор иқтисодиёти тасодифлардаи холи эмас. Бозорда фаолият кўрсатаётган фирмалар ҳар хил вазиятга тушиб қолишлари мумкин. Фирманинг иши юришиб, тезда бой фирмага айланиши ёки зараргa йўлиқиб, бор-будидан айрилиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Тадбиркорлик хатари ҳам мана шунда. Бу хатарни бартараф этиб бўлмайди, аммо уни камайтириш мумкии. Бунинг учун бирор ишга қўл уришдан аввал унинг ижобий ва салбий томонларини ҳисобга олиш талаб қилинади.

Доимий хатар хавфи фирмаларни ҳушёр тортишга мажбур қилиб, улардаи зийраклик талаб қилади.

Фирманинг ўз фойдаси, ҳатто, капиталидан ажралиб қолиши эҳтимоли тадбиркорлик хатари дейилади.

Хатар, биринчидан, фирма ишини уқувсиз юритишдан, иккинчидан, фирмага боғлиқ бўлмаган ҳолда вазиятнинг ўзгаришидан, яъни бозорда ноаниқлик бўлишидан келиб чиқади. Бозордаги ресурслар ва товарлар иархининг кутилмаганда ўзгариши, истеъмолчи ва шерикларнинг айниб кетиши, солиқлар ва бож пулининг ўзгариши, халқаро вазиятнинг кескинлашуви кабилар хатарни юзага чиқаради. Хатарни олдиндан билиш ёки уни енгиб ўтиш ҳамма фирманинг ҳам қўлидан келавермайдн. Фирмалар хатарини уч турга бўлиш мумкин:

1. Ишлаб чиқариш хатари. Бу мўлжалланган ҳажмда ва керакли турдаги товарларни яратишга рахна солувчи хавф-хатар, масалан, фирма бозорга 10 миллиои сўмлик мол чиқаришга жазм қилган бўлса, вазият ўзгариши билан у 8 миллиои сўмлик товар чиқара олади.

2. Тижорат хатари. Бу мўлжалланган ресурсларни бозордан ола билмаслик ва товарларни кутилган миқдор ва иарҳда сота билмаслик хатари. Масалан, фирма 100 минг дона товар чиқариб, унинг ҳар бирини 5 минг сўмдан сотишни кўзлаган бўлсаю, товарни 100 минг ўрнига 40 минг дона чиқарса ёки уни 5 минг сўм ўрнига 4,5 минг сўмдан сотса, натижада фақат савдонинг ўзида маълум миқдорда зиён кўрди.

3. Молиявий хатар. Бу фирма молия бозорида ва солиқ тўлаш соҳасида йўлиқадиган хавф-хатардир. Айтайлик, фирма мўлжаллаган кредитни ола билмайди, фоизи ортиб кетади, фирма акциясининг нархи тушади, давлатдан молиявий ёрдам тегмай қолади, натижада фирма хатар гирдобига тушиб қолади ва ҳоказо.

Юқорида айтилганидек, бозорда фаолият кўрсатаётган ҳар қандай фирмага хатар соя ташлаб туради. Юқорида қайд этганимиздек, ундан тамоман қутулиш мумкин бўлмаса-да, унинг таъсирини камайтириш имкони бор ва бу фирманинг ўзига боғлиқ. Хатарнинг энг ҳалокатлиси банкрот бўлиш, синиш хавф-хатаридир.

Бирорта ишга пул сарфлашдан олдин зарар эҳтимолини имкоии борича камайтиришнинг ҳар хил йўл-йўриқлари ишлаб чиқилади. Энг аввал фирма хатарни четлаб ўтиш йўлларини ахтаради, қаерга, қанча пул қўйиш, қайси соҳада иш бошлашдан олдин қаерларда иш қандай кетаётганлиги ўрганилади, ахборот тўпланади. Ахборот товар иархи, савдо ҳажми, рақобатчилик вазияти, харажатлар даражаси, бозорнинг кенгайиши имконияти, ресурслар иархи, реклама ҳолати ва бошқа соҳаларии қамрайди. Шуларни таҳлил этиб, пул қўйиш ёки қўймасликка қарор қилинади. Бунда синалгаи йўллардан бири - пул фойда кўп бўлмаса-да, хатари энг кам ишга қўйилади. Бошқа йўл тадбир-

корлик хатарини суғурталаш ҳисобланади. Бу йўл танланганида суғурта пули кутиладиган фойдадан маълум даражада камроқ бўлиши лозим, акс ҳолда зарар қилиш мумкин. Масалан, фирма 5 миллион сўм капитал сарфлаб, шундан 500 миг сўм (фойда кўрса, суғурта пули 300 минг сўм бўлиши керак. Шунда бирор ҳол рўй берганда фирма 200 миг сўм (500-300-200) фойда кўради. Агар суғурта пули фойдани йўққа чиқарса, хатар сақланиб қолади. ҳозирги шароитларда инвестиция диверсификация этилади, яъни пул ҳар хил соҳаларга қўйилади. Чунки, бир ишдан зарар кўрилса, бошқасидан фойда тегиши мумкин. Бу усул, айниқса, акция сотиб олишда қўл келади. Масалан, 100 миллиои сўм пулга 5 та фирма акциясини олиш мумкин.

Хатарии қисқартириш учун фирмалар ўз фаолиятини чегаралайдилар, иш ҳажми ва сарф-харажатини маълум меъёрдан оширмасликка интиладилар. Масалан, фирма вазиятни ҳисобга олиб, ҳар бир товар учун кетган сарф-харажатни 500 сўм билан чегараланган ҳолда 5 миллиои дона товар чиқаради ва уларнинг ҳар бирини 750 сўмдан сотади. Агар харажат ошиб кетса ёки товар кўп чиқарилиб, сотилмай қолса, зарарига ишлаш мумкин.

Қисқача хулосалар

Фойда — ишбилармонлик қобилиятини ишга солиб, хатарли ишга қўл ургани учун тадбиркорларга тегадиган мукофот.

Инвестиция фаолияти тадбиркорларни янги муқобил танлов қоидасига ундайди.

Фирманинг ўз фойдаси бўлганидек капиталидан ажралиб қолиш эҳтимоли ҳам мавжуд.

Иазорат ва муҳокама учун саволлар

1. Фойда миқдори нималарга боғлиқ?
2. Ишлаб чиқариш рентабеллиги ва маҳсулот рентабеллиги қандай фарқ қилади?
3. Нима учун тадбиркорликда хатар бор?

Асосий адабиётлар

1. Каримовнинг И.А. "Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларини чуқурлаштириш энг муҳим вазифа" маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида. «Халқ сўзи» 2000 йил, 24 январь.
2. Каримов И.А. Иқтисодни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш бош йўлимиз. «Халқ сўзи», 2002 йил, 13 февраль.
3. Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари. -Т.: Меҳнат, 1997.
4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёти. Ўзбекистон Миллий Энциклопедия. 1998.

XVII боб

МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА БИЗНЕСНИНГ ЎРНИ

17.1. Макроиқтисодий барқарорлик

Республикада ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда ислоҳотларни чуқурлаштириш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиёт ҳамда унинг етакчи тармоқ ва секторларида 2001 йили мунтазам ўсиш тендеицияси кузатилди. Ялпи ички маҳсулот ҳажми 1991 йил даражасига нисбатан 103 фоизни ташкил этди ва 4868,4 млрд. сўмга етди. Ялпи ички маҳсулотиииг ўсиши саноат маҳсулоти (108,1 фоиз), қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши (104,5 фоиз), қурилиш ишлари (103,3 фоиз), ички савдо ҳажмининг (109,5 фоиз) ва ташқи савдо ҳажми (103,1 фоиз) янада ортиши ҳисобидан таъминланди.

Республика ташқи савдо баланси ижобий шаклланди, экспорт импортдан 128 млн. АҚШ долларига ортди.

Республикада ўтказилган молиявий ва пул-кредит сиёсати натижасида макроиқтисодий барқарорлик таъминланди, иқтисодиётнинг, умуман, давлат миқёсида, шунингдек, минтақалар ва тармоқлар миқёсида молиявий мутаносиблиги мустаҳкамланди, хўжалик, иш юритувчи субъектларда тўлов интизоми сезиларли даражада мустаҳкамланди. Инвестиция дастури доирасида республика иқтисодиётда таркибий қайта тузишларни янада чуқурлаштириш ҳамда инвестицияларни, шу жумладан, чет эл инвестицияларини кенг кўламда жалб этиш сиёсати изчиллик билан амалга оширилди. Масалан, маблағ билан таъминланишнинг барча манбалари асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми (1194,2 млрд. сўм) 2000 йилдагига нисбатан 3,7 фоизга ортди, бу эса, ялпи ички маҳсулотга нисбатан 24,5 фоизни ташкил этди. 2001 йилда капитал қўйилмаларни маблағ билан таъминлашда унинг маълум қисми чет эл инвестициялари ва кредитлари ҳисобига ортди. Уларнинг улуши 2000 йилдагига нисбатан 7,6 фоизга ортди ва асосий капиталга киритилган жами инвестицияларнинг 29,3 фоизини ташкил этди. Капитал қўйилмалар таркибида, шунингдек, корхоиаларнинг ўз маблағлари улуши 1,1 фоизга ортиб, 27,5 фоизни ташкил этди.

Жалб қилинган иивестицияларииг анча қисми ишлаб чиқариш объектларини қуриш, кеигайтириш, қайта қуриш ва қайта жиҳозлашга йўналтирилди. Улариинг ҳажми 744,6 млрд. сўмни ёки ўзлаштирилган жами иивестицияларииг 62,4 фоизини ташкил қилди.

Масалан, 2001 йилда энергия ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, нефть-газ мажмуи, кўмир, металлургия, кимё, пахтани қайта ишлаш, енгил саноат, ипак, чарм-пойабзал, мебель ва иқтисодиётнинг бошқа етакчи тармоқлари корхоналарини модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш дастурлари изчил амалга оширилди ва техник ишлаб чиқариш ҳажми 2884,5 млрд. сўмии ташкил қилди ва 2000 йилдагига нисбатан 108,1 фоизга етди.

Бунда темир йўл ва автомобиль траиспорти комуникацияларининг модернизацияси ва янги қурилишлари фаол олиб борилди, кичик ва ўрта бизнес фаол иштирок этди.

Экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида ўтган йили 200 дан ортиқ қўшма корхоиа, шу жумладан, республиканинг барча минтақаларида чет эллик шериклар билан қўшма корхоиалар ташкил этиш дастурини амалга ошириш доирасида 90 та қўшма корхона барпо этилди. Чет эл инвестицияси киритилгаи корхоиалар маҳсулот ва хизматлари ҳажми 2001 йилда 2000 йилдагига нисбатан республикада 158,2 фоизга ошган бўлса, Андижон вилоятида 2,1 марта, Бухоро вилоятида 5,1 марта ошди.

Республикада 2001 йилнинг 1 январь ҳолатига чет эл инвестициялари киритилган 33001 та корхоиа рўйхатга олиии-ди. Кўплаб қўшма корхоиалар АҚШ, Буюк Британия, Германия, Корея, Хитой, Туркия, Россия, Украина ва бошқа мамлакатлар инвесторлари иштирокида барпо этилди. Республикага киритилгаи чет эл инвестицияларининг 23,4 фоизи Қашқадарё вилоятида ва 30,3 фоизи Тошкент шаҳрида ўзлаштирилди. Ўзлаштирилган чет эл инвестиция ва кредитлари ҳажми 349,7 млрд. сўмни ташкил этди.

Кичик ва ўрта бизнеснинг қонунчилик, меъёрий-ҳуқуқий негизини мустаҳкамлаш, «бир йўла» рўйхатга олинган кичик, ўрта корхоиа, микрофирмалар сони 201,9 мингтага етди ва хўжалик юритувчи субъектлар сонига нисбатан 90,5 фоизни ташкил этди.

Макроиқтисодиётнинг кичик секторида маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизмат кўрсатиш 2001 йилда юқори суръатлар билан ўсди. Кичик ва ўрта тадбиркорликнинг хўжалик юритувчи субъектлари(деҳқон хўжаликларисиз) томоиидан ялпи ички маҳсулотнинг 24,4 фоизи ишлаб чиқарилди. Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни жадаллаштирилган режаланишнинг давлат дастурини амалда бажариш натижасида мазкур секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдагига нисбатан 2,8 фоизга ортди. аҳолини иш билан

081 -

таминлашда кичик ва ўрта бизнес муҳим омил бўлмоқда. 2001 йилда иқтисодиётнинг бу секторида 4842,5 минг киши банд бўлди ёки иқтисодиётда барча банд бўлган аҳолининг 53 фоизини ташкил этди.

Иқтисодиётнинг барча тармоқларида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича чора-тадбирлар изчил ўтказилди. Ўтган йилда республикамизда жами 1449 та корхона хусусийлаштирилиб, улар негизида 775 та хусусий корхона, 240 та очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари ва 674 та турли ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги нодавлат корхоналари тузилди. Хусусийлаштириш натижасида давлат бюджетига тушган пул маблағлари ҳажми 23,2 млрд. сўмни ташкил этди.

Макроиқтисодиётда таркибий ўзгаришлар натижасида 2002 йил 1 январь ҳолатига нодавлат секторида мамлакатдаги барча корхона ва ташкилотларнинг 87,1 фоизи фаолият кўрсатди. Ўтган йилда нодавлат секторида ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 74,1 фоизи, саноат маҳсулотларининг 70,8 фоизи ишлаб чиқарилди, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 99 фоизи етиштирилди, қурилиш ишларининг 83,9 фоизи бажарилди. Чакана товар айланмасининг 97,1 фоизи, аҳолига пуллик хизмат кўрсатишнинг 59,4 фоизи нодавлат секторда шаклланди. Жами иқтисодиёт соҳасида банд бўлганларнинг 76 фоизи нодавлат секторига тўғри келди ва макроиқтисодий барқарорликка эришилди.

17.2. Иқтисодий барқарорликда бизнеснинг ўрни

Макроиқтисодиётда хусусий сектор мустаҳкамланди (қишлоқ хўжалиги, савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси), ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматларнинг анча қисми унинг улушига тўғри келади. 2002 йилда 62,5 минг корхона (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз) ўз фаолиятини хусусий мулкчилик доирасида амалга оширди. Хусусий корхоналарнинг ярмидан кўпи хизмат кўрсатиш соҳасида, ҳар олтинчиси саноатда фаолият кўрсатмоқда.

Натижада 2001 йилда 2000 йилдагига нисбатан 8,1 фоизга кўп) 1329,1 млрд. сўмлик истеъмол моллари(10,9 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.

Кичик ва ўрта бизнес, хусусий секторда янги турдаги ишлаб чиқариш ва тармоқлар жадал суръатлар билан ривожланди. 2001 йилда республнка саноат корхоналари томонидан 467 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Республикамизда иқтисодиётни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш даврида маҳаллий минерал ва хомашё ресурсларини

чуқур қайта ишлашга асосланган ҳолда янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш кенг ўзлаштирилмоқда. 2001 йилда мамлакатимизда етиштирилган пахта толасини қайта ишловчи, энг замонавий ускуна ва технологиялар билан жиҳозланган «Кабул-Фарғона», «Чиноз тўқимачи» каби янги қўшма корхоналар ишга туширилди.

Бу ўринда шуни қайд этиш лозимки, агар 1991 йили республикамизда пахта толасини қайта ишлаш 12 фоизни ташкил этган бўлса, эндиликда бу рақам 24 фоизга етди. Пахта толаси ва ипак хомашёларидан мукаммал технология асосида тайёрланган калавали ип, пахта ва шойи газламаларини экспорт қилиш ҳажмлари анча ошди.

Табиийки, хорижий инвестицияларни жалб этмай, ишлаб чиқаришга киритилган капитал маблағлар ҳажмини оширмай туриб, бундай ўзгаришларга эришиб бўлмайди. Жумладан, 2001 йили ана шу сармоялар улуши 62 фоиздан зиёдни ташкил этди. 2002 йилда эса республика иқтисодиётини инвестициялаш ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан 24,5 фоизни ташкил этди. Капитал маблағлар таркибида хорижий инвестициялар ҳиссаси кўпайиб, у жами инвестицияларнинг 30 фоизига ёки 1млрд. АҚШ долларига тўғри келди.

17.3. Бизнес ва маҳаллий ресурсларни чуқур қайта ишлаш чоралари

2001 йилнинг муҳим хусусияти маҳаллий ресурсларни қайта ишлаш асосида кичик ва ўрта тадбиркорлик суръатлари фаолияти янада тезлашгани билан боғликдир. Кичик ва ўрта бизнеснинг, фермер хўжаликларнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари анча мустаҳкамланди ва такомиллашди. Кичик ва ўрта бизнес субъектларини рўйхатга олишнинг соддалаштирилган тартиблари жорий этилди.

Маҳаллий минерал ва хомашё ресурсларини чуқур ишлаш йўлида имтиёзли ва микрокредитлар бериш ҳамда бошланғич капитални шакллантириш учун маблағ ажратиш йўли билан республикада кичик ва ўрта бизнес субъектлариии молиявий қўллаб-қувватлаш миқёслари кенгайтирилди. Масалан, 2001йилда кичик ва ўрта бизнес субъектларига берилгаи кредитлар ҳажми 2001 йилнинг ўзида 2,4 мартадан ошди. Буларнинг 70 фоизга яқиии ўрта ва узоқ муддатли кредитлардир. Тадбиркор ва фермерларга берилгаи микрокредитлар ҳажми эса 27 млрд. сўмдан зиёд бўлди.

Кичик ва ўрта бизнес вакилларининг моддий-хомашё ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилди, улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни товар-хомашё

биржаларида сотиш ҳажми ошиб бормоқда Натижада кичик ва ўрта бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси ошди, у 2002 йилнинг бошида 24,5 фоизни ташкил этди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бутун мамлакат иқтисодиётида банд бўлган аҳолининг 53 фоизидан кўпроғи кичик ва ўрта тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилмоқда.

Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга ошириш ширкатларга айлантирилган 18 минг хўжалик, шунингдек, 55,1 минг фермер хўжалиги ва уларга бириктирилган 1054,7 минг гектарни (бир хўжаликка ўрта ҳисобдан 19 гектар ер тўғри келади) суғоришга яроқли сувдан тежаб-тергаб, самарали фойдаланишга, суғориш ва ирригациянинг замонавий тизимлариии жорий қилишга, сувдан фойдаланиш интизомини кучайтиришга эришаётганларини рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ва илмий-тадбиркорликни ҳаётга татбиқ қилиш *муҳим аҳамиятга эга.*

Республика Президенти И.А. Каримов «ҳар томчи сув олтинга тенг бўлиб турган бир пайтда кўплаб вилоятларда сувдан фойдаланиш коэффициенти тушиб кетган. Жумладан, Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Наманган каби бир қатор вилоятларда содир бўлаётган бундай салбий ҳолатларнинг сабабларини чуқур синчиклаб ўрганиш ва тегишли чоралар кўриш лозим[6]», дедилар.

Алоҳида эътиборни талаб қиладиган яна масала вилоятлар, Тошкент шаҳри ва бошқа аҳоли пунктларида ичимлик сувини тежаш масаласидир. Яқин йиллар ичидаёқ бу масала энг кескин муаммолардан бирига айланиши, ичимлик суви эса энг ноёб ва қимматбаҳо табиий ресурс бўлиб қолиши мумкин. Ҳозирнинг ўзидаёқ бутун-бутун минтақаларда, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро вилоятларида, Қашқадарё, Навоий вилоятлариниг айрим туманларида сув таъминоти билан боғлиқ муаммоларга дуч келинмоқда.

Бу масала ўрганилганда аҳоли томонидан сув сарфланишининг амалдаги миқдори белгиланган меъёрлардан 2-3 баробар ортиқ экани аён бўлди. Масалан, Тошкент шаҳрида корхоналарда, автомобиль ювиш шаҳобчаларида ичимлик сувидан техник мақсадларда фойдаланиш каби одатларга ҳанузгача чек қўйилгани йўқ. Бундан ташқари республиканинг айрим шаҳарлари ва туман марказларида суғориш шаҳобчалари йўқлиги, мавжуд ариқларнинг эса кўмиб ташлангаии туфайли ёз мавсумида аҳоли водопровод сувидан суғориш мақсадлари учун фойдаланмоқда.

---

[6]Иқтисодни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш бош йўлимиз. «Халқ сўзи», 2002 йил, 13 февраль.

Ичимлик суви сарфланишини ҳисобга олувчи ўлчагичларни ўрнатиш ишлари қониқарсиз аҳволда. Тошкент шаҳрининг ўзида аҳвол ёмои «Тошвилоятсувоқава» трестига қарашли истеъмолчиларнинг атиги 3 фоизидагина ана шундай ўлчагичлар мавжуд.

Энергетика ресурсларидан, биринчи галда табиий газдан фойдаланиш яхши аҳволда эмас. Масалан, республика бўйича ўтказилган текширишлар натижасида 12 мингдан ортиқ иссиқхоналар газдан қонунга хилоф равишда фойдаланаётгаин аниқланди. Бундай иссиқхоналарнинг сони Самарқанд вилоятида 4250 та, Тошкентда 1500 та, Андижон вилоятида эса 1450 та эканлиги маълум бўлди. Таҳлиллар шундан далолат беради-ки, айрим аҳоли қатламларининг табиий газдан фойдаланиш даражаси меъёрдагига нисбатан 1,5-2 баробар ортиқ.

Моддий ресурслардан хўжасизларча, масъулиятсизлик билан фойдаланиш маҳсулотни ишлаб чиқаришга кетадиган материал ва энергия сарфининг ошишига, бу эса, ўз навбатида ана шу маҳсулот таннархининг қимматлашувига олиб келади. Товарнинг нархи ошиб кетади ва оқибатда у рақобатга бардош бера олмайди. Шу тариқа, маҳсулотларимизни жаҳон бозорига олиб чиқиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар йўққа чиқади.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш, бу борада тартиб ўрнатиш ва маҳаллий ресурслардаи оқилона фойдаланиш Ўзбекистоннинг жаҳои бозорига тезроқ интеграция қилишга имкон беради.

Республикамизда табиий газ захиралари кенг тарқалган. Шулар ичида Шўртан газ конлари хазинасини оқини оққа, кўкини кўкка ажратиб олсак, тамомила бошқача кўринишдаги манзара пайдо бўлар экан. Мутахассисларнинг айтишларича, мана шу газ таркибидан 148 турдан зиёд полиэтилин ишлаб чиқариш имконияти бор. Бу имконият Шўртан газ кимё мажмуасида рўёбга чиқарилмоқда. Чўл бағрида бунёд этилган ушбу масканни 450 гектарга яқин яшил ўрмон қуршаб турибди. Бу ерда қарийб 1 миллион туп кўчат ўтқазилди.

Кўриб турибмизки, истиқлол туфайли Ўзбекистон маҳаллий минерал ва хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш орқали янги марраларни забт этмоқда, мамлакатлару қитъалар билан мустаҳкам алоқа ўрнатмоқда.

Қисқача хулосалар

Республикада ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда ўтказилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш шартидир.

Иқтисодий барқарорликни таъминлашда кичик ва ўрта бизнес субъектлари алоҳида аҳамият касб этади.

Маҳаллий ресурслардан оқилона фойдалаиш иқтисодий танлов қоидаси асосида амалга оширилади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда бизнес қандай тутади?
2. Кичик ва ўрта бизнесни қандай чора-тадбирларини амалга ошириш орқали ривожлантириш мумкин?
3. Маҳаллий минерал ва хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлашнинг қандай йўллари мавжуд?
4. Маҳаллий ресурслардан фойдаланишда бизиес қандай аҳамиятга эга?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Иқтисодни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш бош йўлимиз. «Халқ сўзи», 2002 йил, 13 февраль.
2. Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. -Т.: Ўзбекистон, 1999.

XVIII боб

КИЧИК ВА ЎРТА БИЗИЕС ИСТИҚБОЛИ

18.1. Кичик ва ўрта бизнес

Бутун дунёда бозор иқтисодиёти механизми тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида ўз самарасиии бермоқда. Жаҳон тажрибаси кўрсатаётгаиидек, бозор механиизмиининг самарали фаолият кўрсатиши учун хусусий мулкчилик, рақобат ва тадбиркорлик муҳити мавжуд бўлиши керак.

Ўзбекистон мустақилликка эришиши билан мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов хусусий тадбиркорлик, унинг кичик ва ўрта бизнес шаклини ривожлантириш масалаларига жиддий эътибор қаратди. Натижада республикамизда қисқа вақт ичида кичик ва ўрта тадбиркорлик ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими шакллантирилди. Биринчи навбатда бу тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимояловчи ҳуқуқий асос бўлса, иккинчидан, уларнинг қисқа ва узоқ муддатли кредит ресурсларига эга бўлиши, имтиёзли солиқлар белгиланиши, молиявий, ижтимоий, бозор инфратузилмаларидан фойдаланишларига имкониятлар яратилди. Бу эса ушбу секторда фаолият кўрсатаётган барча хусусий корхоналарииинг ривожланишига яқиндан ёрдам берди, рақобат ва тадбиркорлик муҳити шаклланишини тезлаштирди.

Республикада миллий иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш дастурининг қабул қилиниши кичик, ўрта бизиес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ҳамда уни иқтисодиётда етакчи ўринга олиб чиқиш устувор вазифа қилиб қўйилди. Президент Каримов И.: «Биз ўз олдимига кичик, ўрта ва хусусий бизиесни фақат ички ялпи маҳсулотни ишлаб чиқаришда юқори ўринни эгаллашига эришишимиз, балки аҳоли фаровонлиги ва даромадларининг ўсиши, айниқса кичик шаҳарлар ва қишлоқ жойларида бандлик муаммосининг муҳим манбаи бўлиши кераклиги ҳақидаги вазифани қўямиз», деб алоҳида таъкидлаган.

Бундай вазифани амалга ошириш учун ҳаракатдаги қонунчилик ҳужжатларига тегишли қўшимчалар киритилди, кичик бизнес корхоиаларини қўллаб-қувватлаш тизимлари такомиллаштирилди ва тадбиркорлик эркинлигиии ҳимоя қилиш чоратадбирлари ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Шулар туфайли ҳозирги кунда республикада хусусий мулк шаклидаги хўжалик юритувчи нодавлат корхоналари асосий ўрин тутмоқда. 2001 йилда республика бўйича рўйхатга олинган корхо-

наларнинг 201,9 минги ёки 90,5 фоизи кичик, ўрта корхоналар ва микрофирмалардир. Уларнинг шу йилги ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,8 фоизни, шундан кичик ва ўрта корхоналар улуши эса 14,8 фоизни ташкил этди ва бу 2000 йилдагига нисбатан мос равишда 2,8 ва 1,7 фоизга кўпдир. Шу билан бирга, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик соҳасида банд аҳолининг сони ҳам мунтазам ўсиб бормоқда. Бу кўрсаткич республика бўйича 2001 йил бошидагига нисбатан 7,1 пунктга юқоридир. Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳам мунтазам ўсиб бормоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши ҳали талаб даражасида эмас. Бунинг учун, бизнинг фикримизча, давлат томонидан олиб борилаётган тадбиркорлик муҳити яратиш ҳаракатини янада фаоллаштириш билан бирга кичик ва ўрта корхоналар фаолиятининг бозор шароитига мослашувини тезлаштириш ҳамда республикада макроиқтисодий қарорлар қабул қилиш учун кичик ва ўрта бизнес ривожланишининг устувор йўналишлари ўзгарини башоратларини амалга ошириш лозим.

Бозор иқтисодиёти хўжалик фаолиятининг асосий субъектлари уй хўжаликлари, бизнес ташкилотлари ва давлат ҳисобланади. Уй хўжаликлари бизнес ташкилотлари томонидан ишлаб чиқарилган пировард маҳсулот ва хизматларни истеъмол қилади, ўз навбатида, давлат институтларн ва бизнес ташкилотларн, оила аъзоларининг тадбиркорлик фаолиятини таъминловчи тузилмавий ташкилотлар ҳисобланади. Айнан ана шу фаолият натижасида бизнес эгалари — уй хўжаликлари даромад оладилар. Бизнес корхоналарининг фаолият кўрсатиш механизмига давлат ва унинг ташкилотлари турли хил усуллар билан таъсир кўрсатиб туради. Улар қаторига имтиёзли солиқлар, ҳуқуқий кафолатлар, ресурслар бозорига киришни осонлаштириш, маркетинг, ахборотлар хизматларини кўрсатиш, маҳсулотларни бозорларга тўсиқларсиз чиқариш, имтиёзли кредитлар олиш ва бошқалар киради. Шулар билан бирга кичик корхоналарни рағбатлантирувчи асосий механизм талаб ва таклиф ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, таклиф ва талаб мувозанатини таҳлил қилиш корхоналарнинг фаолият кўрсатиш механизмини аниқроқ тасвирлаб беради.

18.2. Кичик ва ўрта бизнес истиқболи

Бозор иқтисодиёти шароитида талаб ва таклиф кичик ва ўрта бизнес корхоналарини самарали фаолият олиб боришга ундайдиган механизм сифатида намоён бўлди. Агар корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар бозор талабларига тўлиқ жавоб берса, демак, корхоианинг ушбу маҳсулотларни сотишдан оладиган даромадлари ўсиб боради ва корхона қўшимча кенгайиш имкониятла-

рига эга бўлади. Иккинчи томондан, товарларнинг нархи ишлаб чиқарувчиларга бозорда бўладиган ўзгаришлар тўғрисида сигнал бўлиб хизмат қилади. Товарларнинг бозордаги нархлари оппози билан ишлаб чиқарувчиларга рақобат пайдо бўлади ва улар бозорга кўплаб маҳсулотлар чиқара бошлайдилар.

Шуларни ҳисобга олиб, кичик ва ўрта бизнес корхоналари фаолияти кўрсаткичларини экоиометрик моделлаштиришнинг услубий асослари тадқиқ қилинади ва уларни ривожлантириш моделлари ишлаб чиқилади. Бунинг учун иқтисодий жараёнлари моделлаштириш усуллари ва унда қўлланиладиган ёндашувлар, моделларни таҳлил қилиш ва уларнинг кичик ва ўрта бизнес корхоналари фаолиятини тизимли ўрганиш ва ривожлантиришдаги аҳамияти очиб берилади.



5-расм. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари фаолияти самарадорлигини белгиловчи тадбиркорлик муҳити.

Кичик ва ўрта бизнес корхоналари ишлаб чиқариш, меҳнат ва моддий ресурслар миқдорларини ҳамда фойда ва харажатлар ҳажмини моделлаштириш усуллари ва уларга мос нш-лаб чиқариш функциялари тузиши лозим.

Кичик ва ўрта бизнес корхоналари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш вақтида турли хил ресурслар, технологиялар, ишчи кучи ва бошқа ресурсларни жалб этадилар. Ушбу корхоиалар ўзла-рининг мақсадларига қараб узоқ ва қисқа муддатли ораликларда фаолият кўрсатадилар. Қисқа муддатли ораликда корхона ишлаб чиқариш қувватини ўзгартира олмайди, лекнн ундан фойдаланишни интенсивлаштириши мумкин. Узоқ муддатли ораликда ишлаб чиқариш қуввати ҳам ўзгаради. Албатта, узоқ ва қисқа муддатли ораликлар, ҳар хил маҳсулотлар учун турли-ча бўлиши мумкин. Шу даврларда корхоналарнинг асосий мақ-сади фойданинг энг катта ҳажмига эришишдан иборатдир. Умумий ҳолда фойда ялпи даромаддан умумий харажатларни айириш орқали топилади:

$$\pi = TR\text{-}TC \qquad (1)$$

Бу ерда: π - фойда;

TR-умумий даромад;

Таянч сўзлар:- умумий харажат.

Шундан келиб чиқиб, кичик ва ўрта бизнес корхоналари-га фойда, харажатлар ва оптимал ишлаб чиқариш миқдорини моделлаштириш усули таклиф этилиши лозим.

Ишлаб чиқариш – керакли маҳсулотларни тайёрлаш учун ишчи кучидан, ускуна ва технологиядан, табиий ресурслардан ҳамда материаллардан маълум миқдордаги комбинацияда фой-даланиш жараёнидир. Уларни йириклашган уч гуруҳга бўлиш қабул қилинган: меҳнат, капитал ва материаллар.

Бундай омиллар биргаликда олиб қараладиган бўлса, улар ишлаб чиқариш функцияси орқали ифодаланади ва ишлаб чи-қариш функцияси бозор иқтисодиёти шароитида кичик ва ўрта бизнес корхоналариниг чегараланган ресурслардан қай дара-жада фойдаланаётганлигини таҳлил қилиш имконини бера-ди. Агар омиллар мажмуаси капитал сарфи, меҳнат ва матери-аллардан иборат бўлса, ишлаб чиқариш функцияси қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин:

$$Q=f(K,L,M), \qquad (2)$$

Бу ерда: Q- берилган технологияда энг кўп ишлаб чиқа-риладиган маҳсулот миқдори; К- капитал; L- меҳнат; М-мате-риаллар.

Агар ишлаб чиқариш функцияси иккита омилга – К(ка-

питал) ва L(меҳнат) омилларига боғлиқ бўлса, ишлаб чиқариш функцияси қуйидагича ёзилади:

$$Q = f(K,L). \qquad (3)$$

Ушбу функцияда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми капитал ва меҳнат ишлаб чиқариш омилларига боғлиқ. Масалан, ишлаб чиқариш функцияси ёрдамида нон ишлаб чиқариш комбинатида меҳнат ресурсларидаи ва капиталдан фойдаланган ҳолда қанча нон маҳсулоти ишлаб чиқариш мумкинлнгинн ёки қишлоқ хўжалиги корхонасиииг берилган меҳнат ресурсларидан ва техникадан фойдаланган ҳолда маълум вақт оралиғида қанча маҳсулот ишлаб чиқаришини ифодалаш мумкин.

Маҳсулот ишлаб чиқариш кўпроқ қўл меҳнатига асосланган бўлса, у ҳолда ишлаб чиқариш функциясини фақат сарфланган меҳнатга боғлиқ равишда ёзиш мумкин: $Q=f(L)$. Агар маҳсулот ишлаб чиқаришда кўпроқ капитал сиғимига эга бўлса, ишлаб чиқариш функциясини $Q=f(K)$ кўринишида ёзиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, (2) ва (3) тенгламалар ишлаб чиқаришнинг маълум технологиясида қўлланилиши мумкин. Агар технология ўзгарса, яъни янги технология қўлланса, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ресурслар ҳажми ўзгармаганда ҳам ўсиши мумкин.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда кичик корхоналарда ишлаб чиқариш меҳнат ва капитал сарфига, меҳнат сарфи ўзгармас бўлиб, у фақат капитал сарфига боғлиқ бўлган ҳамда технологиялар такомиллашувининг ишлаб чиқариш ҳажмларига таъсирини моделлаштириш усулларн асосланган ва улар нои маҳсулотлари, мебель ва бошқа турдаги ишлаб чиқаришларнинг оптимал ҳажмларини аниқлаш орқали синаб кўриш керак.

Республикамизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида миллий иқтисоднинг барча тармоқларида кўплаб кичик ва ўрта бизнес корхонлари вужудга келмоқда. Ушбу корхоналар аҳоли даромадларини ошириш билан уларнинг бандлигини таъминлашда, ички истеъмол бозорини зарур товарлар ва хизматлар билан тўлдиришда, иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим роль ўйнамоқдалар. Шуларни ҳисобга олиб, кичик ва ўрта бизнеснинг устувор йўналишлари бўлган корхоналар сонини ошириш, иқтисодий рақобатни таъминлаш, бу соҳага инвестицион ресурсларни жалб қилиш, турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш, республикамиз ялпи ички маҳсулоти таркибида уларнинг улушини ошириш каби кўрсаткичларни башорат қилишнинг эконометрик моделлари ишлаб чиқилган.

Ушбу моделлар асосида республикада кичик ва ўрта бизнес ривожланиш истиқболлари башорати натижалари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2002-2005 йилларда кичик ва ўрта бизнес ривожланишининг асосий кўрсаткичлари башорати

Йиллар	1-ажратилган инвестициялар млн.сўм	Y_1-корхоналар сони, минга	Y_2-н.ч маҳсулот миқдори, млн. сўм	Y_3-асосий фондлар қиймати, млн.сўм	Y_4-ишловчилар сони, минг киши
1992*	4563	20105	19183	67125	110,45
1993*	9124	46577	28397	82344	163,12
1994*	7344	72314	40119	102375	220,17
1995*	12186	101241	52331	94160	422,80
1996*	20617	127654	68805	110541	245,24
1997*	32315	130172	89683	153200	249,09
1998*	58541	142714	101422	188617	364,78
1999*	74338	165645	147728	223155	392,31
2000*	91845	159719	260284	307155	411,65
2001*	107321	201962	344968	350425	475,25
2002	108121	209954	377010	335890	496,59
2003	120177	227234	409052	366432	531,34
2004	132234	244515	441094	396974	566,09
2005	144290	261795	67125	427516	600,84

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари, Тошкент, 2002.

Башорат натижаларининг таҳлили шуни кўрсатадики,2005 йилда кичик ва ўрта бизнес корхоиалари сони 2001 йилдаги ҳақиқий ўсишга солиштирилганда қарийб 30 фоизга кўпайиши, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми эса 69,4 фоизга, ишловчилар сони бунда 26,4 фоизга ошиши кутилади. Бундай жараёнларга жалб этиладиган инвестициялар ҳажми 36,9 млрд. сўмга ошиши лозим бўлади.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш истиқболларини амалга оширишдаги чора-тадбирлар мамлакат миқёсида бажарилиши лозим. Бунинг учун биринчи навбатда кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчи тадбиркорларга тижорат банклари, чет эл сармоялари, махсус фондлар, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан кредит ресурслари беришии янада соддалаштириш ҳамда лизиинг хизматидан фойдаланишни кенгайтириш керак. Иккинчидан, кичик ва ўрта бизнес корхоналарниинг иқтисодий ва ишлаб чиқариш фаолиятига четдан бўладиган аралашувларнн, турли хил назорат ва текширувларни камайтириш лозим. Кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун яна бир муҳим манба — ахборот ресурсларига бўлгаи талабларини имкони борича тўлиқроқ таъминлаш

керак. Кичик ва ўрта бизиес субъектлари ички ва ташқи бозор коньюнктураси тўғрисида тўлиқ маълумотга эга эмаслар. Ушбу масалани ҳал этиш учун ҳозир фаолият кўрсатаётган моиторинг тизимини бозорлар ҳақидаги маълумотлар базасини ташкил этиш ҳисобига кенгайтириш зарур.

Республикамизда ташкил этилаётган кўплаб кичик ва ўрта бизнес корхоналари етарли даражада ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашни тушуниб олишлари учун махсус ҳуқуқий ёрдамларни ташкил этиш ва амалга ошириш лозим. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулотларнн экспортга чиқаришга ҳар томонлама кўмаклашиш ва уларни рағбатлантириш лозим. Бу ишлари хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият олиб бораётган воситачи ташкилотлар ва фирмалар орқали амалга ошириш мумкин. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари бошқарув аппаратида, ишловчиларни турли хил касб ва малака ошириш институтларида ўқитиш зарур. Чунки, бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлар учун биргина тажрибаниинг ўзи етарли эмас. Баъзи ҳолларда тезкор қарорларни қабул қилишда илмий асослаиган, ноанъанавий ёндашувлар лозим бўлади.

Республикамизда кичик ва ўрта бизиес қўл меҳнати талаб қилинадиган, айниқса, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, хизмат кўрсатиш соҳаларида ташкил этилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ҳозирги пайтда республикамизда кичик ва ўрта бизнес ўзининг ибтидоий ривожланиш босқичида турибди. Яъни анъанавий турдаги кичик корхоиалар ўрнига замонавий технологияларга эга бўлган ишлаб чиқаришларни ривожлантириш лозим. Бундай корхоналар тармоқда фан-техника тараққиётини белгилаб берувчи корхоналар жумласига киради.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратилган ушбу чора-тадбирлар пировард натижасида ўзининг ижобий самараларини беради. Ушбу самаралар қуйидаги кўрсаткичлар орқали намоён бўлади: кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши бозорда рақобат муҳитини келтириб чиқаради; ички бозорда харидорлар эҳтиёжларини қондирувчи товарлар, хизматлар пайдо бўлади ва маҳаллий истеъмолчиларнинг республикамизда ишлаб чиқараётган маҳсулотларга бўлган талаби шакллана боради; маҳаллий кичик ва ўрта бизнес корхоналари ишлаб чиқарган товарлар истеъмолчилар эҳтиёжини қондирибгина қолмай, балки хорижий мамлакатлардан импорт қилиб олинадиган товарларни камайтиришга олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, товарларни импорт қилиш учун кетадиган валюта маблағлариии тежаш имкоииии беради, кичик ва ўрта бизнес корхоиалари соиииииг ортиши кенг кўламлиликнинг самарасини

келтириб чиқаради, яънн корхоналар сони қанчалик ортиб борса, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар миқдори ҳам шунчалик ортиб боради.

Хулоса қилиб яна шуни айтиш лозимки, республикамизда кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ривожланишини қўллаб-қувватлаш мамлакат иқтисодий ўсишини таъминлайди. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли турмуш даражасининг асосий кўрсаткичи бўлган- аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотни кўпайтиришга олиб келади ва республикамизни дунёдаги ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқади.

Қисқача хулосалар

Кичик ва ўрта бизиес корхоналари фаолияти самарадорлигини белгиловчи тадбиркорлик муҳити яратиш учун асосий дастурамал бозор механизмининг истиқболли йўналишлари дастуридир.

Бозор иқтисодиёти шароитида талаб ва таклиф кичик ва ўрта бизиес корхоналарининг самарали фаолиятини таъминлайди.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Бозор иқтисодиёти шароитида кичик ва ўрта бизнес роли қандай ўрин тутади?
2. Тадбиркорлик қай йўллар билан қўллаб- қувватланади?
3. Кичик ва ўрта бизиес нимани англатади?
4. Кичик ва ўрта бизнесни қандай чора-тадбирларни амалга ошириш орқали янада ривожлантириш мумкин?

Асосий адабиётлар

1. Автореферат. Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта бизнеснинг устувор йўналишларини экоиометрик баҳоратлаш. Тошкент, 2002.
2. Каримов И.А. Иқтисодни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш бош йўлимиз. «Халқ сўзи», 2002 йил, 13 февраль.
3. Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. —Т.: Ўзбекистои, 1999.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. -Т.: Ўзбекистон, 1993.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, тараққиёт шартлари ва кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1995.

4. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ биринчи сессияси иккинчи йиғилишида сўзлаган нутқи. «Халқ сўзи», 2000 йил, 23 январь.

5. Каримов И.А. Иқтисодий ривожланиш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш. «Халқ сўзи», 2002 йил, 25 январь.

6. Каримов И.А. Хавфсизлик, тинчлик курашиш керак. 10-том. -Т.: Ўзбекистон, 2002.

7. Каримов И.А. 2003 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз иқтисодиётиии ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантириш якунлари ва бу соҳаларда энг муҳим устувор йўналишлар бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳақида. Ўзбекистон Республикаси И.А. Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасидаги мажлисидаги сўзлаган маърузаси. «Хамкор», 2003 йил, 24июль.

8. Каримов И.А. Иқтисодни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билаи фойдаланиш – бош йўлимиз. «Халқ сўзи», 2002 йил, 13 февраль.

9. Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари. -Т.: Меҳнат, 1997.

10. Ишмуҳамедов А.Э.. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши. -Т.: Ўқитувчи, 1996.

11. Ишмуҳамедов А.Э. ва бошқалар. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти. -Т.: ТДИУ, 2000.

12. Ишмуҳамедов А.Э., Шибаршова Л.И. Экономическая интеграция в мировое хозяйство. Тексты лекций. ТГЭУ. – Т.: 2000.

13. Кругман П.Р., Обстфельд М. Халқаро иқтисодиёт. Назария ва сиёсат. -М.: МДУ, 1997.

14. Расулов А., Бедринцев А., Акилов А. Ўзбекистонни ташқи фаолият ва жаҳон хўжалигига бирлаштириш. -Т.: Ўзбекистон, 1996.

15. Отажонов М. Мулкчилик шакллари ва қишлоқ хўжалигида ижара. – Т.: 1991.

16. Ўлмасов А., Тўхлиев Н. Бозор иқтисодиёти. Қисқача луғат маълумотиома. – Т.: Қомуслар Бош таҳририяти. 1991.

17. Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисоди. Ўзбекистои миллий эициклопедияси. – Т.: 1998.

МУНДАРИЖА

КИРИШ 5

I боб. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ТАРИХИ 8

1.1. Шарқ бозорлари тарихи 8
1.2. Амир Темур давлатининг иқтисодий сиёсати ва солиқлар тизими 9
1.3. Ўзбекистоннинг бозор тарихи 14
Қисқача хулосалар 17
Назорат ва муҳокама учун саволлар 17
Асосий адабиётлар 17

II боб. «БОЗОР» ТУШУНЧАСИ ВА БОЗОР ТУРЛАРИ 18

2.1. «Бозор» тушунчаси ва унинг вазифалари 18
2.2. Эркин ва монополлашган бозор 19
2.3. Бозорнинг турлари 21
Қисқача хулосалар 24
Назорат ва муҳокама учун саволлар 24
Асосий адабиётлар 24

III боб. ЭҲТИЁЖЛАР ВА УЛАРНИНГ ҚОНДИРИЛИШИ 25

3.1. «Эҳтиёж» тушунчаси ва унинг юксалиши 25
3.2. Ресурсларнинг камёблиги 26
3.3. Эҳтиёжларни қондиришнинг оптимал даражаси 27
Қисқача хулосалар 29
Назорат ва муҳокама учун саволлар 29
Асосий адабиётлар 29

IV боб. ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ 30

4.1. Иқтисодий фаолият турлари 30
4.2. Ишлаб чиқариш омиллари ва натижалари 32
4.3. Меҳнат унумдорлиги 33
Қисқача хулосалар 35
Назорат ва муҳокама учун саволлар 35
Асосий адабиётлар 35

V боб. ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМ ВА ТИЗИМЛАР 36

5.1. Иқтисодий механизм ... 36
5.2. Иқтисодий танлов қоидаси ... 37
5.3. Иқтисодий тизимлар ... 38
Қисқача хулосалар ... 40
Назорат ва муҳокама учун саволлар ... 40
Асосий адабиётлар ... 40

VI боб. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ВА УНГА ЎТИШ ЙЎЛЛАРИ ... 41

6.1. Бозор иқтисодиётининг белгилари ... 41
6.2. Бозор иқтисодиётининг турлари ... 43
6.3. Бозор иқтисодиётига ўтиш йўллари ... 45
Қисқача хулосалар ... 47
Назорат ва муҳокама учун саволлар ... 47
Асосий адабиётлар ... 47

VII боб. «ИҚТИСОДИЙ РАҚОБАТ» ТУШУНЧАСИ ... 48

7.1. Иқтисодий рақобат мазмуни ... 48
7.2. Рақобат ва баҳо ... 49
7.3. Рақобат – бозорни тартибга солувчи куч ... 51
7.4. Халқаро рақобат кураши ... 54
Қисқача хулосалар ... 57
Назорат ва муҳокама учун саволлар ... 57
Асосий адабиётлар ... 57

VIII боб. МОНОПОЛИЯ ВА БОЗОР МОДЕЛЛАРИ ... 58

8.1. «Монополия» тушунчаси ... 58
8.2. Бозорнинг асосий моделлари ... 59
8.3. Аксмонополия ҳолати ... 62
Қисқача хулосалар ... 66
Назорат ва муҳокама учун саволлар ... 66
Асосий адабиётлар ... 66

IX боб. МУЛК ШАКЛЛАРИ ... 67

9.1. Мулк шаклларининг бозорга таъсири ... 67
9.2. Давлат мулки ... 70
9.3. Хусусий мулк ... 71
Қисқача хулосалар ... 78
Назорат ва муҳокама учун саволлар ... 78
Асосий адабиётлар ... 78

X боб. ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ 79

10.1. Давлат мулкини хусусийлаштириш 79
10.2. Хусусийлаштиришни амалга ошириш 80
Қисқача хулосалар 85
Назорат ва муҳокама учун саволлар 85
Асосий адабиётлар 85

XI боб. ПУЛ 86

11.1. Пул ва «пул» тушунчаси 86
11.2. Пул ва инфляция 89
11.3. Пул қиймат ўлчови ва жамғарма воситаси 90
Қисқача хулосалар 92
Назорат ва муҳокама учун саволлар 92
Асосий адабиётлар 92

XII боб. Молия ва банк тизими 93

12.1. Молия ва унинг асослари 93
12.2. Молиянинг вазифалари 94
12.3. Молия тизими 97
исқача хулосалар 104
1 Назорат ва муҳокама учун саволлар 104
Асосий адабиётлар 104

XIII боб. КРЕДИТ ВА БАНКЛАР ФАОЛИЯТИ 105

13.1. Кредит тушунчаси 105
13.2. Банклар 107
13.3. Банкларнинг турлари 108
Қисқача хулосалар 110
Назорат ва муҳокама учун саволлар 110
Асосий адабиётлар 110

XIV боб. ВИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК 111

14.1. Бизнес ва тадбиркорлик тушунчалари 111
14.2. Бизнес ва тадбиркорлик тамойиллари 112
14.3. Тадбиркорлик ва мулк шакллари 113
Қисқача хулосалар 115
Назорат ва муҳокама учун саволлар 115
Асосий адабиётлар 115

XV боб. БИЗНЕС АСОСЛАРИ 116

15.1. Фирмаларнинг шакллари 116
15.2. Бизнесда соф харажатларнинг турлари 119
15.3. Меъёрий харажатлар 122
Қисқача хулосалар 125
Назорат ва муҳокама учун саволлар 125
Асосий адабиётлар 125

XVI боб. БИЗНЕС САМАРАДОРЛИГИ МУАММОЛАРИ 126

16.1. Бизнесда фойда ва рентабеллик 126
16.2. Инвестиция фаолияти 129
16.3. Бизнес ва тадбиркорлик хатарлари ва уларни камайтириш тадбирлари 131
Қисқача хулосалар 134
Назорат ва муҳокама учун саволлар 134
Асосий адабиётлар 134

XVII боб. МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА БИЗНЕСНИНГ ЎРНИ 135

17.1. Макроиқтисодий барқарорлик 135
17.2. Иқтисодий барқарорликда бизнеснинг ўрни 137
17.3. Бизнес ва маҳаллий ресурсларни чуқур қайта ишлаш чоралари 138
Қисқача хулосалар 141
Назорат ва муҳокама учун саволлар 141
Асосий адабиётлар 141

XVIII боб. КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС ИСТИҚБОЛИ 142

18.1. Кичик ва ўрта бизнес 142
18.2. Кичик ва ўрта бизнес истиқболи 143
Қисқача хулосалар 150
Назорат ва муҳокама учун саволлар 150
Асосий адабиётлар 150

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ 151

CONTENTS

INTRODUCTION..... 5

PART-I. HISTORY OF THE FORMATION OF MARKET ECONOMY..... 8

1.1. History of market..... 8
1.2. Economic policy and tax system of Amir Temur state..... 9
1.3. Market history in Uzbekistan..... 14
Brief conclusions..... 17
Questions for discussion and control..... 17
Main literature..... 17

PART-II. CONCEPT OF MARKET AND ITS TYPES..... 18

2.1.Concept of market and its tasks..... 18
2.2. Competitive and monopolized market..... 19
2.3. Types of market..... 21
Brief conclusions..... 24
Questions for discussion and control..... 24
Main literature..... 24

PART-III. NEEDS AND THEIR SATISFACTION..... 25

3.1.Concept of needs and its increase..... 25
3.2. Scarcity of resources..... 26
3.3. Optimal degree of satisfaction of needs..... 27
Brief conclusions..... 29
Questions for discussion and control..... 29
Main literature..... 29

PART-IV. ECONOMIC ACTIVITY AND PRODUCTION..... 30

4.1.Types of economic activity..... 30
4.2 Factors and results of production..... 32
4.3 Efficiency of labor..... 33
Brief conclusions..... 35
Questions for discussion and control..... 35
Main literature..... 35

PART-V. ECONOMIC MECHANISMS AND SYSTEMS..... 36

5.1.Economic mechanism 36
5.2.Rule of economic selection 37
5.3.Economic system..... 38
Brief conclusions..... 40
Questions for discussion and control..... 40
Main literature..... 40

PART-VI. MARKET ECONOMY AND WAYS OF TRANSITION TOWARDS IT..... 41

6.1.Features of market economy..... 41
6.2.Types of market economy..... 43
6.3.Ways of transition towards market economy..... 45
Brief conclusions..... 47
Questions for discussion and control..... 47
Main literature..... 47

PART-VII. CONCEPT OF ECONOMIC COMPETITION..... 48

7.1.Meaning of economic competition..... 48
7.2.Competition and the price..... 49
7.3. Competition-force for regulating the market 51
7.4.International competition..... 54
Brief conclusions..... 57
Questions for discussion and control..... 57
Main literature..... 57

PART-VIII. MONOPOLY AND MODELS OF MARKET..... 58

8.1.Concept of monopoly 58
8.2.Basic models of market..... 59
8.3.Antimonopoly policy..... 62
Brief conclusions..... 66
Questions for discussion and control..... 66
Main literature..... 66

PART-IX. FORMS OF PROPERTY..... 67

9.1.Effects of property forms to market..... 67
9.2.State property..... 70
9.3.Private property..... 71
Brief conclusions..... 78
Questions for discussion and control..... 78

Main literature..... 78

PART-X. PRIVATIZATION OF STATE PROPERTY..... 79

10.1.Privatization of state property..... 79
10.2.Carrying out of privatization..... 80
Brief conclusions..... 85
Questions for discussion and control..... 85
Main literature..... 85

PART-XI. MONEY..... 86

11.1.Money and concept of money..... 86
11.2.Money and inflation..... 89
11.3.Money as a measure of value and means of savings..... 90
Brief conclusions..... 92
Questions for discussion and control..... 92
Main literature..... 92

PART-XII. FINANCE AND BANKING SYSTEM..... 93

12.1.Finace and its essence..... 93
12.2. Functions of finance..... 94
12.3.Financial system..... 97
Brief conclusions..... 104
Questions for discussion and control..... 104
Main literature..... 104

PART-XIII. CREDIT AND ACTIVITIES OF BANKS..... 105

13.1.Essence of credit..... 105
13.2.Banks..... 107
13.3.Types of banks..... 108
Brief conclusions..... 110
Questions for discussion and control..... 110
Main literature..... 110

PART-XIV. BUSINESS AND ENTREPRENEURSHIP..... 111

14.1. Essence of business and entrepreneurship..... 111
14.2.Principles of business and entrepreneurship..... 112
14.3.Forms of entrepreneurship and property..... 113
Brief conclusions..... 115

Questions for discussion and control..... 115
Main literature..... 115

PART-XV. BASIS OF BUSINESS..... 116

15.1.Forms of firms..... 116
15.2.Types of 'pure costs' in business..... 119
15.3.Marginal costs 122
Brief conclusions..... 125
Questions for discussion and control..... 125
Main literature..... 125

PART-XVI. PROBLEMS OF PRODUCTIVITY OF BUSINESS..... 126

16.1.Profit and profitability in business 126
16.2.Investment activity..... 129
16.3.Risks of business and entrepreneurship and ways to decreasing them..... 131
Brief conclusions..... 134
Questions for discussion and control..... 134
Main literature..... 134

PART-XVII. ROLE OF BUSINESS IN PROVIDING MACROECONOMIC STABILITY..... 135

17.1.Macroeconomic stability 135
17.2.Role of business in economic stability..... 137
17.3.Measures of local resources processing in business..... 138
Brief conclusions..... 141
Questions for discussion and control..... 141
Main literature..... 141

PART-XVIII. PERSPECTIVES OF SMALL AND MEDIUM-SIZED BUSINESS..... 142

18.1.Small and medium-sized business..... 142
18.2.Perspectives of small and medium-sized business..... 143
Brief conclusions..... 150
Questions for discussion and control..... 150
Main literature..... 150

LIST OF BIBLIOGHRAPHY..... 151

АНВАР ЭГАМҚУЛОВИЧ ИШМУҲАМЕДОВ,
ЛЮБОВЬ АЛЕКСАНДРОВА СИТДИКОВА,
ЛОЛА АРИФОВНА ИШМУҲАМЕДОВА,
МУХТОР НЕЪМАТОВИЧ СУННАТОВ

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ВА БИЗНЕС АСОСЛАРИ

(Ўқув қўлланма)

Нашр учун маъсул:
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Адабиёт жамғармаси директори
Қурбонмурод Жумаев
Мусаввир: Акбарали Мамасолиев.
Муҳаррир: З. Йўлдошев
Техиик муҳаррир: Ш.Таджиев
Мусаҳҳиҳ: Ж. Йўлдошев
Компьютерда саҳифаловчи: М.Ғойибназаров

Интернетдаги расмий сайтимиз: www.tsue.uz
Электрон почта манзили: info@tsue.uz

Теришга берилди 04.11.2003 й. Босишга рухсат этилди 20.01.2004 й.
Қоғоз формати 60x84 $^{1}/_{32}$. Офсет босма усулида босилди.
Нашр босма тобоғи 10. Нусхаси 500
Буюртма № 180

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси нашриёти.
700000, Тошкент, Ж-Неру,1.

«Taraqqiyot HCH» фирмаси матбаа бўлимида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Белтепа мавзеси, 18-6.